

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**М.Маҳаметов, Ф.Файзиева, В.Абляева**

# **ТЕЛЕВИДЕНИЕ АСОСЛАРИ**

5210400 Режиссёрлик –  
Телевидение ва радио режиссёрлиги

**Тошкент – 2007**

## Сўз боши

“Телевидение асослари” дарслиги мутахассисларга - санъатшунос журналистлар, режиссёрлар, кинотелеоператорлар, овоз режиссёрлари ҳамда барча шу соҳага қизиқувчиларга мўлжалланган.

Телевидение пайдо бўлиб, санъат сифатида шаклланганидан бери тарихан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу соҳада талайгина тадқиқот ишлари, илмий назарий ишлар амалга оширилган. Бу соҳа замонавий санъат сифатида жуда тез ривожланмоқда ва такомиллашмоқда. Айниқса телевизион техниканинг тараққиёти, компьютер технологияси, интернет тизимларининг хонадонларга кириб келиши ОАВ ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Бу эса соҳа мутахассисларини тайёрлашда фанни изчиллик билан ўрганишни, унга илмий-услубий ёндашишни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда телевидениенинг тарихи ва назарияси ҳақидаги дарсликларга эҳтиёж сезилмоқда. Ушбу дарсликни яратиш жараёнида телевидениенинг кашф этилиши, тарихи ва назариясининг асосий йўналишларини ва тараққиёт босқичларини қамраб олишга ҳаракат қилинди.

Мазкур дарсликда XX аср мўъжизасининг инсоният тараққиётидаги ўрнини имкон қадар баҳолашга, телевидение технологиясининг ривожланиши, ундаги ижодий изланишлар, Ўзбекистонда телевидениенинг, хусусан бадий телевидениенинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва унинг мустақилликдан кейин истиқболларини ўрганишга ҳаракат қилинди. Телевидение асослари ҳақидаги ушбу дарсликни талабаларга ва китобхонларга қулай бўлиши учун электрон шаклда ҳамда санъат турларининг ичида ОАВ ўрнини бўлимларга ажратиб нашрга тайёрланди. Дарсликни тайёрлашда манбалардан фойдаланишда фойдали маслаҳат ва кўрсатмаларини аямаган барча ҳамкорларга миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Муаллифлар

## 1-бўлим: XX аср мўъжизаси

Минглаб йиллар давомида ер юзида одамзод яшаб, доимо янгиликларга, ихтироларга интилиб келган.

XX аср - агар вақт эталони нуқтаи назаридан ўйлаб қарайдиган бўлсак, тарих китобидан бир варақасини эгаллайдиган аср. Онгининг юксалиши даражасида қабул қилинадиган бўлсакчи, шу қисқа вақт ичида одамзод ҳали шу пайтгача ҳаёлига келтирмаган янги-янги кашфиётлар очди, ўша юксак даражадаги технологияларни ҳаётга татбиқ этди.

Одамзод яратган кашфиётларнинг бири «Телевидение» ва у билан боғлиқ бўлган воситалардир. Телевидениенинг ҳаётимизга кириб келиши инсониятнинг узоқ ўтмишдаги орзу-ўйлари, ҳаёлоти, афсонаю эртак тўқималари нуқтаи назаридан қараганда ниҳоятда табиий жараён ҳисобланади. Кишилар ўзини ва борлиқни англашни ўрганишга интилган давриданоқ ҳаёлан узоқ яқин юртларни, масофаларни кўришга, ҳис қилишга уринганлар. Турли халқларнинг оғзаки ижодидаги сеҳрли кўзгу жоми жамшид, ойнаи исқандарий, қолаверса “вақт машинаси” кабилар замонавий телевидениенинг рамзий тимсолларидир. А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод Лайлини илк бор ойнаи жаҳонда кўради.

Курраи заминда яшовчи ҳар бир инсон ҳозир хонадон бурчагида турган ҳамда кундалик эҳтиёжга айланган музлаткич, кир ювиш машиналари, телевизор қутисини дунёда содир бўлаётган воқеалардан воқиф қилувчи, янгиликларни етказувчи яқин телемарказдан ёки ер йўлдошдан қабул қилувчи маиший электр асбоби ўрнида кўраётганини кузатиш оддий бир ҳолга айланган. Кўпинча биз эътибор бермайдиган бу ҳолат аслида XX аср мўъжизаси, унинг буюк кашфиёти эканлигини ўйлаб ўтирмаймиз. Телевидениени ким, қачон ва қаерда ихтиро қилган?

Аслида тасвирни бир манзилдан бошқа манзилга узатиш ишлари XIX аср ўрталаридаёқ олиб борилган. “Телевидение” атамаси дастлаб 1890 йилда

Парижда ўтказилаётган халқаро анжуманда янграган. Унда рус инженер электриги К.Д.Перский ўз маърузасида “Электрли телевидение” сўзини ишлатган. Телевидение асосида уч физик жараён ётади: ёруғлик энергиясини электр сигналга айлантириш, уни телетармоқлар орқали узатиш, қабул қилиш ва сўнгги жараён электр сигналини оптик тасвирга айлантириш. Мана шу мураккаб жараённи XIX аср ўрталаридан бошлаб рус, инглиз, немис олимлари жиддий муаммога айлантирдилар ва шу соҳада изланиш олиб бордилар.

Оптик сигнални электр нурларига айлантириш асосида фотоэффект содир қилиш ётади. Нурнинг электрга тўғридан-тўғри таъсири биринчи бор немис олими Г.Герцга электр зарраларини тебраниш тажрибаларини ўтказаетган жараёнида аён бўлган. Герц ультрабинафша ранг нурлари билан озиқланган ўтказгичларнинг электр зарраларининг тебраниш кучи узоқлашганда камайиши, мусбат ва манфийнинг яқинлашув оралиғидан электр нурларининг кучайишини аниқлаб берган. Бу ҳодисаларни Герц ўз мақолаларида 1887-88 йиллари эълон қилган. Аммо нима учун шундай бўлаётганини, унинг физик табиатини асослаб беролмаган. Нурнинг ҳаракати ва зарра тебранишларини немис физиги Гольвакс ҳам Италия физиги Ригъ ҳам, инглиз физиги Лодж ҳам тажрибаларида тўғри асослаб беролмаган. Ҳодисанинг кимёвий табиатини тахминлардагина айтишган холос. Фақат 1897 йилдагина физик Жозеф Томсон бу ҳодисанинг электрон эканлигини кашф қилади. Бироқ унеча 1888 йили 26 феврал куни рус олими А.Столетов ўзининг ажойиб тажрибасида нур ва электр қувватидан ҳосил бўлган чақин фотоэлемент эканлигини намойиш қилган. Ҳодисанинг ҳақиқий ташқи табиатини, нурнинг электрга таъсир характерини кўрсатиб берган. А.Столетовнинг оддий электроскопда ўтказган дастлабки тажрибалари ижобий натижалар беради. Бу фан ва техника оламида тан олиниб синаб кўрилган асбоблар жаҳонда биринчи марта яратилган фотоэлементлар эканлиги қайд этилади. Ҳозирги замон фотоэлементлари эса кўриниши ва ҳажми билан фарқ қилади холос. А.Столетов яратган фотоэлемент ультрабинафша рангларни

Ўтказувчи кварцли шиша идиш бўлиб, унинг ичига нурга таъсирчан электродлар жойлаштирилган ва ҳавоси чиқарилган асбоб эди. Бу фотоэлемент батареяда қувватнинг кўплигига қараб нур тарамларининг фотоқувватга боғлиқ эканлигини аниқлаб берган. А.Столетов томонидан ихтиро қилинган фотоэлемент – актино электр қуввати деб аталган. Фотоэлементнинг электрон табиати 1899 йили Ж.Томсон томонидан кейинчалик 1900 йили Ленард томонидан намойиш қилинади. Фақат 1905 йилдагина Альберт Эйнштейн Квант назарияси асосида фотоэлементга тўла аниқлик киритиб беради. Замондошлари нурга таъсирчан фотоэлементни “электрли кўз” деб атай бошлашди.

“Электрли кўз” ҳозирги замон телевизорига айлангунга қадар жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бунинг учун мураккаб техникавий имкониятларни яратиш керак эди. Ёруғлик энергиясини электр сигналга айлантириш тасвирни узоқ масофаларга узатиш ва уларни қайта қабул қилиш тизимларини бунёд қилишдек мураккаб вазифалар турарди. Инсоният бу машаққатли жараённи уддасидан чиқа олди.

Фотоэлемент ҳодисасининг кашф этилиши ёруғлик энергиясини электр сигналга айлантириш масаласини ҳал қилиб берди. Энди тасвирни масофага узатиш унинг кетма-кетлилигини таъминлаш керак эди. Бу муаммо устида кўп олимлар бош қотиришган. 1817 йили машҳур кимёгар швед олими Якоб Барцелиус селен элементини ихтиро қилади. Орадан ярим аср ўтгач инглиз муҳандиси К.Мэй селенда фотоўтказгич хоссасини кузатди, кейинчалик инженер У.Смитт эса унинг хоссасини тушунтириб берди. Селенда асосий хусусиятларидан бири - ёруғлик нурининг электр қаршилигида ўзгарувчанлиги, селен пластинкасига тушган нур ёруғлиги қанча кучайса, электр қувватини шунча осон ўтказилиши қайд этилган. Бу ихтиро ва лойиҳалар ечимини амалга ошириш осон бўлмаган. Уларни амалга оширишда техникавий база етишмас, моддий қийинчиликларга дуч келинар эди. XIX аср охирига келиб тасвирни масофага узатиш тизими устида кўпгина мамлакат олимлари ўз лойиҳа ва таклифларини эълон қила бошлади. АҚШ дан Керри,

Герберт Айвис, Англиядан Кэмпбелл Суинтон, Жон Берд, Олмониядан Дикман, Шретер, Португалиядан де Пайва, Италиядан Костилин, Россиядан Б.Л.Розинг, П.И.Бахметьев ва бошқалар бу лойиҳаларни амалга оширишда катта изланишлар олиб бордилар. 1875 йили америкалик олим Жорж Керри кўз тузилишига ўхшаш содда, тасвир узатувчи ва қайта тикловчи тизим таклиф қилади. Узатувчи ва қабул қилувчи томонлар тўр шаклида жойлаштирилган фотоэлементлардан ташкил топган бўлиб уларнинг ҳар бири сим билан туташтирилган эди. Тўр устига туширилган оптик тасвир фотоэлементлар орқали элементларга ажратилади. Керри биринчи бўлиб оптик тасвирни алоҳида элементларга ажратишни таклиф қилди. Назарий жиҳатдан бу фикр бебаҳо эди. Рус олими П.И.Бахметьев, француз олими К.М.Сенлек ҳам тасвирни кетма-кет узатишнинг асосий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдилар. Улар тасвир элементларини бир вақтда эмас, балки бирор вақт оралиғида кетма-кет узатиш йўлини изладилар. Тасвирни қабул қилувчи томонида яхлит тасвирни тиклаш имкониятини ҳосил қилади. Бу лойиҳалар мукамал бўлмагани ва моддий техник таъминланмаганлиги боис уларнинг бирортаси ҳам амалга оширилмади.

Тасвир элементларини кетма-кет узатишнинг амалий ечими олмон фуқароси польяк П.Нипков томонидан 1884 йилда унинг оптика механик қурилмали лойиҳасида амалга оширилди.

У фанда “Нипков доираси” номи билан маълум. Бу қурилма ёруғлик ўтказмайдиган катта диаметрли доирадан иборат бўлиб, унда Архимед спирали бўйича кичик тешиқлар жойлаштирилган. Бу тешиқларнинг жами тасвир элементларининг ўлчамини аниқлайди. Ҳар бир тешиқ ўлчами тасвир элементини белгилайди ва радиуси бўйича олдинги тешиқка нисбатан диаметрига баробар марказга силжитилган. Тешиқли доира олдида чегараловчи ром ўрнатилган. Ромнинг баландлиги, кенглиги тешиқларнинг масофаси билан ўлчанади. Доира айлантирилганда тешиқ ром ичида ёй бўйича ҳаракатланади. Ҳар бир тешиқ бир сатрни чизади ва тасвирни ёювчи сатрлар сони тешиқлар сонига тенг бўлади. Доиранинг бир айланишида тасвирнинг

хамма элементлари узатилади. Нипков таклиф этган фикрнинг амалга оширилиши ўта соддалиги билан ажралиб турар эди. Дастлабки телевизион узатишлар ўттиз сатрли, 180 сатрли, кейинчалик техник томондан мукамалроқ имкониятларга эришилиб, 375 сатрли тасвирни ёювчи оптик механик тизимлар яратилди. Тасвирни элементларга бўлиш сони ошган сайин тизимнинг сезгирлиги кескин камайди, ҳосил бўлган сигнал ёруғлик оқимининг ўтиши натижаси эди. Телевидение кашф этилиш даврида электрон телевидениени амалга оширишнинг техник имконияти йўқ эди.

1907 йили Б.Л.Розинг электрон найча пардасида тасвирни тиклашни таклиф қилди ва уни ихтиро сифатида патентлади. Розинг таклиф қилган электрон най тасвирни люминофор парда юзида навбатма-навбат ёйиш вазифасини бажарди. Нур оқимини бошқарувчи элемент киритилганлиги билан Розингнинг най электрони аввалгиларга қараганда тубдан фарқ қиларди.

1907 йили Борис Львович Розинг развёртка учун бундан 10 йил аввал немис физиги Карл Браун томонидан кашф этилган ва осциллографларда қўлланган катодлик-нурли трубкани ишлатиш таклифини киритди. Бу трубка туфайли муаллақ электрон нурини “қаторлар” бўйлаб тасвирни “югуриб ўтишига” катта тезлик билан эришиш мумкин эди. Петербург Технология институтининг ўқитувчиси бўлган Борис Львович Розинг электрик сигналларнинг электрон нурли трубкада тасвир кўринишида қайта шаклланишини тавсия этган ҳолда “катодлик телескопия” системасини патентлади. 1911 йилнинг 9 май куни Розинг ўз ихтиросини касбдошларига намоёйиш этди ва тез орада Россия техника жамоасининг Олтин медали билан тақдирланди. Розингнинг патенти замонавий телевидениенинг пайдо бўлишида асосий ўринни эгаллаганини америкаликлар ва телевидение тарихчилари биргаликда тасдиқлайдилар. Унинг моҳияти эса бутун жаҳонда тан олинган.

Розинг ихтиро этган катодлик трубканинг ишлаш жараёни кўрсатувлар тасвирининг янада замоналаштирилган воситаларида кашф этиш учун асос бўлди. Розинг аввалдан билганидек, бу трубкада механик

дискнинг ўрнига, тасвир сифати юқори даражага олиб чиқиш имконияти бўлмаган, яъни экранда қаторлар сони электрон нурида қўлланилган бўлиб, у керакли масофага электрон нурини чайқатувчи электрод-катодлар системаси орқали йўналган. Жуда кам вақт оралиғида ва катта аниқлик билан нишонни нур билан ёритишга имкон беради.

Кўп ажойиб россиялик интеллигентларнинг қисмати буюк олим, профессор Розингни ҳам четлаб ўтмади. У 1931 йилда Сталин давридаги “тозалаш” вақтида ҳибсга олинган ва 3 йилга Архангельскга сургун қилинган эди. Бироқ олим жазо муддати тугагунча яшамади, миясига қон қуюлиб, 1933 йилда вафот этди. Унга ўйлаб қўйган фикрларини амалга ошириш ва ишини охиригача етказиш насиб этмади. Бироқ, буни унинг шогирди Владимир Зворикин АҚШ да рўёбга чиқарди.

Зворикиннинг ҳаёти кутилмаган воқеа-ҳодисаларга жуда бой. Владимир Козьмич 1889 йили 30 июлда Муромда, илк гильдиянинг савдогари, кўзга кўринган кемалар эгаси Козьма Алексеевич Зворикин оиласида туғилди. 1906 йилда ўрта билим юртини тугатиб, Петербург университетига ўқишга кирди. Бироқ у отасининг маслаҳати билан Технология институтига ўқишини ўтказди. Профессор Розинг бу талабанинг иқтидори ва маҳоратига эътибор бериб, унга бирга ишлашни таклиф қилди.

1912 йилда ёш кашфиётчи институтни аъло баҳоларга битириб, машҳур физик олими Поль Ланжевенда Парижга College de France деб номланган коллежга ўқишини давом эттириш учун борди.

1919 йилда АҚШга етиб келди. Анчадан буён Америка Зворикиннинг эътиборини жалб қилганди. Айнан шу ерда у Розинг бошчилигидаги бошланган ишини давом эттира олишини тушуниб етганди.

Зворикин катта қийинчиликлар билан Петербургдаги Westinghouse Electric фирмасининг лабораториясига ишга жойлашди ва электрон телевидениесининг ғояларини амалга ошириш ишларини бошлаб юборди. 1923 йилда узатиб берувчи оригинал трубка ускунасини ишлаб чиқарди, бироқ у ҳали у қадар тараққий этмаган ва фирма раҳбарларининг эътиборини



жалб этмаган. Унга “фойдали иш билан шуғулланинг”-деб айтишган. Зворикин бунга бўйсунушига тўғри келган. Лекин у ўзини қизиқтирган ғоялари устидан яширинча ишлашни давом эттирган ва 1929 йилда қабул қилувчи электрон-нурли трубка, ҳозирга қадар телевизион приёмникларда асосий қирраларни сақлаб қолган 9,5 дюймлик (тахминан 24 см) диагоналлиқдаги кинескопни патентлади.

1924 йили у Америка фуқаролигини олиб, икки йилдан сўнг Питербург университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1929 йилда эса унга яна омад кулиб боқди. Унинг ишини ёқтириб, юқори баҳо берган инсон Дэвид Сарновни учратди.

Дэвид Зворикиндан икки ёшга кичикроқ бўлиб, уларнинг иккиси ҳам рус тилида сўзлашар эди. Минскдаги Узляна деган ердан ота-онаси 9 ёшлиқ Дэвидни Америкага олиб кетишган. 1906 йилда Дэвид радиооператор бўлиб ишлаб, машҳур радио ихтирочиси Гулиельмо Маркони билан танишди ва унга ёрдамчи бўлди. “Титаник” фожеавий ҳалокатидан сўнг, Дэвид Сарновнинг номи жуда машҳур бўлиб кетди. “Сарнов афсонаси” пайдо бўлди, яъни айнан Сарнов 1912 йил 14 апрель кечки вақтда чўкаётган кемадан биринчи бўлиб ҳалокат сигналинини қабул қилган ва 72 соат давомида ахборотларни қабул қилиб, уни етказиш учун аппаратлар ёнида қолган эди. Аслида эса, Сарнов ҳалокат ҳақидаги хабарни содир этилган куннинг эртасига эрталаб эшитган. Бироқ ҳақиқатни бошқалардан, аввал унча қувватга эга бўлмаган радиостанциялардан қабул қилиб, тирик қолган йўловчи пассажирлар ҳақида газетага информация етказиб турган. “Титаник” ҳалокати радиони, шунингдек мени ҳам оммага машҳур қилди” – деб айтган эди кейинчалик Сарнов.

Дэвид Сарнов карьераси тезкорлик билан кўтарилиб борди. У 1919 йили тижорат менеджери бўлиб ишлаган, сўнг қайта яратилган Radio Corporation of America (RCA) радиосининг бош менежери этиб тайинланган. Дэвид Сарнов радиого таъриф бераркан: “радио нафақат алоқа воситаси “симсиз телеграф”, балки муҳим билим берувчи ва кўнгил очар воситаси

бўлиб хизмат қилиши керак”. “Менда бир режа бор” - деб ёзганди , “у, худди пианино ёки фонограф каби радиони ҳам фойдали уй жиҳозидек қилиб қўйиши мумкин... радиоприёмник оддий радиомусиқий кўринишида шакл олиб, турли хил тўлқинларга соzlаниши мумкин”. Лекин Американинг Европадаги урушга аралашуви туфайли бу ғояни амалга оширишни кечиктиришга тўғри келган.

Орадан вақт ўтиб Сарнов ғоясини амалга оширишда унга радиотехникада етакчи кашфиётчилардан бири ҳисобланган Эдвин Армстронг ёрдам берган.

Уларнинг танишуви 1914 йилда бошланган. Армстронг American Marconi компаниясининг ёш хизматчисини ўзининг лабораториясига таклиф этган. У аввал наушникларни тақиб олишни тавсия қилиб, апаратини ёққан. Хайратланган Дэвид Гонолулу – Нью-Йоркдан минг километр нарида бўлган нотаниш радиотелеграфчи сигналидан “морзянка”ни тиниқ тинглаган. Сарнов шу заҳотиёқ Армстронг томонидан ихтиро қилинган “мавжуд бўлганлар орасида энг ажойиб қабул қилиш системаси” – регенеративлик приёмник ҳақида ҳукуматга маълум қилади.

“Мусиқий кути” техник томондан ҳар тарафлама тараққий этган бўлиб, биргина тингловчи - фойдаланувчини бунга қизиқтириши, унинг эътиборини жалб қилиши лозим эди. Бу учун эса ҳар бир америкаликнинг хаёлида: “ҳа, уйда бундай техникага эга бўлиш жуда яхши”- деган фикрни уйғотиш лозим эди. Сарнов америкаликларнинг феъл-атворини аъло даражада билгани учун бу муаммонинг “ечим”ини топди. У икки боксчилар - америкалик Джек Дампси ва франциялик Жоржем Карпентье орасида бўлиб ўтадиган матчининг кенг миқёсда радиотрансляциясини ташкил қилди. Бу ўйинда америкалик ғолиб чиқиш баробарида Сарнов ҳам ғолиб бўлди: кейинги 3 йилликда RCA корпорацияси миллиондан ортиқ радиоприёмникларни сотди.

Армстронг эса янада янги ажойиб ихтирони қўлга киритди. Тўлқинларнинг модул тизими (ФМ). У турли қаршиликлардан овозни тозалашга қодир бўлиб модул амплитуда системасига хос бўлган, АМ дан

ФМ га ўтганимизда, ҳозир ҳам биз радиоприёмникларимиздан чиқаётган овоз сифатининг фарқини аниқ ҳис қила оламиз. Армстронг ФМ системасида радиоузатишнинг келажагини кўра билган ва радиостанциянинг қурилишидек катта бир ишга, ёлғиз ўзи уддалай олмаслигини тушуниб етган ҳолда ёрдам учун - дўсти Дэвидга мурожаат қилган. Бироқ Сарнов бу масалада унга ёрдам бермади: сабаби, унинг бутун эътиборини янги қизиқиш – телевидение қамраб олган эди.

Ҳозиргача Америка кимни “телевидение отаси” деб ҳисоблашда баҳслашмоқда ва кўпчилик фикрига кўра, бу номга Дэвид Сарнов лойиқ деб топилмоқда. У Зворикинга RCAга ўтишини таклиф қилди. Ва Зворикиннинг розилиги билан уни илмий текшириш лабораториясининг раҳбари этиб тайинланди, унга қулай имкониятлар яратиб берилди. Бош менеджер, бир йилдан сўнг эса RCA президенти - Сарнов ҳар доим Нью-Джерсига, Зворикин лабораториясига келиб турарди. Зворикиннинг қабул қилувчи найчаси – кинескоп – қониқарли даражада ишласа-да, лекин ўтказувчи найча билан бирга муаммолар юзага келар эди. Унинг қийин томони шунда эдики, нури қаторларда тасвирни узатаётган вақтида чироқ ёғдуни сезувчи қатламга жуда қисқа вақтда таъсир этарди, – бу сониянинг миллиондан бир лаҳзаларига тўғри келарди. Ундаги кўзгатувчи қувват жуда кичкина миқдорда бўлиб, унинг кўрсатув учун зарур бўлган кучини юқорига кўтариш жуда қийин иш эди. Зворикин қувватни йиғиб, тўлдирадиган найча ихтиро этишни ўзига мақсад қилиб қўйди ва 1931 йилда шундай найча пайдо бўлди. Бу масалада Зворикинга яна бир муҳожир, Григорий Оглоблинский ёрдам берди. У ҳам айнан шу масала бўйича Парижда ишлаётган эди. Зворикин уни Америкага таклиф қилди ва улар биргаликда мозаиклик ёғдуни сезувчи нишонларда электр қувват тўлдирувчи электрон - нури узатувчи ускуна ғоясини амалга оширдилар. Кашфиётчи уни грек сўзидан “икон” – “тимсол” ва “скоп” – “кўрмоқ” - “иконоскоп” деб номлади. Иконоскоп ва кинескоп телевидениедаги ишчан электрон тизимнинг асосий боғламлари бўлиб қолди.

Бу вақтда Сан-Францискода Файло Тэйлор Фарнсуорт исмли бошқа бир америкалик кашфиётчи электрон телевидениеси бўйича ишлаётган эди. У 1906 йили Ютеда, руҳонийлар оиласида дунёга келиб болалигиданок кашфиётчи бўлишга аҳд қилганди.

У овоз каби, тасвири хам радио орқали узатишни орзу қилган эди. Калифорния штатига ўтиб, телевизион системани яратиш учун маблағлантирувчи бир неча банкирларнинг розилигини олди. 1927 йилда ёш кашфиётчи узатувчи электрон-нурлик трубка “тасвир анализатори” ни (image dissector) ишлаб чиқди ва уни мавжуд бўлган қабул қилувчи ускунага улаб, банкирларни таклиф қилиб, телевидение мўъжизасини намойиш этди. Лекин буларнинг бари оч фондаги қувватсиз тасвир учбурчаги эди. Банклар бундан хайратланмаган бўлсалар-да, бу ишга улар катта маблағ ажратдилар. Улар бу системани қачон сотиб, қачон ундан фойда кўриш мумкинлигини билишни хоҳлар эдилар. Улардан бири - “Биз қачондир экран орқали ҳеч бўлмаса долларни кўра оламизми?” деб сўради. Бир неча ойлардан сўнг, Фарнсуорт долларнинг аниқ тасвирини уларга кўрсатди, кейинроқ эса бош ролларни Мэри Пикфорд ва Дуглас Фербенкс ижро этган Шекспирнинг “Қайсар қизнинг қуйилиши” пьесасининг кинематографик талқинини намойиш этди.

1930 йилда Фарнсуортнинг олдига Зворикин ташриф буюрди. Меҳмонга ўзининг ихтироси - анализаторни намойиш этгандан сўнг, Зворикин Фарнсуортнинг ажойиб ихтиросини маъқуллади ва унга тасаннолар айтди. Бироқ натижада Фарнсуортнинг ихтиросида тасвирнинг ўта яхши ёрқинлигига қарамай, анализатор иконоскопга қараганда камроқ сезиши, анализатор зарядни етарли даражада тўплай олмаслигига амин бўлиб, Зворикиннинг ишлаб чиққани уникидан кўра, минг бора яхшироқ эканлигини мардларча тан олди. Шунга қарамай, RCA корпорацияси Фарнсуортни рақиб деб билиб, патентлик ҳуқуқини сотиб олиши мумкинлигини унга таклиф қилдилар. Фарнсуорт қарзга ботиб кетгани учун лицензиясини сотишга мажбур бўлди. Икки узатувчи найчалар хам узоқ вақт мобайнида телевизион

системаларда қўлланилди: иконоскоп – кинофильмлар кўрсатувларида, анализатор – саноатда. Фарнсуорт ўзининг радиотелевизион компаниясини ташкил қилиб, ўз ишларини тараққий этишда давом этди. Бироқ RCAдек йирик компанияга тенг келишга унинг кучи етмади. Кичик ёшлиқ ўғлининг ўлимидан сўнг бир неча йил ўзини тиббиёт учун электрон ускуналарни ишлаб чиқишга бағишлади. Кейинроқ эса электроника бўйича консультант бўлиб ишлади ва атом энергиясининг илмий текширишлари билан шуғулланди. Уруш тугаётган вақтда эса ўзининг мормонлик авлодлари ёнига қайтиб, Ютада қолди.

1928 йилда W3XK “радиовизионлик” узаткич намоёниш этилди ва Англиядан кўчиб келган Дженкинс томонидан ташкил этилган Jenkins Laboratories фирмаси, 2 июлдан бошлаб АҚШнинг шарқий томонидаги шаҳарларда биринчи доимий “радиофильмлар” кўрсатувлари бошланди. Шу йилнинг ўзида Германияда Нипков ўтказгичлари орқали биринчи тасвир кўрсатувини рўёбга чиқарди. Икки йилдан сўнг эса ихтирочи Берлиндаги кўрғазмада уларсиз ҳам ишини намоён қилди. Бироқ Буюк Британия аҳолиси узоқ вақт давомида Бэйрдга ўз садоқатларини сақладилар. 1928 йилда у биринчи трансатлантик телевизион кўрсатувини ўтказди, BBC узатиш корпорацияси келаси йилнинг сентябридан бошлаб эса Бэйрднинг узаткичларини қўллаб, доимий телекўрсатувлар кўрсатишни бошлади.

1911 йилнинг май ойида Розинг ўз қурилмаси орқали ҳаракатдаги оддий геометрик шаклларни намоёниш қилиб кўрсатди. Шу вақтда Англияда Суинтон томонидан телевизион қурилма лойиҳаси эълон қилинди. Унда узатиш ва қабул қилиш учун электрон нурли найни қўллаш таклиф қилинган. 1912 йили электрон телевидение схемаси эълон қилинди. Шундан бери С.М. Розинг адолатли равишда электрон телевидение асосчиси, К. Суинтон эса амалга оширилмаган тўлиқ электрон телевизион тизим лойиҳасининг муаллифи ҳисобланади. Бу мураккаб илмий-техникавий муаммони ҳал қилиш, яъни электрон телевидениенинг тўла мажмуини яратиш тошкентлик ихтирочи Ўрта

Осий давлат университети физика лабораторияси ходими Б.П.Грабовскийга насиб этди.

1925-26 йилларда Б.Грабовский Розинг хулосалари асосида ўз тажрибасини бошлайди. У тасвир фақат электрон оқим ёрдамида узатилиб, электрон оқим ёрдамида қабул қилиниши керак деган қатъий хулосага келган эди. 1925 йилда у яратган электрон трубка “телефот” дея номланиб патент олади. Бундай мураккаб ишни давом этдириш учун давлат раҳнамолиги ва катта миқдордаги маблағ керак эди. Ихтирочилар дастлаб Санкт-Петербургдаги “Светлана” заводига бориб буюртма берадилар. Аммо буюртма қабул қилинмади.

1928 йилда Тошкентда яратилган тажриба ускуналари расмий синовлар учун Москвага юборилади. Қутиларни жўнатишда қатъий эҳтиёт чоралари кўрилган бўлса-да Москвага шиша синиқларигина етиб борган холос. Содир этилган бу жинойтнинг айбдорлари топилмайди. Тошкентнинг Шайхонтохур мавзесидаги Боламасжид кўчаси 74-уйда (ҳозирги Навоий кўчаси 199-уй) Юсуфхон ака ва Ҳамза опа Мирзамухамедовлар хонадонида истиқомат қилувчи Б.Грабовский ва И.Бельянскийлар дастлабки тажрибани мана шу уйда синовдан ўтказадилар. Бу уй Тошкентда электр сими тортилган хонадонлардан бири эди. Шу ерда 1928 йилда бир хонадан бошқа хонага телевизион тасвир узатилади. Ҳозирда Ўзбекистон давлат Марказий архивида сақланаётган хужжатларда кўрсатилишича дастлабки телевизор экранида хонадон бекаси Ҳамзахоннинг қимирлаётган бармоғи кўринади. 1928 йил 26 июлда Ўрта Осиё округ алоқа станциясида Тошкент “2телефоти” нинг синов тажрибалари бўлиб ўтади. Бунинг учун 18 метр баландликка антенна ўрнатилади. Нур тарқатувчи электрон трубка ёрдамида телетасвир узатилиб қабул қилинади. Экранда Бельянскийнинг қиёфаси кўринади. У фуражқасини олиб қайта кияр эди. Сўнгра комиссия аъзолари тасвир узатувчи камера олдида бориб ўзларини бирма-бир кўрсатадилар. Лекин бу тасвирларда кишиларнинг ким эканлиги унчалик ҳам равшан кўринмайди. 4 август куни эса аппарат кўчага, “Хива” кинотеатри олдида ўрнатиладиган телемажмуада ўтиб кетаётган трамвай

кўринади. Бу жаҳондаги кўчадан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилаётган биринчи телерепортаж эди. Узатиш тарафидаги электрон нурли най вакуумли шиша кўзачадан иборат бўлиб унинг ичида фотоэффект хусусиятига эга ишқор металлдан ясалган плёнка, электрон нурни шакллантирувчи ва оғдирувчи қурилма жойлаштирилган. Булар телевизион технологиянинг техник тажрибалар босқичи ҳисобланади. Москвада 1931 йил 29 апрелдан тажриба кўриклари бошланган ва 1 октябрдан доимий эфирга ўтилган. Дастлабки кўриклар ҳаракатсиз тасвирлардан иборат бўлиб у механик телевидение дейилар эди. Эфир узокқа эшиттирувчи радиостанция ёрдамида ўрта тўлқинларда узатилар эди. Кўрсатув объекти мамлакатнинг таниқли кишилари, артистлар портретларни кўрсатишдан иборат эди. Унинг фототелеграфдан деярли фарқи йўқ эди. Бу жараён 1932 йил 15 августгача давом этади ва у ҳаракатланувчи тасвирнинг ўзи бўлади. Уни телекино, кейинчалик телевидение деб атай бошлайди. Бу кўрсатувлар ҳаракатланувчи бўлса-да, лекин улар овозсиз эди. Фақат 1934 йил 15 ноябрдан бошлабгина овозли эфир узатишга муваффақ бўлинди. Механик телевидениенинг тасвирлари бор-йўғи гугурт қутисидан сал каттароқ бўлар эди. У конструкцияси ниҳоятда примитив бўлиб, ўрта тўлқинли радиони эшитувчи деярли барча жойда унинг тасвирини ҳам кўриш мумкин эди. Қизиқувчиларнинг кўплигидан бу тарздаги қутичалар яшаш кенг оммалашади ва 1939 йилга келиб 3000 га яқин шу тариқа телевизор ишлатилаётгани рўйхатга олинади. Бу пайтда Англия ва Америкада ҳам телевидение тараққиёти йўлида изланишлар олиб борилаётган, ишларида Попов ва Столетов каби рус олимларининг тажрибалари биринчи манба бўлмоқда эди. 1906 йилда Шабловка кўчасида жойлашган академик Шуховнинг лойиҳаси асосида қурилган радиоминорасида электрон системага асосланган телемарказ қурила бошланди. 1938 йил мартдан бошлаб телемарказда тажриба кўрсатувлари берилар бошланди. 1939 йил март ойдан бошлаб доимий суръатда кўрсатувлар намойиш қилина бошланди. 1930 йилларнинг охирига келиб телевидение соҳасида тажрибалар тугаб ижодий изланишлар босқичи бошланади. Бунда техник тажрибалар тугалланиб

телевидениеда ғоявий-бадий изланишлар бошланади. Телевидениенинг ўзига хос ифода воситалари, унинг йўналишлари, мақсад ва вазифалари белгиланади. Табиийки техник имкониятларни кенгайтириш ҳам давом этади. Бунда тасвири тиниклаштириш, унинг ҳажмини кенгайтириш каби ишлар амалга оширилади. Дастлабки телекўрсатувлар ижтимоий-сиёсий мазмундаги қисқа чиқишлар ва кичик концерт номерлардан иборат бўлар эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланмасдан аввал Россияда кенг тарқалувчи электрон телевидение тизимини қуришга замин яратилган эди. Санкт-Петербургда яратилган 240 сатрли қурилма билан жиҳозланган, Москвада 343 сатрли қурилма билан жиҳозланган икки телевизион марказ 1937 йил қуриб битказилди. 1945 йил 7 майда Оврупода биринчи бўлиб Москва телемаркази ишлай бошлади. Иккинчи жаҳон уруши туфайли кўпгина мамлакатларда бу соҳадаги изланишлар орқага сурилди. Америка, Англия, Франция, Германия ва Россияда ҳақиқий телевидение, телевизион техниканинг ривожланиши авж олди. Кенг тарқалувчи рангли телевидениенинг жорий қилиниши телевидениенинг юксалиши учун муҳим босқич бўлди. 1967 йил 1 октябрдан бошлаб совет-француз SEKAM рангли телевидениенинг тизими доимий узатишни бошлади. Бу тизим 625 сатрли стандартда ишлар эди.

Рус инженер-электриги А.А.Полумардвинов биринчи рангли телевизион тизим лойиҳасининг муаллифи ҳисобланади. У 1899 йили декабрда уч компонентлик рангни кўз қабул қилиш назариясига асосланган рангли телевидение тизими лойиҳасини таклиф қилди. Рангларни бир вақтда узатувчи тизим лойиҳасини эса О.А.Адамян 1907 йилда таклиф қилди. Биринчи таклиф қилинган лойиҳадан то замонавий тизимгача бўлган даврда рангли телевидение техникасининг юксалиши равон кечмади. Аввал тежамкор ва амалга ошириш осон бўлган уч асосий рангларни кетма-кет узатувчи телевизион тизим кенг ривожланди. Кенг тарқалувчи рангли телевизион тасвир биринчи марта 1953 йили АҚШда амалга оширилди. Бунда рангли тизим мавжуд оқ-қора тизим билан мослаштирилган бўлиб унда икки айирма ранг сигналларни бир вақтда ёруғлик сигнали таркибида узатиш имконияти



ёритилган. Бу тизим NTSC рангли телевизион стандарти номини олди. Кейинчалик бу стандарт Япония, Канада ва Америка қитъасининг бошқа давлатларига тарқалди. Иккинчи жахон уруши тугагандан сўнг рангли телевидение тасвирларини амалга оширишда жадал изланиш олиб борилди. 1954-56 йиллари Москвада рангли телевидение кўрсатувлари синовдан ўтказилди. П.В.Шмаков бошчилигидаги гуруҳ рангларни бир вақтда узатадиган мослаштирилган рангли телевидение устида илмий тадқиқот олиб борди ва уни рўёбга чиқарди. Шу йиллари SECAM телевизион стандартидан ташқари яна бир рангли телевизион тизим стандарти юзага келди ва у PAL номи билан атала бошланди. Бу тизимни Ғарбий Овropa, Австралия, Осиё ва Африка давлатлари қабул қилди. Натижада дунё миқёсини урта рангли телевидение стандарти юзага келди: NTSC, SECAM ва PAL. Бир стандартдан иккинчи стандартга ўтиш учун бугун транскодер ишлатилади. Фан ва техниканинг тараққиёти бир фаннинг иккинчи фанга сингиши ва бойитишида яққол кўзга ташланади. Ҳозир коинотни ўзлаштиришда телевидениенинг роли беқиёс. Натижада янги йўналиш - космик телевидение юзага келди. Космонавтиканинг юксалиши ва ернинг сунъий йўлдошлари телевизион дастурларни ретранслятсия қилишга ва кенг тарқалишига олиб келди. Ер юзини телевидение билан қоплаш амалга оширилди ва натижада яна бир йўналиш йўлдошли телевидение юзага келди. Телевизион техника коинотни ўрганишда катта ютуқларга эришди. 1959 йили октябрида тарихда биринчи бор Ойнинг тесқари тараф тасвири ерга узатилди. Телевидение орқали Ойга туширилган “Лунаход”ни бошқариш имконияти бўлди. Бу телевизион тизимни рус олими Селиванов бошчилигида ўзбек олими Шокиржон Тожибоев ҳамкорлигида амалга оширилди. Бундан ташқари телевидение космонавтларнинг учиш жараёнида, очиқ коинотда ишлаганларида, вазнсизлик ҳолатларида, ҳаёт фаолиятларида кузатиш имконини берди. Телевидение коинотдаги илмий тадқиқотларга кўп миллионли кузатувчи аудиторияни яқинлаштирди. Бундай кузатишларнинг оммавийлиги жуда катта. Коинот техникасининг юксалиши ҳамда сунъий йўлдош ҳосил этилиши ва уларда олиб

узатилувчи радио алоқа тизимининг ташкил этилиши телевидениени “ойнаи жаҳон”га айлантирди. Инсон фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнида, илмий тадқиқотларда автоматиканинг кенг қўлланилиши табиийки телевидениенинг ролини ошириб юборди. Телевидение энг оммавий тасвирий ахборот узатувчи воситадир. Ҳар куни телевидение дастурини дунёда миллионлаб, миллиардлаб одамлар томоша қилишади. Ахборотнинг таъсирчанлиги бўйича бошқа оммавий ахборот воситалари телевидениега тенг кела олмайди. Телевидение билим, янгилик, бадиий мусиқа, спорт, кўнгилочар ва бошқа кўрсатувларни томоша қилиш имконини беради. У тезкор воқеа ва ҳодисалардан томошабинни бевосита шоҳид қилади. Матбуот, радио ва бошқа ахборот воситалари воқеаларни телевидениедек тўлиқ ва тез намойиш эта олмайди. Телевидение юксалишнинг янги сифат поғонаси, рақамли техника телевидениенинг тараққиётига асос бўлди. Компьютер, техника ва радиоэлектрониканинг тез ривожланиши, саноатда янги технологик жараёнларнинг ижро қилиниши замонавий телевидение қиёфасини тубдан ўзгартирди. Кабелли ва йўлдош телевидение кенг ривожлана бошлади. Бугунги кунда халқаро майдонда рақамли телевизион стандартнинг уч тури мавжуд (ATSC DVB SDB). Интерактив телевидение секин-аста ривож топмоқда. Интернет ва телевидение тасвир тармоқлари бир-бирини тўлдириб, интеграл тармоқ ташкил қилиш эҳтимоллари ҳам бор. Телевидение технологиясининг тараққиёти бошқа санъат турларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Хусусан, XX асрда кино санъати ҳам катта йўлни босиб ўтди, XXI асрда кино санъатига рақамли технология кириб келди. Кино ижодкорлар кинотасмадан кўра рақамли видео тасмаларни афзал кўра бошлади. Тасвир юқори сифатли, камхарж, монтаж услублари осонлиги билан ажралиб туради. Рақамли технология киноиндустриянинг асосини ташкил қилиб қолди. Америкада, Европада, Россияда кинофильмлар шу технология асосида ишлаб чиқарила бошлади. Рақамли технология жаҳон кино ишлаб чиқаришида бадиий фильм, телесериаллар, ҳужжатли фильмлар, клиплар яратилишида

асосий техника воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. HD = High Definition = кино маҳсулотнинг арзонлиги билан ажралиб туради. HD кассетаси 35 ммли кодак кинотасмадан 30 баробар таннархи кам бўлиб, чироқ нурларини кам сарфлайди. Тасвирга олинган кадрни шу заҳоти кўриш имконияти мавжуд. Унда чексиз дубль олиш мумкин, сифати мижозни 100 фоиз қаноатлантиради. Рақамли телевидение стандартларига тўла жавоб беради. Ҳар хил эффектлар, трюклар кўрсатиш имкониятига эга. 24, 25, 30 кадрни секундига бера олади. Рангли кинотасмада қандай тасвирга олинганини билиш учун авваллари негатив тасмани позитивга айлантириб сўнг сифатини кўриш мумкин эди. Бу эса кўп вақти оларди, лекин бу жараён рақамли телевидениеда осон кечади. Рақамли телевидениеда қоралама, тоза монтажларда кадрларни рапид қилиш, бир-бирига қориштириш, ҳар хил шаклларга солиш, автоматик тезкор равишда амалга ошириладиган бўлди. Рақамли телевидениеда титрларни ёзиш, компьютер графикасидан фойдаланиш кўлами жуда кенгайди. Техник имкониятлари кинога қараганда кўпайди.

Ҳажмли рангли телевидениенинг яратилиши вертуал муҳитни вужудга келтиришда катта рол ўйнаши керак. Телевизион тасвирнинг юксалиши билан бир қаторда амалий телевидение тез ривожланиб бормоқда. Фан ва ишлаб чиқаришда янги-янги имкониятларни яратиб бермоқда. Видео ахборотларни ёзиб олиш, уларни сиқиш, тасвирда керакли маълумотни танлаб ажратиш, ахборотни узоқ сақлаш ва бошқа кўп масалалар ўз ечимини топмоқда.

## **Телевидениенинг репродуктив функциялари ва унинг хусусиятлари**

XX аср мўъжизаси, телевидение ва радионинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Оммавий ахборот воситалари ичида газета, журнал ва бошқа ахборот турларига нисбатан жуда катта мавқега эга. “Тўртинчи ҳокимият” деб нисбат берилиши бежиз эмас. Телевидение ва радио жуда қисқа фурсат ичида бошқа санъат турларига қараганда техник имкониятлари жиҳатидан, ижодий

изланишлар кўлами жиҳатидан жуда кенг, оммавий, тезкор ва жонли санъат воситаси эканлигини намойиш этди. Телевидение ва радио ҳаёт муаммолари ечимини топишда, халқ дардини ошкора этишда, инсон қалби ва тафаккурининг камол топишида янгидан-янги услуб ифода воситаларини ўзида кашф этди. Минг йиллардан бери ўз функцияларини бажариб келаётган театр санъатини, унинг имконият даражасини янада кенгайтирган кино санъатини телевидение ва радио ўзида мужассамлаштирган ҳолда давом эттирди. Инсоният тафаккурининг ривожига ижтимоий ҳаётимизнинг тараққиёти даражасига, турмуш тарзимизга инқилоб бўлиб кирди. Бу сиёсий, ҳам мафкуравий, ҳам техник, ҳам ижтимоий, ҳам информацион-электрон инқилоб эди. Тафаккурда инқилоб бўлди. Телевидение ва радио санъати ишлаб чиқаришнинг, ҳарбий ва алоқа соҳаларига, қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт, илмий текшириш ва маориф, маънавий ва маиший ҳаёт тарзимизга информацион технологияни олиб кирди. Электрон ва компьютер кундалик ҳаётимизнинг узвий бир дастурига айланди. Инсон унга чамбарчас боғланди. Ўз навбатида электрон технология янги-янги қирраларни намойиш қилмоқда. Телевидение ва радио ўзининг репродуктив функцияларини очмоқда. Биз уни илғашимиз, ўрганишимиз, фаолиятимизда дастуриламал қилишимиз зарур. Бу соҳани ўрганишда қатор мавзулар, электрон инқилобнинг ўзига хос тарихи, репродуктив функцияларнинг бошқа санъат турларига нисбатан тафовути мавжуд.

Телевидение ҳақида сўз юритишдан аввал бир таниқли ёзувчининг у ҳақидаги сўзларига қулоқ солсак:

«Шом тушиши билан, белгиланган вақтда, шаҳар, қишлоқ ва умуман, одам истиқомат қиладиган ерда қандайдир сирли куч пайдо бўлади. У бетон девор, темир эшик, маҳкам беркитилган деразалардан хавф-хатарсиз, тақиллатмасдан барча хонадонларга кириб боради.

Бир зум ичида кўчалар, театр ва чойхоналар, кутубхоналар бўшаб қолади. Куни бўйи мудраб юрган қариялар бирдан жонланиб қолади, эркаклар газета ўқишдан, аёллар таом тайёрлашдан тўхташади, тиниб-

тинчимаган болалар эса ўз-ўзларидан тинчиб гапга кирадиган бўлиб қолишади. Хуллас миллион-миллион одамлар бир-бирини кўрмасдан, билмасдан туриб бир вақт ичида бараварига кулишади, дардлашишади».

Дарҳақиқат қандайдир 50-60 йил ичида телевидение деярли бутун дунёни қамраб ишғол қила олди. Телеприёмникларнинг технологик даражаси эса кундан кунга юксалиб ўзининг сеҳрли кучи билан оламнинг турли минтақаларига кириб бормоқда, тарқалмоқда.

Биринчи телеприёмник билан ҳозирги электрон телевизорнинг орасидаги фарқ жуда катта. Аввалги телеприёмниклар фақат лупа шишалар ёки глицерин орқали тасвирга эга бўлиб, уларнинг овози ҳам бўлмаган. Бугунги кундаги телевизорнинг техник жиҳатдан қанчалик илгарилаб кетганига бир назар ташлайлик. Ранг-тасвирнинг бойиши, силлиқ экранга ўтиш, тасвирнинг юксак даражадаги қабул ва узатувчи имкониятлари, (Trinitron), масофали бошқарув телевизор экранини 1 метргача кенгайиши, ундан ташқари лампали системадан воз кечиб, у ўтказувчи ва ярим ўтказувчи платолар билан жиҳозланди. Ҳатто янги кашфиётлардан бири биотелевизорлар яратилган.

Тасвирни кассетага ёзиб олиш, яъни қачондир содир бўлган воқеани, намоёниш этилган фильм, умуман, съёмкани видеокамерага тушириб, кассета орқали уни хоҳлаган вақтда телевизорга улаб кўриш мумкин. Бу ҳам техник жиҳатдан аудиовизуал коммуникация тармоғини юксалтиришдан далолатдир.

Хўш, бу сирли куч ўзига қандай тармоқларни қамраб олган экан?

Бу санъат соҳаси асосан, яъни кино, концерт, театр, эстрада, ахборот воситалари, янгиликлар, сиёсий-иқтисодий воқеаларни ёритишдан иборатдир. Ундан ташқари телевидение орқали биз олис масофадаги мамлакатларни, яъни кашфиётлар, табиат манзаралари, ҳайвонот оламини кўздан кечириб сайр қиламиз. Масалан, уйда ўтириб телевизор орқали биз денгиз сатҳи оламини томоша қиламиз ёки ўрмон манзараларидан дилимиз

бахраманд бўлади. Ҳатто коинотдан туриб ерни кўздан кечиришимиз ҳам мумкин.

Ушбу ҳаётни биз фақат экран орқали томоша қилишимиз имкони бор, яъни содир бўлаётган воқеаларни иштирокчиси бўла олмаймиз, фақат четдан туриб уларни кузатамиз.

Ҳозирги замон телевидениеси эса ўзининг юқори технологик хусусиятлари билан бизни томошабинларга айлантириб, онгимизни камраб олган. Бу эса телевидение ва жамиятнинг муаммосидир. Буларнинг орасида қандай боғлиқлик ёки зиддиятлар мавжуд?

Социологик тадқиқотларга кўра телеэкран олдида ўрта ҳисобда 5-6 соат ўтказар эканмиз. Телевизор инсонни уйга қамаб, ўзининг кичик дунёсига мужассамлантириб қўйди.

Хўш телеэкран кишиларни бир-биридан узоқлаштириши, уларни ҳар бирини алоҳида хонадон қутиларига бўлиб қўйиши мумкинми? Албатта, Ҳа!

Уйларнинг томларида хоч антенналарни кўпайиши жамиятни ажралиб боришидан далолатдир.

Ота-оналаримиз яқин-яқинларда ҳам театр, кино, концерт, стадионларни тўлдиришиб юришарди. Кечалари ҳам шаҳар кўчаларида жўшқинлик ҳукм суларди.

Инсоният пайдо бўлганидан бери доимо ҳар биримизнинг олдимизда шундай саволлар туғилади. Мана улар:

«Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?», «Севги нима у?», «Дўстлар. атрофдагилар, жамиятдаги ўрним қандай?».

Бу саволлар бизни айниқса ёшлигимизда ҳаяжонлантиради.

Хўш, мана шу саволларга бирор бир киши шу пайтгача тўла-тўқис жавоб бераолганмикан? Изоҳлар, талқинлар кўп аммо аниқ илмий формула топилмаган. Чунки бу муаммолар инсониятнинг доимий йўлдошидир.

Ҳар бир янгиликни албатта ижобий ва салбий томонлари бор. Телевидениенинг ижобий ва салбий томонларини тарозига қўйиб бўлмайди. Биз бу оламни фақат қабул қилишимиз мумкин.

Фараз қилайлик икки дўст бир футбол ўйинини томоша қилапти. Фақат бири ўйинни телевизор орқали, иккинчиси эса стадионда. Ўйин тугади, у жуда қизиқарли эди. Икки дўст бир неча вақтдан сўнг учрашиб бир-бири билан таассуротлар ҳақида суҳбатлашяпти.

Хўш, суҳбат қай тарзда бўлади, буни билиш қийин бўлмаса керак. Биринчиси: - «Мазза қилдим, бақир-чақир, хуштаклар, роса енгиллашдим. Унинг устига бизникилар ҳам бўш келишмади, кўрдингми?».

Иккинчиси: - «Албатта, охирги голини чиройлилигини айтмайсанми, ўзиям қайта-қайта бир неча жойдан олиб кўрсатганиничи. Умуман яхши ўйин бўлди».

Мана кўриб турибсизки изоҳга ҳожат йўқ.

Стадионда минглаб томошабинлар йиғилишган, улар бўлаётган воқеани муайян гувоҳларидир. Содир бўлаётган воқеалар кўз олдиларидан ўтаяпти.

Худди шу томошабинларга яна миллионлаб телетомошабинлар қўшиляпти. қўшилган томошабинлар албатта ниманидир иштирокчиларга нисбатан йўқотганлар.

Байрамона, кўтаринки ҳолати. Атрофдагилар билан бирликни (олқишлар, шовқин-сурон).

Нихоят ранг тасвирнинг бутун борлиқни эгаллаган, хажм чексизлигини, лекин телетомошабиннинг қулайликларини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Йирик план (бир зумда қахрамоннинг юзини, кўлини, кўзини, унинг руҳий ҳолатини кўриш).

Моддий тарафи (билет учун ур-сур, ҳам пул тўламайди). Томоша тугаганида шаҳарнинг у четидан бу четига судралмаслиги, бошқа чет жойда яшаса-чи?

Умуман намоёиш ёқмаса, пулт тугмачаси орқали у ердан бир зумда чиқиб кетади. Нихоят бир неча миллион томошабинни ҳеч қаерда бир вақтда йиғиб бўлмайди.

Энди телевидениенинг яна бир хусусиятини таҳлил қилиб чиқсак. Яна мисол келтирайлик.

Театр - сахнада спектакл ижро этиляпти. Актёрлар пьеса қахрамонлари ҳаётини кечиришяпти. Томошабин бутун сахнани яққол кўриб туради. Телевидение тилида бундай ҳолат умумий кўриниш, яъни умумий кадр деб аталади.

Театрда режиссёр мизансаҳна залга қай тарзда кўринишига қараб туради, актёрлар ўз кечираётган ҳолатларини яққолроқ билдиришлари учун ҳаракатларини эркин тарзда ўтказадилар. Умуман пьеса тўхтовсиз «бир нафасда» ўтади. Воқеалар тўхтовсиз, кетма-кет содир бўлади. Бўлган ҳаракатлар бошқа худди шу тарзда қайтарилмайди.

Худди шу спектаклнинг телевизион шакли қандай кўринади.

Ҳар бир сахна бир неча нуқтадан туриб тасвирга туширилади. Актёрлар ҳар бир сахнадаги воқеани бир неча маротаба ижро этадилар. Уларнинг айна шу пайтдан томошабинлари студия ижодкорлари ва жонсиз камераларнинг шиша кўзларидир. Демак томошабинларга спектакль айнан телережиссёрнинг нуқтаи назаридан туриб кўрсатилади. Мабодо актёрнинг ёрдамчи ҳаракатлари экранга, кадрга тушмаса, кетган меҳнатининг ўзи зоедир. Демак режиссёр воқеаларни томошабин залига қараб эмас балки кадрга қаратиб кўради. Намойиш этилаётган кадр бизга содир бўлаётган воқеаларни қай тарзда кўринишини етказиб туради.

Мана аста-секин биз телевидение ва тасаввур муаммосига етиб келдик.

Экранда алмашиб тураётган кадр кўринишлари бизнинг ўрнимизга тасаввур қилиб ва айнан шу кўринишни бизга нимоиш этади.

Мана бир кичик мисол:

Қайси биримиз Абдулла қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида суратга олинган фильмни кўрмаганмиз?

Энди шу романнинг ўзини қўлга олиб ўқишни бошлайлик. Сатрлар орасида кўз олдимизга айнан шу фильм қахрамонлари келмайдими? Романда ифодаланган кўчалар, қахрамонлар кийган кийимлар, умуман, атроф муҳитни фильмдан эса қолган тасаввуримизни бойитади.



Лекин шу билан ҳар биримизнинг, умуман олганда, жамиятнинг тасаввур кучи йўқоладими?

Инсоният ҳақ қачон изланишда толиқмайди, ҳар дақиқа дунёнинг у ёки бу чеккасида қандайдир янги кашфиёт туғилади ва яшин тезлигида оммага тарқалади, яъни инсониятга хизмат қилишни бошлайди.

Компютерлар ва улар билан боғлиқ бўлган воситалар телевидение ва кинонинг бугунги кунидир. Индивидуал компютерлар бугунги кунда ҳажми билан оддий китобдан фарқ қилмайди. Биз компютерлар ёрдамида тасаввуримизни керакли мақсадга йўналтиришимиз мумкин.

Компютерлар ёрдамида бугунги кунда телевидение ва кино соҳасида янги ижобий ўзгаришлар юзага келмоқда.

График компютерлар ёрдамида биз ўз тасаввурларимизни жонлантиришимиз мумкин. Бу эса ички дунёимизни янада бойитишга катта ёрдам беради деб ўйлайман.

Телевидение ҳаётимизда авваламбор оммавий ахборот воситаси сифатида катта ўрин эгаллайди. Замонамизни «Космик аср» деб аташлари бежиз эмасдир. «Ер» деб аталмиш диёримизда кун эмас, балким ҳар дақиқада у ёки бу чеккасида доимо турли хил воқеалар содир бўлади. Бу воқеалар хушли ёки хушсиз бўлишидан қатъий назар, улар бизга ахборот сифатида етиб келади. Ушбу ахборотларни биз турли Оммавий Ахборот Воситалари ичида энг илғор ўринни телевидение эгаллаган, деб ҳисобланади. Нима учун?

Авваламбор телевидение бизда ҳар қандай ахборотни визуал ҳолатда етказиб беради. Бу эса телевидениени қолган ахборот воситаларини ичида энг оммавийлиги ва улардан устуворлигини далолатидир.

Бу борада биз социологик савол-жавобларга мурожаат қиладиган бўлсак натижалар телевидение фойдасига ҳал бўлганини гувоҳидирмиз. «Геллон» инглиз социологик марказининг тадқиқотларига кўра вояга етган аҳолининг 45-55 фоизи кун мобайнида 1-2 соатни газета ва журналларни кўздан кўриб чиқишга ажратади, радиони эса 30-35 фоиз ва ниҳоят буларнинг ҳаммаси яъни 70-75 фоиз аҳоли телевизор олдида 2-3 соат

вақтларини ўтказадилар. Буларнинг ичида яна вояга етмаган телемухлисларни кўшадиган бўлсак, натижа бошқача бўлади.

Театр ва кинога ўхшаб телевидение ҳам синтетик санъат ҳисобланади. Бошқа санъат турларидан афзаллиги ҳар ерда ҳозирлигидир. Истаган жойда, истаган вақтда намоёиш қила олади. Томошабинга етказа олади. Кино бадиий образларни кўрсатиш хусусиятига эга бўлса, телевидение ахборотни оғзаки етказиш, оммавий тадбирларни кўрсата олиш имкониятига эга. Хабарларни саралай олади, изохлайди, телевидение атроф-муҳитни ўрганишда, тушунишда қудратли қурол ҳисобланади. Воқеа ва ҳодисаларни шу заҳоти, шу тобда содир бўлиш вақтида тўғридан-тўғри ҳозиржавоблик билан ишонарли қилиб ҳақиқатни далил асосида намоёиш қилади. Томошабин дастурларни танлай олади, шахсий манфаатидан келиб чиқиб танлайди, ҳар томонлама қулайлиги бор. Театр, кинога битта томошани кўриш учун, пардозу андоз қилиб борасиз. Телевидение кўрсатувларининг йўналиши, манзили аниқ мўлжалланган томошабини бор. Жамоатчилик фикри ўрганилади, ҳисобга олинади. Томошабиннинг маълумот даражасига, ёшига, вақтига қараб кўрсатувлар дастурланади. Кўрсатувларни томоша қилиш, идрок қилиш икки тарафлама: бир кишига ва миллионлаб томошабинга мўлжалланади.

Бошқа санъат турларига қараганда телевидение бирваракайига бир неча жойдан намоёиш қила олади. Ойнайи жаҳонда ижрочининг, суҳандоннинг шахси, истараси муҳим рол ўйнайди. Кутилмаган ҳолатлар, ҳужжатлилик томошабин кўз олдида содир бўлади. Режиссёр нимани мақбул кўрса, томошабин шуни кўради. Кинодаги каби телеэкран ҳам ясси, кичик форматли, хонага мўлжалланган. Шунинг учун ҳам телевидение йирик план санъати ҳисобланади. Театр, кинога нисбатан телевизорни хонадон меzbони сифатида томоша қила оласиз. Ҳозирги кунда рақамли телевидение ривожланганда тасвир сифатига катта эътибор берилади.

Телевидениени кинога нисбатан олиб кўрадиган бўлсак, ўзига хос репродуктив хусусиятларига қуйидагилар киради:

Кинода актёрнинг камерага қараши тақиқланса, телевидениеда камерага қараши шарт, чунки томошабин билан мулоқотда бўлади.

Кинода томошабин содир бўлаётган воқеаларнинг кузатувчиси бўлса, телевидениеда ўша жараённинг иштирокчиси, жим ўтирган катнашчиси ҳисобланади.

Кинода томошабин кўлами кенг, аудитория катта, телевидение уйда, оилада сирдош.

Телевидениеда соатлаб хикоя, суҳбат қуришингиз мумкин, кино узок суҳбатга тоқатқилолмайди.

Кино бирданига, шу заҳоти жамоа фикрини туғдиради, телевидениеда жамоа фикрини эртасига эшитасиз.

Воқелик ифодасини фақат телевидениеда шу заҳоти томоша қиласиз, кинода кечикиб ўтган воқелар шоҳиди бўласиз.

Телевидение театр ҳам эмас, китоб ҳам эмас, миллионларга бирваракайига таъсир қилиш кучи театрдан ҳам, китобдан ҳам кўп.

Хатти-ҳаракат, юз ифодаси, йирик пландаги афт кўринишлари хонадон экранигагина хос.

Асл ҳақиқат ва ҳужжатлилик фақат телевидениега хос. Кундалик воқеликни шу заҳоти бетакрор илғайсиз.

Кўп қисмлиликни мунтазамлилигини фақат телевидениеда кўриш мумкин.

Кинода воқелик “тозаланади”, сараланади. Телевидениеда ишонарли, ҳақиқий асл ҳужжатлиликни кўрасиз.

Кинода муҳрлаб қўйиш лозим бўлса, телевидениеда муҳрлашдан ташқари жонлилик хос.

Кинозалда танлаган фильмингизни томоша қиласиз, телевидениеда уйда танлаб, саралаб томоша қиласиз.

Телевидение кино, театр санъатлари ифода воситаларидан фойдаланибгина қолмай, ўз имкониятларини кашф қилди. Адабий театр, бир актёр театри, ток-шоу, турли-туман мулоқотлар ва бошқа кўп жанрдаги кўрсатувлар телевидение туфайли пайдо бўлди. Кўп серияли фильмлар,

телевизион фильмлар, роман ва қиссаларнинг телевизион адаптацияси, эпик асарлар, кўп камерали тасвирга олишлар телевидение туфайли рўёбга чиқди. Монтаж техникаси кинога нисбатан юксак даражада ўзгариб кетди. Ҳеч қандай химикатларсиз, жисмоний аралашувсиз монтаж усуллари пайдо бўлди. Булар ўз навбатида телевизион режиссёрдан муаллиф, актёр ва бошқа ижодий жамоа билан ишлашдан ташқари янги телевизион технологияни ўрганишни, унинг имкониятларидан унумли фойдаланишни вазифа қилиб қўйди. Телевидение жамоаси ижодий маҳсул беришдан ташқари катта ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиш хислатларини кўрсатди.

### **Телевидение ва унинг режиссёри**

Телевидение ўзининг тезкорлиги, таъсирчанлиги, оммавийлиги ва самимияти билан шуҳрат қозонди. Илм-фан, маданий ва ижтимоий ҳаётда «дунё даричаси» эканлигини намоён этди. Инсонни шахс сифатида камол топтириш, ижтимоий муаммо ва қарама-қаршиликлар олдида онгини шакллантириш, жамият тақдири олдида инсон масъуллигини тарбиялаш телевидениенинг асосий ижтимоий вазифаларидан бирига айланди. Айниқса, телевидение кишини ҳар томонлама эстетик тарбиялашда кучли қурол воситаси эканлигини қайд қилиш керак.

Шундай экан, бу даргоҳда ишлайдиган юксак малакали кадрларни тайёрлаш, замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етказиш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиз раҳбари, телевидение равнақиға, унинг техник имкониятларига, ижодий ходимлар малакасиға махсус эътиборини қаратган, фармон ва қарорлар қабул қилапти. Кўпмингли журналистлар қатори, режиссёрлар ижоди ҳам миллий мафкураға узвий боғлиқдир. Жамиятда шаклланаётган мафкура, режиссёрлар ижодида ўз ифодасини топиши керак.

Режиссёрнинг дунёқараши, жаҳон тараққиёт қонунлари, табиат ва инсоннинг сир-асрорини чуқур тафаккур қилиши ижод мазмунини ташкил қилади.

Режиссёр ўзидан аввал ўтган буюк санъаткорлар, рассомлар, ёзувчилар, бастакорлар ижодини яхши ўрганган, услубиятлари, ўзига хос хусусиятларини идрок қилган бўлиши керак. Жаҳон ва миллий маданият анъаналари давомчиси бўлиб шаклланиши лозим. Телевизион режиссёрнинг ғоявий-бадий камоли - ихтисослигининг назарий ва амалий томонларини, техник имкониятларини чуқур билганлигида аниқланади. Телевизион режиссёр адабиётни, театр, кино санъатини, муסיқа, тасвирий санъат, журналистикани тушунган баркамол инсон, ҳар томонлама етук шахс бўлиши керак. Телевидение ўз табиатига кўра синтетик санъат турига киради. У барча санъат турларини ўзида бирлаштирган ҳолда, техникани ҳам ўзида мужассамлаштирган санъатдир.

Айниқса, кейинги йилларда рақамли телевизион техника тараққиёти илгарилаб кетди. Унинг имкониятлари кучайиб ижод учун катта шароитлар яратилди. Телевидение - жамоа санъати. Телевизион дастурларни яратилишида фақат биргина режиссёргина эмас, муаллиф, муҳаррир, тасвирчи, рассом, бастакор, овоз режиссёри, чироқчи, видео ва техник муҳандислар иштирокидан сўнггина телевизион асар рўёбга чиқади. Телевизион кўрсатувни тайёрлашда маслакнинг бирлиги, ғоявий бадий йўналиш, ижодий услубнинг яқинлиги, тартиб-интизом муҳим рол ўйнайди. Бир ёқадан бош чиқариш, бир мақсад йўлида ҳаракат қилиш катта аҳамият касб этади. Телевидение режиссёри ана шу ижодий жамоанинг ғоявий-бадий раҳбаригина эмас, балки тарбия қилувчи раҳнамоси ҳамдир.

Телевизион кўрсатувларнинг ғоявий-бадий йўналиши, унинг сифати, ҳаққонийлиги, ҳаётни тўғри ва аниқ акс эттиришида режиссёр шахсан масъулдир. Телевидение режиссёрининг диққат-эътиборида инсон, унинг кечинмалари, шахсияти, ички дунёси, мақсад ва интилишлари ҳар томонлама назарда бўлиши керак. Режиссёрнинг бутун фикру-зикри, ижодий изланишлари инсонни ўрганишга, экран олдидаги шахс тадқиқотига қаратилиши керак. Режиссёр киши руҳининг тадқиқотчиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсоннинг шахс сифатида шаклланиши тараққиёт

жараёнларини бўй-басти билан рўй-рост телевизион асарларда очиб бериш керак. Телевизион режиссёр ижоди илк бор телесценарий билан дуч келади, шу боис тележурналистикани, теледраматургияни, унинг ғоявий-бадий йўналишларини, муаммо ва сир - асрорларини чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Телевизион драматургия қисқа муддат ичида бошқа санъат драматургияларига нисбатан ўзига хос хусусиятларини, янги-янги қирраларини кашф қилди. Телевизион дастурни қабул қилишда томошабин муносабати, фаол иштироки бу санъат турини янада юқори поғонага кўтарди. Кино ва театрга нисбатан томошабин аудиторияси олдида телевидениенинг чексизлик хислатларидан бири сирдошлиги, инсон шахсининг ички дунёсини кенг кўламда очиб бериши теледраматургияда катта имкониятлар туғдирди. Драматургиянинг янги-янги жанрлари публицистик хужжатли драма, ижтимоий очерк ҳар хил томоша жанрлари пайдо бўлди. Бадиият билан хужжатлилик бир-бири билан телевидениеда чамбарчас боғланиб кетди. Бу ўз навбатида иштирокчи-актёрлар олдига ҳам, бошқаларга ҳам янгича талабларни қўйди. Берилган ҳолатларда имкон борича табиийликни, самимийликни, ифода воситаларида лўндаликни, кутилмаган ҳолатларда яратувчиликни туғдирди.

Ҳозир телевидение кирмаган хонадон, тўлқинлари янграмаган жой йўқ. Тўртинчи ҳокимият, деб бекорга айтилмайди. Телевидениенинг мўъжизакорлигини, унинг имкониятларини бутун жаҳон тан олди. Бизга маълумки, театр санъати минг йиллик тарихга эга. Ёзилган сахна асарларини драматурглар, ижрочи-актёрлар сахналаштириб келган. Ҳақиқий сахналаштириш, том маънода сахна асарини яратиш яқин юз йиллар атрофида юзага келди. Драматург ҳам, актёр ҳам учинчи бир шахсга - бошқарувчига мурожаат этадилар. Бу ҳам давр эҳтиёжи, замон талаби. Бошқарувчи бу ҳозирги замон тилида режиссёр деб аталади.

Режиссёр ижодий жамоани бошқарибгина қолмай, ташкилотчилик қилади. Театр режиссёрларининг ўз хислатлари, фазилатлари бор. Кино режиссёри ҳам ўзгача ишлаш услубиятига эга. Телевидениеда ишловчи режиссёр эса

бошқача, ҳар иккала касбнинг уйғунлигидан, омухталигидан келиб чиқиб бошқача хислатларни ўзида касб этади. Телевидениеда ишлайдиган режиссёрлар алоҳида тоифадаги одамлар бўлиши керак. Дунёни сув босса тўпиғига келмайдиган, тепса тебранмас ёки ўта шошқалоқ, “ўпкаси йўқ” одамлар ишлаши мумкин эмас. Бу даргоҳда ўта сезгир, зукко, ҳозиржавоб инсонлар ишлаши лозим. 1960 йилларда телевидениенинг адабий-драматик тахририятида театр соҳасида кўп йиллар хизмат қилган Юрий Пуртов деган режиссёр бор эди. У пайтда телевидениенинг барча кўрсатувлари жонли кетар, алоҳида ёзиб олинмас эди. Пуртов ҳаётда анча ўзини тутиб олган, бамайлихотир, етти ўлчаб бир кесадиган ижодкор эди. Ўзи тайёрлаётган кўрсатувларни эфирга узатаётган пайтда 4-5 тасвирдан бирини томошабинга ҳавола қилиш вақтида айни урғу берадиган кадрлар кечикиб узатилар, тасвир кучи йўқолгандан кейин эфир юзини кўрар эди. Бўш - баёв, ҳеч кимга озор бермайдиган бу режиссёр зуваласи телевидение учун йўғрилмаганлигини сезиб театрга кетиб қолди. Машҳур кинорежиссёр Қамара Камолова ҳам ўз фаолиятини телевидениеда бошлади, лекин кўп ўтмай иқтидорини кинода топди. Дастлаб телевидение даргоҳида иш бошлаган театр режиссёрлари Армуғон Муҳаммедов, Бобо Хўжаев, Викторина Райкова, Музаффар Асадуллаев, Мақсуд Юнусов, Ҳайбат Алиев, Акмал Ҳайдаровлар ҳам аср мўъжизасининг сир-асрорларини билиб олгунга қадар анча қийналганлар, кўрққанлар. Атак-чечак қилаётган бола кўп йиқилгандай, булар ҳам адашганлар, довдираб пультада нима қиларини билмай қолганларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Улар фақат тажриба ва изланиш туфайли ўз иқтидорини кейинчалик телевидениеда кўрганлар.

Режиссёрларнинг кейинги авлоди Мели Маҳкамов, Ҳамид Қаҳрамон, Мирсиддиқ Устабобоев, Мираббос Мирзааҳмедовлар бу ҳолатларни тез ўзлаштирди. Буюк театр режиссёри Тошхўжа Хўжаев ҳам умрининг сўнгги йилларида телевидениеда ҳамкорлик қилиб спектакллар сахналаштирди: “Океанда етти фарёд”, “Ҳожи афанди уйланади” каби телевизион асарлар шулар жумласидандир. Лекин, шундай буюк шахс ҳам спектаклни эфирга

жонли узатаётганда пультада ўтириб шошиб қоларди. Режиссёрлик пультада ўтириб кадр танлаш, жонли эфирда бадий асар яратиш, уни бунёд қилиш ҳаммининг кўлидан келавермайди. Театрда режиссёр сахнани меъерига етмагунча такрор ва такрор, шошмасдан машқ қилаверади. Кинода тасвир ёқмаса қайтадан тасвирга тушириш мумкин. Телевидениеда бунга имкон йўқ. Барига ҳозир, шу тобда, шу захоти улгуриш шарт. Бўлмаса футболда урилган тўпни қайтариб бўлмайди, Наврўз байрамида илғаб олинган кадрни такроран қайтариб бўлмайди. Ёки бўлмаса митингда гапирётган одамга, қайтадан гапиринг биз олишга улгурмадик, деб айтолмаймиз. Тўғридан-тўғри олиб борилаётган ҳолатларда тезкор бир фикрга келиш шарт бўлганидек, телевидение режиссёри ҳам зудлик билан тўғри, ягона бир қарорга келиши керак. Томошабин олдидаги режиссёрнинг масъулияти ҳам шунда. Мана мен деган театр режиссёри ҳам, кино режиссёри ҳам телевизион пулт олдида довдираб қолади. Чунки, унинг ўзгача сеҳри бор. Миллион-миллион кўзлар режиссёр нигоҳига қараб тургандай, унинг идроки, билими, савияси синовдан ўтаётгандай.

Кўп йиллар мобайнида зуваласи телевидениеда йўғрилган Қўзижон Ҳакимовнинг тўғридан-тўғри олиб берилган кўрсатувларини томошабинга узатганда юксак маҳоратига шоҳид бўлганмиз. Мустақиллик байрамларини, Наврўз тадбирларини, “Шарқ тароналари”ни, спорт универсиадаларини томошабинга узатганда унда алоҳида илҳом жўшиб турарди. Пультада ўтирганда ҳам ўзгача ҳолат касб этарди. Қаршисида турган 8-10та тасвирдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. Ўша тасвирлардан ҳақиқий телевизион асарни ижод қиларди. Майдонда кечаётган томошадан, унинг режиссёри ўйлаган режалардан устунроқ бўлган гўзал манзаралар, урғу берилган кадрлар, кутилмаган ҳолатларни илғаб олганини томоша қилардик. Қ.Ҳакимов ҳар бир машқни такрор ва такрор кузатар, ўзича қайдлар қилар, тасвирчилар билан олдиндан келишиб олар, пультада ўтирганда эса уни ҳеч ким таниб бўлмасди. Қўйилган аниқ мақсад, аниқ режалар амалга ошар, оддий имо-ишоралар билан кадрлар томошабинга узатилар эди. Режиссёр асиссентлари



Гумар Нугаев, Комил Орипов Қўзижоннинг нигоҳига қараб турар, қўл ишораси, овоз оҳанги заргарона кадр танлашга имкон яратарди. Қўзижон Ҳақимов тўғридан-тўғри олиб бориладиган тадбирларнинг ҳадисини олган, ўзига хос интуицияга эга бўлган режиссёр эди. У ҳалол, покиза, талабчан, ўта масъулиятли, хуллас телевидениенинг виждони эди. Мураккаб воқеаларни шу заҳоти кўрсатишда профессионал маҳоратга эга бўлган режиссёр Қўзижон Ҳақимов телевизион режиссураининг эталони бўлиб қолди.

Телевидение бу - кичик экран санъати, йирик план санъати. Инсоннинг юзи, кўзи, кайфияти, руҳияти бизга қизиқ. Телевидение умумий, чексиз планларни унча ёқтирмайди, унинг кўлами, таъсири ўзгача. Катта экранда кўрилган жанг саҳналарининг таъсири кичик экранда кўрилган томоша таъсиридан фарқ қилади. Шундай экан, Наврўз томошаларини ҳам томоша қилганда турфа одамларнинг туриши, ҳолати, ўзини тутиши томошабинга қизиқ. У ёқдан-бу ёққа юрган, тинимсиз ҳаракатда бўлган камераларнинг имкониятини намойиш қилиш, чумолидай одамларнинг ҳаракатини томоша қилиш, узундан-узоқ бетаъсир тасвирларни кўриш одамларни чарчатади.

Тўғри, ҳозир техник имкониятлар жуда кенгайиб кетди. Янгидан янги, илдам, тезкор камералар пайдо бўлди. Бу дегани ўшаларни кўз-кўз қилиш керак дегани эмас-ку. Ҳаддан зиёд эффектларга куч бериб режиссёр режасини, олдига қўйилган мақсадини, телевидение санъатининг бурчини унутиб қўймайпмизми? Томошабин умумий планларни соғиниб кўрсин. Ҳозирги ўсиб келаётган ҳамкасбларимиз кекса авлод кўрмаган техникани кўришмоқда, катта имкониятлар яратилмоқда. Лекин, бундай техникадан унумли ва ифодали фойдаланишимиз керакка ўхшайди. Мураккаб эффект воситаларини, монтаж усулларида ўринсиз, бемақсад фойдаланмаслик керак. Бу нарсани шошма-шошарлик билан тайёрланган, бир-бирига ўхшаган клипларда, арзон гаров тайёрланган кўрсатувларда ҳам кўриш мумкин. Пайванд сирларини яхши ўрганган одамнинг ҳаммаси режиссёр бўлавермайди. Режиссураининг ўз сир-асрорлари, қонун-қоидалари бор. Токи киши бу мактабни ўтамас экан, ҳар мақомга йўрғалайверади. Кўрсатув

томошабинни ларзага солмас, жунбушга келтирмас экан, қилинган меҳнат, сарф қилинган харажат осмонга учди деяверинг.

Жонли эфир пайтида бутун ижодий жараён сардори режиссёр ҳисобланади. Пультада унинг ёнида режиссёр асиссенти, қатор техник муҳандислар, орқасида овоз созловчи режиссёрлар, студияда ёрдамчи режиссёр, тасвирчилар, чироқчилар ва кўп сонли иштирокчилар, қаршидаги қатор мониторларда камералардан келаётган саккиз-ўнта тасвирлар, уларни саралаш, кераклисини томошабинга узатиш масъулияти режиссёрдан кенг кўламдаги идрокни, ҳозиржавобликни, ақлий сафарбарликни талаб қилади.

Бир масъул ходим телевидениеда режиссёр иккиламчи, бирламчи муҳаррир ҳисобланади, деб айтган эди. Бу бутунлай нотўғри фикр. Телевидение авваламбор бу томоша даргоҳи, томошани режиссёр тайёрлайди. Тўғри, информацион дастурда сўз биринчи ўринга қалқиб чиқади, лекин уни ҳам режиссёр кўримли қилади. Бадиий телевидениеда, шоу дастурларда режиссёр ўрни ва роли беқиёсдир. Ҳужжатли экранни ҳам ифода воситалари орқали режиссёр тайёрлайди. Муҳаррир масъулиятини инкор қилмаган ҳолда режиссёр иқтидори, унинг имкониятлари биринчи ўринга чиқади. Ҳозирги замон техника тараққиётида телевидениенинг жонли кўрсатувларини эфирга узатишда режиссёр масъулияти бениҳоя катта ва унинг истиқболи порлоқ.

## **Телевидение ва унинг жанрлари**

Жанр бу ҳақиқий ҳаётни, бор воқеликни ифода қилишда маълум бир қолиплар эвазига, турғун бир белгиларга асосланган мазмун ва шакллар бирлигини аниқловчи ижро, ижоддир. Ҳар бир мавзу ўз ифода шаклини, аниқ ва ўзига хос тасвирда ижрода ифода воситаларини топиши керак. Қадимдан бадиий адабиёт ўз жанрларига эга: роман, қисса, ҳикоя, ғазал, мухаммас ва ҳ.к. Театр санъатида асрлар давомида жанр шаклланди, мароми ва ифодасини

топди. Фожа, комедия, драма, опера, балет ва уларнинг ҳар хил турлари пайдо бўлди, ривожланди.

Кино санъати ҳам қисқа давр ичида ўз жанрларига эга бўлди. Айниқса тарихий эпик асарлар, даҳшат фильмлари, триллерлар, кулгули комедиялар мелодраммалар пайдо бўлди. Матбуот телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари туфайли янгидан янги жанрлар вужудга келди ва оммалашиб кетди. Ахборот, публицистика ва бадиий жанрларнинг хилма-хиллиги, мавзунини ёритишда ёндашув, аниқ нишонга олиш журналист маҳорати ва режиссурага боғлиқ бўлиб қолди. Режиссёр ва муаллиф кўрсатувни қайси аснода ечимини кўрсатмоқчи, мавзунини қандай услубда томошабинга етказмоқчи, мана шу йўлда аниқ ва равшан бир мақсадга келинмаса, мўлжал олинмаса мужмалликка йўл қўйилади. Қаерда даргумонлик бор экан, мавхумлик мавжуд экан, томошабин аросатда, ижодкорлардан маънавий қониқиш ололмай ҳафсаласи пир бўлиб қолаверади. Сўнгги пайтда яхши ўйлаб топилган анчагина лойиҳаларнинг жанрлари аниқ бўлмаганлиги сабабли улар экрандан тез тушиб кетди.

Телевидение ва радиода кўрсатувлар таркибини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

### 1. Ахборот жанрлари.

Содир бўлган воқеаларни ўз ҳолича олиб кўрсатиш, муҳрлаб қўйиш хусусиятларига эга. Воқеани қисқа ва лўнда томошабинга етказиш. Изчиллик, холислик ва ошкоралик бу туркум кўрсатувларнинг асосий мезони ва ўзига хослиги ( “Ахборот”, “Янгиликлар”, “Давр”, “Пойтахт” ва ҳ.к.).

### 2. Публицистик жанрлар.

Бу туркум кўрсатувлар драматургия қонунларига бўйсунган, тайёрланиш жараёнида режиссёр томонидан мавзунини бир мақсадга йўналтирган, режа асосида амалга оширилган бўлади.

(“Таҳлилнома”, “Юзма-юз”, “Инсон ва қонун” ва ҳ.к.).

### 3. Бадиий жанрлар.

Муаллиф тасавурида ўйлаб топилган, режиссёр томонидан сахналаштирилган мавзулар, лойиҳалар.

(“Оталар сўзи-ақлнинг кўзи”, телесериаллар ва ҳ.к.)

Ҳаётий воқеликни умулаштириш, уларни сархил қилиб тартибга солиш, ҳар хил жанрларда томошабинга етказиш режиссёр ва журналистнинг маҳоратига боғлиқ эканлигини кўрамиз.

Демак:

*ахборот* - қайд қиляпти, муҳрляпти, таъкидляпти;

*публицистика* - умумлаштираяпти, таҳлил қиляпти;

*бадший ижод* - ифодаляпти, яратаяпти.

Телевизион жанрларнинг вужудга келиши икки манбага асосланади:

Биринчиси: аввалги адабиётдаги анъанавий жанрларнинг телевидениега кириб келиши. Мисол: очерк - адабиётда ва телевидениеда.

Иккинчиси: янги телевизион технологияларнинг кириб келиши туфайли пайдо бўлган жанрлар.

Техниканинг ўзига хос хусусиятларидан, имкониятларидан вужудга келган. Масалан: кўчма телевизион станциялар; репортаж, намойиш, тўғридан-тўғри эфирга узатиш ва ҳ.к.).

*Ахборот жанрлари*

Ахборот жанрларидан асосий нуқтаи назар корхоналарга, муассасаларга, ишлаб чиқариш жараёнларига, маиший мавзуларга, тадбирларга қаратилган бўлади. Воқеаларни кўрсатишдан мақсад оммани бохабар қилиш, содир бўлган ҳодиса ва жараёнлардан воқиф қилиш. Ахборотда асосий мезон тезкорлик, тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш, томошабин воқеалар шоҳиди бўлишини таъминлаш.

Жойлардан репортажлар олиб бориш, воқеаларга шарҳлар бериш, иштирокчилардан интервьюлар олиш, суҳбатлар уюштириш ахборот асосини ташкил қилади.

Шарҳ - муҳим воқеаларга, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга, илмий маданий-маиший, спорт мавзуларига, тадбирларига шу соҳа билимдонининг чиқиши, шарҳ бериши, оммага тушунтириши (кадрда, кадр ортида).

Интервью - бир киши ёки бир неча киши билан журналистнинг мулоқоти. Томошабин бу мулоқотнинг гувоҳи. Бу ерда бошловчи билан суҳбатдошнинг билим савияси, кенг камровлилиги, қизиқтирувчи саволларига жавоб бера олиши, мавзуга алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Режиссёр ҳам, журналист ҳам шахс билан маъновий ва руҳий алоқани ўрната олиши керак. Интервьюда самимият, ҳозиржавоблик йўқолмаслиги керак. Кутилмаганда тўсатдан ташкил қилинган мулоқот томошабинга қизиқ.

Прессконференция - кўпчилик билан мулоқот. Бунда режиссёр билан журналист катта тайёргарлик кўриши керак. Мавзу кўп қиррали, уни ҳар томонлама ёритиш лозим. Сценарий режаси, унинг композицион тузилиши, бериладиган саволлар кўлами муаммолар ечими, иштирокчилар билан мулоқот шакли ўйланган бўлиши керак.

Репортаж - содир бўлаётган муҳим воқеани тўғридан-тўғри ўз ҳолича аниқ ва жўшқин кўрсатиш (концерт, футбол, мажлис, байрам ва ҳ.к.).

#### *Репортаж турлари*

1. Тўғридан-тўғри репортаж - телевизион техника воситасида бирор бир воқеани изоҳсиз, иждкорнинг аралашувисиз, ишлов бермасдан кадрлаштириб узатиш, бевосита кўчириш, муҳрлаш тайёрлаш жараёни қуйидагиларни талаб қилади:

- а) мавзу ва жойни танлаш;
- б) техник имкониятларни ўрганиш;
- в) камералар жойлашадиган нуқталарни аниқлаш;
- г) воқеа дастури билан танишиш.

Буларни амалга оширишда режиссёр билан операторнинг планларни танлаши, ифодали имкониятлардан фойдаланиши, руҳий мазмун бериши муҳим аҳамият касб этади.

Воқеани тўғридан-тўғри кўрсатувда монтаж жараёни ва унинг талқини муҳим рол ўйнайди (тантанали мажлислар, кўргазмаларнинг очилиши, фестиваллар, универсиадалар).

Воқеий репортажлар - бу репортажлар бошловчи-сухандон томонидан шарҳланади. Бунда режиссёр томонидан журналистга катта талаблар қўйилади. Олиб борувчининг воқеадан бохабарлиги, кенг тушунчага эга эканлиги, хилма-хил ҳужжат ва манбалардан фойдаланиб томошабинга етказа олиши аҳамиятли. Бундай ҳолатларда режиссёр ва оператор журналист гапларини очиб бериши, тасвир билан тўлдириши, нозик томонларини илғаб олиши, унга улгуриши муҳимдир.

Муаммоли, ташкил қилинган репортажлар – бундай репортажларда қатнашувчилар танланади, воқеалар содир бўлиш жойи аниқланади, олдиндан тайёргарлик режалаштирилади. Ёзилган сценарийга асосланиб режиссёр ва муаллиф-журналист муаммони кўтаради, таҳлил қилади, ечимини топади. Томошабинга ҳавола қилинади. Бундай репортажлар аввалдан ўрганилади ва машқлар қилинади.

### ***Публицистик жанрлар***

Бундай кўрсатувларнинг асосини аниқ ҳужжатлар, ҳақиқий ҳаётий лавҳалар ташкил этади. Муаллиф-журналистнинг муносабати ва бу воқеалар талқини, унинг нуктаи назари муҳим ҳисобланади. Воқеа ҳужжатларини тўплаш, уларни танлаш, қайд қилиш ҳамда таҳлил этиш режиссёр ва журналист маҳоратига боғлиқдир.

## **Телевидение дастурларида**

### **публицистик кўрсатувларни ташкил қилиш**

Оммавий ахборот воситалари ичида телевидение катта рол ўйнайди, айниқса сўнгги йилларда томошабин эътиборига ҳавола этилаётган бадиий, публицистик кўрсатувлар, ҳужжатли мавзуларга асосланган чиқишлар, томошалар телевизион дастурларнинг 70-80 фоизини ташкил қилиб, инсонларнинг маънавий камол топишида, унинг тарбиясида катта аҳамият касб этмоқда. “Қишлоқ ҳаёти”, “Ҳаёт ва қонун”, “Таҳлилнома”,

“Телемулоқот”, “Юзма-юз”, “Мувозанат”, “Муносабат”, “Тафсилот”, “Ҳиммат”, “Телемулоқот”, “Гап чикди”, “Яхшилик” ва бошқа кўпгина кўрсатувлар теледастурларда мустаҳкам ўрин олиб томошабинга намоиш қилинмоқда. Шу ўринда кўрсатувларнинг тайёрланиши, эфирга узатилиши, сифати профессионал даражаси, журналистика ва режиссура ижоди қай йўсинда кечаяпти, телевидениенинг қонун ва қоидаларига қайси даражада жавоб берапти деган саволлар туғилади, муаммолари ўртага ташланяпти. Бадиий ижоднинг ўз қонун қоидалари, сир-асрорлари бўлганидек телевизион публицистик кўрсатувларида ҳам драматургияни қонун-қоидаларига, композицион тузилишига, жанрига, тилига эътибор бериш, шу асосда сайқал бериш телережиссёр фаолиятига боғлиқдир. Ҳозирги пайтда кўрсатувларнинг шошма-шошарлик билан юзаки, аниқ режаланмаган ҳолда тайёрланаётганини кузатиш мумкин. Режиссёр хом-хатала, меъёрига етмаган, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида тасвирга тушириб тез пайванд қилиб эфирга узатаётганини кўриш мумкин. На аниқ бир режа бор, на аниқ мақсад. Енгил-елпи тайёрлаш жараёнига ўтган ижодий гуруҳ, чала маҳсулни тамошабинга узатяпти, залворсиз тумтарақ гаплардан ташкил топган кўрсатувлар фавқулодда топилган тасвир ва манзаралар эфир вақтини тўлдириб ётибди. Бадиий ижодда талабчанликни сусайиши, профессионал кадрларни йўқлиги, мактаб кўрмаган кадрлар келиб қолганлиги туфайли ҳар мукомга йўрғаланаётгани кишини ўйлантириб қўяди. Қалб кўрисиз яратилган, лоқайд тайёрланган кўрсатув қандай қилиб томошабинни ларзага солиши мумкин. Дуч келган томонга отилган ўқ қандай қилиб нишонга тегиши мумкин, номига эфирга узатилаётган кўрсатув кимни ҳаяжонга солиши, лол қолдириши мумкин? Ҳозирги кунда сифат мезони биринчи ўринга чиққанда, бу жараён қачонгача давом этиши мумкин? Телевидение режиссурасида ижтимоий, сиёсий-публицистик кўрсатувларни тайёрлашда нималарда оқсоқланаяпти? Бу муаммоларнинг ечилишида менимча қуйидаги масалаларга эътибор бериш керак:

1. Режиссёрлик шунчаки амалиётчи касбигина эмас, балки дунёкараши шаклланган ижодкор шахс бўлиши керак. Театрда, кинода хақиқий санъат асарини яратадиган шахс бу режиссёр бўлса, телевидениеда ҳам кичик бир кўрсатувни хақиқий телевизион асарга айлантирувчи бу режиссёрдир. Телевизион тасвир кадрлардан иборат. Ҳар бир кадр маълум бир маънога эга бўлиши, мазмун кашф этиши зарур. Режиссёр шахс сифатида ўша кадрга юк бериши, кўрсатув залворли кадрлар атрофига қурилиши, бу унинг дунёкарашига, тафаккурига, идрок кучига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Авваламбор кўрсатувнинг пластик ечимини топиш лозим. Нега кўрсатувлар бир бирига ўхшаш, бир қолипдан чиққандай такрорланади, чунки ҳар бир кўрсатувнинг ўз пластик ечими топилмаганида, унинг ўзига хос образлик талқини етишмаганида режиссура нуқсонларини кўриш мумкин. Кўрсатувларнинг руҳий концепцияси, мором тузилиши режиссуранинг асосий негизларидан ҳисобланади. Кўпинча воқеаларнинг ҳар хил маромда кечишини, узук-юлуқ лавҳаларда кўриш мумкин. Мором, суръат, руҳий йўналиш экран образлилиги режиссёр маҳоратининг асосий омилидир. Бу топилмаларсиз режиссёр қанча уринмасин кўрсатув жозибали, қизиқарли чиқмайди. Режиссёр эътибор бериши керак бўлган яна бир томон бу овозлаштириш масаласидир. Овоз ва тасвирнинг уйғунлиги, бир-бирига мутаносиблиги, уларнинг руҳий ҳолати кўрсатувнинг шакли-шамойилини ташкил қилади. Базан сўз билан тасвир бири боғдан, бири тоғдан эканлигини кузатамиз. Бу ҳам режиссура ижодининг қирраларидан ҳисобланади. Қачонки сўз тасвирни тўлдирса, тасвир сўз замирини очиб берса. маъно мазмунни кашф этса тўлақонлик кадр бўлади, санъат асари даражасига кўтарилади. Кино ва театр асарларида мана шу ҳолатлар юксак даражага кўтарилган, телевидениенинг кундалик маҳсули ҳали бу имкониятларга эга бўлмаяпти. Режиссёр бунга интилиши: овоз ва оҳанг, тасвир ва сўз ифода воситаларининг ёрқин ҳолатларини топиши керак. Режиссёрнинг ҳужжатли публицистик мавзулар устида ишлаганида унинг саралаш имконига эътибор бериш керак. Ҳамма ҳужжат ҳам экран юзини кўриши керак деган гап келиб



чиқмаслиги лозим. Саралаш, дид билан саралаш, воқеийликни очиқ ва ойдин, аниқ фактларда кўрсатувчи кадрлар билан саралаш режиссёр маҳоратининг қирраларидан ҳисобланади. Суратли лавҳалар, архив хужжатлари, репродукциялар ва бошқа ишларни тасвирий ифодасини топиш, томошабинни жумбушга келтирувчи ҳолатларни қидириш режиссёрлик санъатининг калитидир. Ўйланган мақсад ва режа асосида иштирокчилар билан ишлаш, меъёрига етказиб экранга узатиш, уларнинг ҳаммаси аввалдан режиссёр сценарийсида муҳрланган ҳолда бўлиши кераклиги ҳозирги телевизион режиссуранинг муаммоларидан бири эканлигини қайд қилиш лозим.

2. Телевизион режиссуранинг яна муаммоларидан бири бу монтаж масаласидир. Аввалам бор монтаж бу режиссёрнинг тили, мавзунини эфирга узатиш ифода воситаси, ўз нуқтаи назарини кадрлаштириш ҳисобланади. Кино санъатида бу услубдан моҳирона ва санъаткорона фойдаланган кўп асарларни, режиссёрларни биламиз, улар монтаж санъатини юксак даражага кўтарган. Телевидение ҳам бу санъат услубидан ўз фильмларида, кўрсатувларида ижодий ёндашиб моҳирона фойдаланиб келаяпти. Айниқса клип, роликларнинг пайдо бўлиши, компьютер техникани ривожини бу услубнинг кенг имкониятларини очиб берди. Монтаж услубининг замонавий шакллари келтириб чиқарди, монтаж ёрдамида муаллиф ва режиссёр нуқтаи назари, фикри ифодаланиб яхлит маънавий таъсирга эга бўлди. Лекин бу имкониятлардан ҳозирги публицистик кўрсатувларда унумли ва тўғри фойдаланилаёпти деб бўлмайди. Кўрсатувни кадрлаштириш, унинг композицион тузилишига эътибор, монтаж услубиятлари пала-партишликдан иборат бўлиб келаяпти, изчиллик, монтаж суръати аниқ мақсад йўлида эмас. Нима учун, нега шу кадр эфир юзини кўраяпти, унинг тадрижий ривожини, яқини қандай мана шу саволларга жавоб топаолмайсиз. Деярли барча ижтимоий, сиёсий публицистик кўрсатувларда шу ҳолатни кўриш мумкин. Бир қолипга тушган, кўрсатувдан кўрсатувга такрор ва такрор бир хил кадрлар, зерикарли тасвирлар томошабинда бефарқлик, лоқайдлик

уйғотмоқда. Монтаж санъати томошабинни ларзага келтириши унда қизиқиш уйғотиши лол қолдириши керак. Биз кўпинча параллел монтаж, мажозий монтаж, ҳаракатдаги монтаж, кадр ичи монтажи, кадрлараро монтаж, кесишма монтаж каби монтаж турларидан ўринли фойдаланмаймиз. Умумий, ўрта, йирик планларнинг махсус эффектларини ишлатмаймиз. Ҳатто овоз ва товуш планларни ҳам таъсир кучини, оҳанг ҳолатларини, сўз ва сўз замиридаги маъноларни образли кадрларда очмаймиз. Макон ва вақтнинг ифодасини санъаткорона кадрларда қидирмаймиз. Ўрнига саёз ва қурук кадрларни эфирга узатамиз. Монтаж санъатининг мактабини телевизион режиссёр ўтамас экан, у ҳар муқомга йўрғалайверади. Назариёт билан амалиёт бирлашиб омухта бўлмас экан, ҳақиқий телевизион асар юзага келмайди.

3. Яна энг муҳим масалалардан бири телевизион драматургия асослари ўзлаштириш муаммоси. Ҳозирги публицистик ижтимоий сиёсий кўрсатувларда кўпроқ журналист ва қаҳрамон чиқишини, интервью, суҳбат, репортаж, шарҳ шаклида кўрамиз, у мавзу драматургия қонунларига жавоб берадими йўқми ўйламаймиз. Муаллиф билан ишлаш, режиссёрнинг журналист ва бошловчилар билан ишлаши мавзунини такомиллига етказиш энг асосий паллалардан ҳисобланади. Ҳар бир эфирга чиқиш фикрлар тўқнашувига, баҳслар, қарама-қаршиликлар асосига қурилса зерикарли бўлмайди, томошавийлиги ошади. Ҳар бир эфирга чиқиш композицион тузилишга эга бўлиб, ибтидоси, тадрижий ривожини интихоси - ечимини бўлсагина кўримли бўлади. Телевизион режиссёр яқка чиқувчилар билан ишлаганда ҳам, кўпчилик билан ишлаганда ҳам инсон қиёфасининг характерли ифодасини топа билиши, тасвирий таъсирчанлик йўллари драматургия қонунлари асосида излаши керак. Театр ва кино драматургиясига нисбатан телевизион драматургия ўзига хос хусусиятларига эга эканлигини биз унутмаслигимиз лозим. Телеэкран бошқа санъат турларига нисбатан томошабинга сирдошлигини, кичик экран санъати ренгендай инсонни ички дунёсини очиб беришини, ҳар қандай ёлғон

телевизорда фош бўлиб қолишини – экран тилсими драматургия асосларини мана шунда эканлигини режиссёр ҳамиша эсда тутмоғи керак. Агар мана шу ҳолатлар режиссёрнинг қайдномаси сценарийда муҳрланмас экан, ўйланган режа акс этмас экан, кўрсатув телевизион асарга айланмайди. Гоя, режа, мавзу, фикрий тортишув, мақсад, ният шу аснода кўрсатувни мағзи нимадан иборатлигини телевизион режиссёр аниқ билиши лозим. Информацион ахборот публицистикасида ҳам, таҳлилий публицистикада ҳам, бадий публицистикада ҳам режиссёр унинг аниқ йуналишларини ажратиб олиши, очерк, портрет, эссе, фельетон, памфлет чизгиларни фарқлай олиши, репортаж, суҳбат, интервью, шарҳ ва таҳлилларни аниқ нишонга уриши телевизион режиссёрининг асосий вазифаларига киради. Телережиссёр бу кўрсатувларни қайси томошабинлар аудиториясига йўналтираяпти, таъсир доираси қандай, акс-садоси борми, кўрсатувнинг шакллантиришга, умри боқийлигига томошабин мулоқати эътибори етарлими мана шуларни ижтимоий тадқиқот қилиши – ижодий гуруҳнинг масъулиясига киради. “Ўзбекистон” каналининг публицистик кўрсатувларида ранглар ва нур билан ишлаш, чироқ унинг ифодали усулларини топиш имкониятларини яратиш керак. Ҳозирги электрон технологиянинг айниқса компьютер техникасининг чексиз имкониятларидан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Режиссёрнинг техника эффектларидан ўринсиз, бемақсад ишлатганлиги туфайли кўпинча кадр таъсирчанлиги йўқолаяпти, турли либос, турли ҳолат, турли жойларда тасвирга туширилган клип роликларда пайванд қилиниб сайқал берилишига қарамай режиссёр олдида қўйган аниқ мақсад очилмаяпти. Ўйин билмаган шогирд ҳар муқомга йўрғалар қабилида иш тутишяпти. Бу ҳолатларнинг асосий ечими мактабдир. Режиссёрнинг пойдевори мустаҳкам бўлмас экан у чуқур илм поғоналарини, зиё зарчашмаларини, техника сирларини мукаммал ўзлаштирмас экан хом холтала кўрсатувлар кетаверади. Аввалам бор оллоҳ берган иқтидор, сўнг меҳнат, меҳнат, тинимсиз меҳнатгига инсонни комилликка етказди, шахс сифатида очилади. Техник тараққиёт кетидан қувиб етиш ўзи бўлмайди. Ўз

устида тинимсиз ишлаш, билим ва амалиётни кундалик ҳаётни бош мезони қилиш сифатга эътибор бериш ҳар бир ёш телевизион режиссёрнинг асосий бурчи бўлиши лозим. Ҳозирги публицистик кўрсатувлар режиссурасида асосий муаммолар, уларнинг ечим калитлари мана шу.

## Режиссёр сценарийси

“Биз ўз ғояларимизнинг образли ифодасини табиий изҳор қила олишимиз, асарларимизда маҳоратнинг амалий кўринишларини кўрсата олиш сир-асрорларини эгаллашимиз лозим”.

Сергей Эйзенштейн

Бошқа санъат турлари қатори телевидение ҳам турмуш тарзимизда мустаҳкам ўрин олди. Кўп йиллик тарих ва тажрибага эга бўлган театр ҳам, кино ҳам телевидениесиз, унинг имкониятларисиз яшай олмай қолди. Ўз ижодий маҳсулотларини ойнайжаҳон учун тайёрлайдиган бўлди. Бу эса ўз навбатида телевидение ходимлари олдига юксак вазифаларни қўйди. Телевидение томошабинларининг сони бошқа санъат турларига нисбатан беқиёс. Масалан миллий театримизнинг “Келинлар қўзғолони” спектаклини телевидениеда бир кечки байрам дастурида, шу театрнинг 80 йил давомида сахналаштирган асарларини кўрган томошабиндан кўпроқ мухлис кўрар экан. (Айтайлик, 750 ўринли театр дам олиш кунларидан ташқари узлуксиз спектакл қўйганда 750x313x80қ18780000 бўлар экан). Бу рақамлар билан ҳисоблашмасдан илож йўқ. Ҳар куни миллион-миллион хонадон одамлар зангори экран атрофига навбатдаги дастурни кўриш учун тўпланишади, томоша қилишади. Шу ўринда кўрсатув масъулияти, томоша сифати биринчи ўринга қалқиб чиқади. Биз томошабинга нимани ҳавола қилаяпмиз, тайёргарлик даражаси қандай, томошабинни ўйлантираяптими, қолдираяптими, йиғлатаяптими ёки лоқайд, бефарқ қолдираяптими? Кейинги пайтларда аксарият кўрсатувлар бефарқ қолдираётгани аниқ. Янги-янги лойиҳалар, мавзу ва ғоялар шунчаки тезпишар кўрсатувлар номигагина

тайёрланиб эфирга узатилаяпти. Бу ерда режиссёр ва муаллиф малакаси, унинг савияси алоҳида мазмун кашф этади.

Тўғри, театр бир спектаклни 3-4 ойлаб ишлайди, катта ижодий сафарбарлик эвазига спектакл рўёбга чиқади. Томошабинга ҳар томонлама ўйланган ижод маҳсули ҳавола қилинади.

Кинофильмни ҳам ойлар мобайнида тасвирга туширилади, монтаж қилинади, меъёрига етмаган сахналар қайта тасвирга олиниб, қўшилади. Кўп чиғириқлардан ўтгандан кейингина киномухлисларга ҳавола қилинади. Бу ҳақиқий ижод жараёнидир. Талаб ҳамма санъат турларига бирдай бўлиши керак.

Телевидение ижодий маҳсулотлари ҳам бундан мустасно эмас. Театрда бу режиссёр экспликацияси дейилади, яъни режиссёр талқини. Шу асарда режиссёр нима демокчи эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Кинода ҳам режиссёр сценарийси мавжуд. Бусиз кино тасвирга олинмайди, ишлаб чиқариш жараёнига туширилмайди. Режиссёр режасига кўп нарса боғлиқ. Режиссёр экспликациясини аллома режиссёрлар Станиславский, Мейерхольд, Вахтангов, Товстоногов ва бошқалар театрда сахналаштирган спектаклларнинг ибратли ажойиб намуналарини яратган. Машҳур режиссёр Анатолий Эфрос бир куни Лермонтовнинг “Замонамиз қаҳрамони” романи асосида фильм ишламоқчи эканлигини айтиб ва унинг режаси билан ўртоқлашган эди. Режага кўра Печорин - ёлғиз, нотавон, бошқа даврда туғилиб қолган инсон. “Бу замонга мен ортиқчаман” фикри-зикри бутун фильм давомида қизил ип бўлиб ўтади. Ёки “Гамлет” фожиасида “Дания зиндон” режаси бутун спектаклни қамраб олган.

Кинода ҳам режиссёр режаси алоҳида ўрин тутаяди. С.Эйзенштейн, А.Довженко, С.Юткевич, М.Ромм ва бошқалар кинорежиссурада режанинг катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилишган. Яратилган биронта фильм йўқки режасиз бўлса.

Янги санъат тури телевидениеда ҳам режиссёр режаси, унинг асосида қилинган режиссёр сценарийси давр эҳтиёжи эканлигини кўрсатмоқда.

Демак, телевидениеда ҳам ижоднинг зарур бўлган мана шу жараёни ўз ўрнини топиши, кундалик иш тарзига айланиши керак. Айримлар 24 соат эфирга маҳсулот узатиш ўзи бўладими, яна бир неча каналда, дейиши мумкин. Кўрсатув беш минут бўладими, бир соат бўладими, ижодга бўлган талаб мезони битта бўлиши керак. Кўпинча муаллиф ва режиссёр ўз ижодини, кўрсатув тайёрлашни тасвирга олиш майдончасидан бошлашади. Пала-партиш тасвирга тушириб, монтаж ҳолатида режалаштириб кейин лойиҳа қоғозга туширилади, сценарий ёзилади. Ижодий жараённинг тескари ҳолати юз беради. Аслида бунинг акси, муаллиф тайёрлаган сценарий асосида режиссёр ёзган, кадрлаштирилган, ижод изтиробларида ўйлаб топилган тасвирлар асосида туғилган режиссёр сценарийси кадрма-кадр тасвирга туширилиши лозим. Шундагина ҳар бир кўрсатув томошабинга таъсир қилади, маънавий озуқа беради.

Театр ва кино сингари кичик экран санъати ҳам ўз ифода усулларини топиши, томошабин қалбига йўл олиши, назарига тушиши ҳақиқий санъат асарларини яратиши керак, бу эса режиссёр сценарийсига боғлиқдир. Ўз навбатида сценарийнинг тўлақонли кўрсатув бўлиши ўзига хос услубга эгаллиги телевизион режиссёр маҳоратига боғлиқ. Режиссёр ва муаллиф маслағи, изланишлари муваффақият гаровидир. Телевизион режиссёр театр ва кинонинг бой тажрибасини синчковлик билан ўрганиб, унинг энг яхши анъаналарини, хислатларини кичик экранда ўзига хос тасвир йўлини топиши керак бўлади. Театр ва кино услубияти изланишларини кўр-кўрона кўчириш эмас, телевидениенинг ўз қонун ва қоидаларини, сир-асрорларини қидириш, янги санъат даражасига кўтариш ижодкорларнинг маҳоратига боғлиқ. Тўғри, кино ҳам дастлаб пайдо бўлганда изланган, ижод машаққатларини тотган, монтаж, йирик план, овоз, тасвирга олиш техникалари ҳам ибтидоий ҳолатда эди. Фақат йиллар ўтиб у санъат сифатида шаклланди. Кино қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришди, энг оммавий санъат турига айланди. Телевидение ҳам мана шу даврни бошдан кечирди. Содда, ўта жўн техникавий имкониятлардан қисқа вақт ичида энг мураккаб электрон

империяга айланди, оммавий ахборотлар ичида энг пешқадами бўлди. Монтажнинг электрон услубларини топди, компьютер технологияси кириб келди, интернет деган жоду бутун жаҳонни ўргимчак уясидай қоплади. Кино ҳам, театр ҳам телевидение имкониятларидан фойдалана бошлади. Мана шу ҳолатда ижодкорлардан юксак маҳорат даражаси талаб қилинади. Телевидениенинг санъат бўлиб тараққий топишида режиссёр маҳорати асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У ижоднинг маълум тартибларидан фойдаланибгина қолмай, ўз йўли, ўз сўқмоғини очиши, ҳаётнинг мураккаб томонларини илғаши, ижод деган захматнинг серқирра эканлигини, унинг изтиробларини топиши керак. Сценарийдан то эфиргача бўлган йўл узок, адабий асос, мазмун режиссёрнинг ўткир нигоҳи билангина нафис, жонли қиёфага айланиши, янги сифат даражасига кўтарилиши керак. Муаллиф ўйлаган сценарий-лойиҳани ҳамкорликда яратувчи режиссёр-санъаткоргина унинг чуқур талқинини, ёрқин ифодасини топа олади. Адабий сценарийнинг ғоявий йўналиши, мазмуни, образлари, зиддиятлари, услубий ва жанр хусусиятларини чуқур ўрганиш ва англаш натижасидагина режиссёр режаси туғилади. Режиссёр режасини рўёбга чиқариш жараёнидан тартибга тушган режиссёр сценарийси пайдо бўлади. Машҳур кинорежиссёр Сергей Юткевич “Режиссёрнинг контрапункти” китобида: “Режиссёр режасининг ранг-баранглиги бу мизонсаҳналарга, фильмнинг нафис ифодавий кўринишларига, суръати ва наволарига ва энг асосийси инсон билан ишлай олишига, инсон ички табиатини, нозик кузатувчанлигини билиши, устознинг донолиги, сабр-тоқати ва иродасига боғлиқлигидадир” деган эди.

Дарҳақиқат, режиссёрнинг дунёқараши, давр, замон руҳини чуқур ва аниқ англай олиши, юксак ғоявий йўналиши режиссёр режасига киради. Режиссёр режасининг ноаниқлиги туфайли пайдо бўлган кўрсатувларга миллионлаб томошабинлар бефарқ бўлиб қолаверади. Ҳақиқий маҳоратнинг йўқлигидан айрим режиссёрлар муаллиф фикрини бузиб кўрсатадилар, нотўғри урғу берадилар, натижада сийқа, кўримсиз, куруқдан куруқ гапга қурилган

маълумотга айланади. Демак режиссёр режасидан режиссёр сценарийси пайдо бўлар экан.

Машҳур адиб А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарининг телевизион талқинида ўз тажрибамдан мисол келтиришим мумкин: ёзувчи асари чуқур таҳлил қилиб чиқилганда аксарият қаҳрамонлар нафс бандаларидир. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, муомаласи, бир-бирига бўлган муносабатларининг дастлабки лаҳзаларидаёқ, яъни Солиҳ Маҳдум учраган одамни ўз мактабига мойил қилиши, уй ишларида арзимаган нарсаларни қурумсоқлиги туфайли иқтисод қилиши, қизи Раънони ардоқлашдан мақсад, келгусида ҳузур-ҳаловатда яшаш ва ҳоказо нафс йўлида қилинган кирдикорларни кўриш мумкин. Бу ҳолат бошқа қаҳрамонларда ҳам мавжуд. Қуйида режиссёр сценарийсининг айрим сахналарини келтирамыз:

“Меҳробдан чаён” телевизион сериалининг

1-қисми режиссёр сценарийсидан лавҳа

Т/р	Кадр ҳажми	Тасвирлар мазмуни	Муаллиф матни	Муסיқа , овозлар	Суратга олинадиган жой
14	15с. ЎП.	Ўз иши билан кета - ётган кишилар, таҳсилдан қайтаётган муллаваччалар... Ёпинчиқли хотин-халаж. От минган миршаб... Яхши кийинган бек боласи. Бола қўл қовуштириб Маҳдумга салом беради.			
15	10с. ЙП.				
16	15с. ЎП.		Маҳдум:-Ваалайкум. Нусратбекнинг ўғиллари		Кўча.



			<p>бўлсалар керак- а?</p> <p>Бола: -Шундоқ тақсир!</p> <p>Махдум: -Ҳабба, Мен дархол фаҳмладим-да.</p> <p>Дадангиз хўп саломатмилар?</p> <p>Бола: -Шукур.</p>		Ғишт кўприк.
17	10с. УП.	Улар юришда давом этади.			
18	10с. ЙП.		<p>Махдум: -Махдум поччам дуо қилдилар денг.</p> <p>Бола: -Хўп бўлади, тақсир.</p> <p>Махдум: -Хўш, ўқинингиз дурустми?</p> <p>Бола: -Бирмиён.</p> <p>Махдум: -Илми қофия ўқинингиз борми?</p> <p>Бола: -Йўқ.</p>		
19	15с. ЙП.		<p>Махдум: -Ҳой...Форсий наҳву сарф?</p> <p>Бола: -Йўқ...</p>		
20	15с. ЎП.		<p>Махдум: -Сизда айб йўқ, ўғлим, устозингиз бироз шундайроқ одам...</p> <p>Хўб, хўб, бизнинг мактабларга ҳам келиб туринг!</p>		Ғишт кўприк.
21	25с. УП.	Улар хайрлашиб йўлида давом этади. Камера узоклашаётган			
22	20с. ЎП.	Махдумни, ўткинчиларни бир-бир кузатади. Китоб қўлтиқлаган муллаваччалар ўтиб боради.			Ҳоқим оийи мадрасасинин

		<p>Бир отлик аён Махдумга яқинлашиб келади. Улар тенгла- шиб баробар юра бошлайдилар. Камера улар билан бирга жилади. Иккови ўзаро суҳбатлашадилар:</p>			Г олди.
23	15с. УП.		<p>Аён: -Ҳайтовур, ўғлимиз- нинг таҳсилдан кўнглимиз тўлмай турибди-да, тақсир. Махдум: -Ҳабба... Домласи мулла Файзуллоҳми? Кўб болаларнинг умрини зайъи қилаябди, деб эшитаман... Шогирдларидан бир нечаси шикоят қилишиб менга келишкан эдилар... Қандай қилай, шогирдларим ўзим- дан етиб ортсалар ҳам умрлари заъйи бўлмасин, дедим. Хайр, бизнинг мак- табга юборсинлар, бажони- дил хизматларинда бўламиз.</p>	муסיқа	
24	20с. УП.	<p>Улар йўлида давом этади. Камера ҳар хил планда уларни кузатади. Бир неча муллаваччалар Махдумга салом бериб ўтадилар. Махдум алик олиб, отлик билан хайрлашиб йўлакка бурилади.</p>			
25	35с. УП.	Махдум ҳовлисига			Ҳовли.

		<p>етиб келади.  Мўъжазгина кўш  тавақали эшик.  Махдум ичкари  киради. Камера  ҳовли бўлмаларини  бир-бир кўздан  кечиради.  Муллаваччалар  тахсил кўрадиган  жой, меҳ- монхона,  машқхона, дарахтлар,  сўри тоқла- ри,  суфа... Ёз гуллари,  райҳон, бошқа чечак-  лар... Гуллик кигиз,  кўрпачалар  тўшалган, айвон...</p>			
26	10с. ЙП.	<p>Хуснихат машқ  қилиб ўлтирувчи  болалар...</p>			
27	10с. ЙП.	<p>Айвонда Нигоройим  бешиқдаги боласини  эмизяпти.</p>			
28	20с. УП.	<p>Ҳовли чеккасидан  арик ўтган. Сув  бўйида Раъно  укалари билан лой  ўйини билан машғул.  Улар лойга беланган.</p>			
29	15с. ЙП.	<p>Махдум кўлида  тугуни билан  ҳовлининг ўрта- сига  келиб уларни анча  кузатади.</p>			

30	15с. ЎП.	Раъно ўйин билан овора... Камера уни ҳар хил ҳолатда кузатади.			
31	10с. ЙП.		Махдум: -Балли, Раъно, ана жиннилик! Атлас кўйлак сенга хайф, сенга бўздан бошқаси албатта хайф!		
32	10с. ЙП.	Раъно ўрнидан туриб, уялиб лой қўлларини орқасига яширади.			
33	15с. ЎП.		Махдум: -Уят эмасми, юв кўлингни, юв! Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан. Ишинг бўлмаса, китоб ўқи, хуснихат ол. Сен кулолнинг қизи эмассанки... Нигор: -Раънонинг ақли тушсин...		
34	20с. УП.	Раъно қўлини ювгани югуради. Махдум гўштни айвонга кўйиб, зинадан чиқа бош- лайди.			
35	10с. ЙП.		Нигор: -Гўштни кўпроқ олиб- сизми? Анвар буюрганмиди?		
36	15с. ЎП.		Махдум: -Йўқ. Бир манти қилайлик дедим. Манти еганимизга кўп бўлди, валлоҳиаълам...		
37	30с. ЎП.	Раъно ювиниб келиб			

		дадасига уялиб қарай- ди. Бешиқдаги укаси- нинг митти қўлларини суюб ўпади. Махдум ҳамон тик турибди.		
38	15с. ЎП.		Махдум: -Сен мундан кейин кичкина бўлмайсан, қизим Раъно. Шу укаларинг била қилиб ўтирган ишингни киши кўрса нима дейди? Иншооллох, уй эгаси бўлиш-га яқинлашиб колдинг. Энди тош-тарозини ҳам шунга қараб қўйишинг керак, қизим.	
39	10с. ЎП.	Раъно қизариб онасига қарайди.		
40	10с. ЎП.		Нигор: - Раънони эгасига топширмагунимизча қуюл-майдиғонга ўхшайди.	
41	10с. ЎП.	Раъно уялиб бешикка биқиниб олади.		

Шундай қилиб адабий асосдаги матн телевизион тасвирий ифодасини, руҳий пластик ҳолатини, образли жонли қиёфасини топди. “Меҳробдан чаён” фильми билан телевизион версия орасидаги тафовут катта. Режиссёр Йўлдош Аъзамов фильмида Анвар ва Раъно муҳаббати бўртиб чиқади. Телевизион сериалда муаллиф матнини бузмаган ҳолда изчиллик билан ижтимоий тузумни, таҳликали замонни, нафс қурбонларини ўз ҳолича кўрсатишга ҳаракат қилдик. Асар композиция жиҳатидан вазминликни, босиқликни, бамайлихотир тасвир ифодасини топиши керак эди. Ҳар бир

серия 45 минутдан иборат бўлиб 15 қисмга асар жамланди. Режиссёр кичик экран санъати имкониятларини ҳисобга олган ҳолда асосан йирик планда ишлашга ҳаракат қилди. Режиссёр сценарий яратиш жараёнида мизонсахналарни, хатти-ҳаракатларни телеэкран рамкаларини чегараланганини унинг имкониятларини ҳисобга олиши керак. Пластик ифодасини топиб, кадрлаштиришни чуқур ўйлаб, тасвирга тушириш майдончасининг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаши лозим. Биз биламиз, театр мизонсахналари залда ўтирган томошабин учун мўлжалланган, унинг урғу берадиган, ифодали ҳолатлари авансахнага олиб чиқилади, актёрларни ҳар хил жойлаштириш билан чекланади. Кинода имкониятлар катта. Табиатнинг чексиз планларидан, то йирик пландаги қиёфагача кўрсата олади. Ойнаижаҳон эса шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда кадрларни фақат инсон атрофига, унинг йирик планларига, деталларга қаратиши лозим бўлади. Чексиз умумий планлар телеэкранда кутилган таассурот бермайди. Масалан жанг сахналари, намойишлар катта экранга нисбатан кичик экранда қўғирчоққа ўхшаб қолади. Руҳий таъсири бошқача чиқади. Демак режиссёр сценарий ёзаётганда мана шу хусусиятларни эътиборга олиши керак. Яратилган кадрлар композицияси томошабин нигоҳини чалғитмайдиган, воқеа ҳолатига қаратилган бўлиши лозим, бу эса режиссёр дид-фаросатига, ақл-идрокига, фаҳмига боғлиқ. Ижрочиларнинг аниқ ва равшан жойлашиши, мизонсахналарни кадрлаштириш асосидир. “Меҳробдан чаён” видеофильмига яна мурожаат қиламиз:

Т/р	Кадр хажми	Тасвирлар мазмуни	Муаллиф матни	Мусика, овозлар	Суратга олинадиган жой
100	10с. ЎП.	Анвар биринчи маошни олган, кўчада хурсанд келмоқда.			
101	10с.УП.	Анвар ҳовлида етти тиллосини Махдумга			

		топширмоқда.			
102	10с. ЎП.	Махдумнинг оғзидан таноби қочган.	Махдум: -Хабба... Ҳосилинг дуруст Анвар. Болам лекин пулга эҳтиёт бўл, бўтам!		Ҳовли.
103	15с. УП.	Эртаси куни. Анвар ишдан қайтиб либос алмаштиряпти. Махдум унга яқинлашади.			
104	10с. ЎП.		Махдум: -Ана шу ерга сенга атаб бир уй, бир айвон, ошхонаси ва ахтахо-наси билан иморат солсам, дейман... Хабба, Анвар?!		
105	10с. ЎП.		Анвар: -Иморатқа эллик тиллодан кам пул етмайди. Маним бўлса бир пулим йўқ. Бўладирғони ҳам фо-тиҳа бергунингизга-ча албатта сизники ва ойимларники.		
106	15с. ЎП.		Махдум: -Хабба... ҳимматингга! Албат-та-ку, шундай ва лекин ўша ниятла- рингдан кейин боя- гидек алоҳида пул		

			йиғсанг дейманда... Албатта бу гап уч- тўрт йилсиз эмас- да. Раъно!		
107	10с.УП.	Уларнинг олдига Раъно яқинлашади.			
108	15с. ЎП.		Махдум: -Хабба... Мана шу ерга Анвар акангга уй қуриб берамиз, Раъно. Бу ер сенга калай ўхшайдур, қизим?		
109	10с. ЙП.		Раъно: -Анвар акам- ни ёқтирадурғон меҳмонхонаси борку.		
110	15с. ЎП.		Махдум: -Ҳе-хе- хе, боласан, қизим, бо- ласан. Анвар аканг токай меҳмонхонада ётади, дейсан. Ахир бир кун уйланади, бамисоли сен бўл- санг эрга тегасан. Ахир уй керак-да, қизим.		
111	10с.УП.	Раъно уялиб, аччиқ қилгандай уйга кириб кетади. Анвар қизарган.			
112	10с. УП.	Нигоройим ишдан қайт- ган Анварга дастурхон ёзмокда.			



113	10с. ЙП.	Қотиб қолган нон, суюк ош келтиради. Анвар ўтириб овқат ея бошлайди.			
114	15с. ЙП.		Нигоройим: - Ҳамма пулингни домлангга чакки берибсан, Анвар. Уст-бошинг-ни, кўрпа-ёстиғинг-ни ортиб қолса Раъно укангнинг ус- тини тузатишинг ке- рак эди. Домланг туфлаб тугишдан бошқани кошки билса...		
115	10с. УП.	Анвар иш билан машғул.		Муסיқа.	
116	10с. ЎП.	Ражаббек Анвардан синов олмоқда.			
117	10с. ЎП.	Анвар, Раъно қадимий китобларни кўздан кечирмоқда.			
118	10с. УП.	Анвар маош олган, кўчада ўткинчиларга салом бериб келмоқда.			
119	10с. ЙП.	Анвар олган маошини Махдумга бермоқда.	Анвар: -Агар ижозат берсангиз, шу уч тиллога уйга кийим-кечак олсам деган эдим...		Ҳовли.
120	20с. ЙП.		Махдум: -Шу иш чакки-да, болам.		

			<p>Нақдина тиллони бемаза овқатларга, кийим-кечак деган мою-яъниларга сарф қилиш куфрони неъ- мат. Хайр бундан сўнг шу номаъкул- чилик бўлмасин! Дунё деган кўп ноёб нарса, кишининг бир куни бўлса йиғлаб- сихтаб ўтиб кетаве- радир. Илло зар қад- рига етиш керак...</p>		
121	10с. ЎП.	Анвар бош ирғайди.			
122	15с. УП.	Баҳор. Анвар билан Раъно гуллар орасида. Улар гуллар чаманига маҳлиё.		Муסיқа.	Ҳовли.
123	20с. ЎП.		<p>Раъно: -Ерга ёғлар тўкилса, ётиб ялар таксирим, Бўлса бозорда паст- лик, сотиб олар таксирим. Меним учун бир зирак. Раънобонуга не воҳ, Деса ойим ”Не керак?” – юмматалар таксирим.</p>		

			“Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас, Жевоҳ тақиш фарз-мас! – ғавғо солар тақсирим.		
124	10с. УП.	Улар хандон отиб кулишади.			Ҳовли.
125	10с. УП.	Анвар йўлак юриб келмоқда.			
126	10с. УП.	Қайрағоч тагида паранжи ёпинган аёл унинг йўлини тўсади.			
127	10с.ЙП.		Нодира: -Поччанг бизнинг ҳовлига келиб турсин, ўзим уйлантириб қўяман, дебди.		
128	15с.ЙП.		Анвар: -Опа, домлам жавоб бермагунча бу уйдан кетолмайман. Поччамга бориб айтинг, қўлимдан келганича ёрдам бериб тураман.		
129	10с.УП.	Анвар йўлида давом этади.			
130	20с.УП.	Махдум болаларга дарс бераяпти.		Муסיқа.	

Режиссёр режаси асосида сценарий яратишда тасвирчи-оператор ва рассом билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Студия майдончасини

мақсадга мувофиқ режалаштириш, декорация ва деталларни саралаш, ранг-тасвир ифодаларини топиш аввалдан чуқур ўйлаш ва изланиш самарасидан ҳосил бўлади. Ифодали детал, аниқ ҳис қилинган руҳият, тўғри топилган йирик план - рассом ва тасвирчи-оператор санъатига боғлиқ. Воқеа қаерда ва қачон содир бўлаётганлиги мана шу ҳолатлардан келиб чиқади.

Масалан, панжара ортидаги Қодирий (қамоқ ҳолати), машъала фониди Шох Эдип, қуриган дарахтда битта япроқ, китоб ичидаги унутилган гул, осилиб турган дор ва ҳоказо. Аниқ топилган детал, уйғунлашиб кетган овоз кўп сарф-харажат қилиб олинган кинодан кўра кичик экранда ишончлироқ чиқади. Режиссёрнинг аниқ ва ўткир нигоҳи, диди ва меъёрни ҳис қилиш хислати катта рол ўйнайди. Кинодагидек телевидение ҳам ёлғонни ёқтирмайди. Ўйлаб топилган ҳар бир деталь рост ва ишонарли бўлсин. Воқеа кечмиш жой тўлақонли ифодали чиқсин. Бунда режиссёр сценарий яратишда рассом, тасвирчи-оператор билан ҳамкорликни ҳисобга олиши керак. Маконда декорация ифодасини топиш яратилаётган спектакл ифодасини топиш демакдир, кадр композициясининг тузилиши монтаж қурилмасининг асосидир. Булар режиссёр сценарийсининг ташқи томошавий ифодасидир. Режиссёр сценарийсининг яна муҳим ҳолатларидан бири асарнинг мусиқали ва овоз партитурасини ишлаб чиқишдир. Овоз ва оҳанг керакли кайфиятни туғдирибгина қолмай монтаж жараёнига, кадрлаштириш ҳолатларига ҳам хизмат қилади, ёрдам беради. Режиссёр сценарийсида овоз ва оҳангга ҳам эътибор бериш, уни ҳисобга олиш спектакл ёки кўрсатувда руҳий таъсирни кучайтиради. Режиссёр сценарийсини ёзиш жараёнида тасвирчи-оператор ҳамда рассом билан ҳамкорлик, улар билан узвий алоқадорлик, кейинчалик актёрлар билан бўлган мулоқот маълум бир тузатиш киритиш ҳолатлари рўй беради. Режиссёр раҳбарлик қилаётган бутун ижодий гуруҳ билан ўз режасини режиссёр сценарийси асосида амалга оширади. Телевидение санъатининг муваффақияти, ривож ва равнақи гарови режиссёр сценарийсининг негизидадир.

## **Миллий телесериал ва унинг илк тажрибалари**

Телевидение пайдо бўлди-ю, санъат оламида янги жанр телевизион драматургия пайдо бўлди. Умуман драматургияга янгиликлар кириб келди. Театрнинг бир неча кунлик спектаклини, сериалларини билмаймиз. Кўп бўлса икки кун қўйилади. Масалан, икки қисмли спектакл, баъзида 3 қисмли спектакллар қилинган. Томошабинлар икки ёки уч кун спектаклга келишган. Маълум бир даражада театр спектакли 2-3 сериядан нарига бормаган. Масалан, киноларни олсак улар ҳам икки қисмдан ошмаган. Япония, Ҳиндистонда кўп сериали кинолар қилишган, масалан одамлар эрталаб 9.00 дан кириб олиб хаттоки ейдиган овқатигача олиб кириб кўришар экан. Бир кирганда охиригача кўриб чиқишар экан.

Анъанага кирган Мексика, Аргентина, Бразилия, умуман Жанубий Американинг сериаллари («Совун кўпиғи» дейишади) ўзига ром этади. Инсонни бир қизиқтириб олса, қўйиб юбормагунча давом этаверади. Масалан, бўлиб ўтган «Санта Барбара», «Изаура», «Оддий Мария» энди буларнинг сони кўп. «Гвадалупе», «Ошин», «Маҳобхорат», «Қиш эртаги», «Сарой жавоҳири» каби телевизион сериалнинг ажойиб намуналари пайдо бўлди. Ҳар бир мамлакат ўз тарихи, ўтмиши, урф-одатлари ҳақида сериал яратмоқда. Кўп қисмли телевизион асар яратиш, ҳар кеч томошабини зангори экранга муҳрлаб қўйиш индустрияга айланди. Кўп мамлакатлар бунга катта аҳамият бермоқда. Аслини олганда сериал яратиш халқимизда қадимдан қолган. «Минг бир кеча» бу сериал, «Гурўғли», «Алпомиш» дostonлари, «Насриддин афанди саргузаштлари» ҳам сериал, фақат булар адабиёт, халқ оғзаки ижодимизнинг ажойиб сериаллари саналади. Театр санъати минг йиллардан бери бажара олмаган ишни, кино санъати юз йиллардан бери ярата олмаган сурункали санъат асарини фақат телевидение эплади, халқнинг ҳар кеч томоша қиладиган орзу армонлари ойнаи жаҳон пайдо бўлди-ю, рўёбга чиқди. «Совун кўпиғи» деб аталмиш мана шу сериаллардан аксарият томошабин маънавий озуқа олмоқда, ҳаёти, турмуш

тарзида хулоса чиқармоқда. Мавзу қанчалик кўп бўлса, мазмунга бой, инсон дилидаги гапларни айта олса, ўша фильмни бутун оила мириқиб томоша қилади.

1995 йилларда телевидениеда ёзувчи Ахмад Аъзам бош мухаррир бўлиб келди, теледраматург ва режиссёрларни тўплаб «Биз нега ўзбек сериалларини ярата олмаймиз, ўзбек драматургиясида нега сериал асар йўқ» деган фикрни ўртага ташлади. Шунда кинодраматург Рихсивой Мухаммаджонов билан режиссёр Мели Махкамов, М.Маҳаметов ва Машраб Бобоев, Ҳайбат Алиев билан Шароф Бошбековлар экранда очик мулоқот кетди. Ўзбек сериалини яратиш хусусида дастлабки қадамларни қўйиш хусусида гаплашилди. Энди ўзбек телевидениесида яратиладиган сериаллар, Бразилия, Мексикадаги каби маиший мавзулар, оиланинг ички кечинмалари, яланғоч туйғулар, шахвоний ҳолатлар акс этган ғарб давлатлари сериалларига ўхшаш эмас. Балки шарқона миллий, ўзбекона қилиб олишга келишилди. Ўзбек сериали 7 ёшдан 70 ёшгача томошабинга мос бўладиган драматургия қонунларига хос бўлиши керак. Ўзбек оиласида келин ўтиради, қайнота ўтиради, куёв билан қайнона ўтиради. Шулардан уялиб келин чиқиб кетмаса. Масалан, ғарб сериалларини кўрганда қайнотани олдида келин ўтира олмай бошини эгса, қайнота ўрнидан туриб чиқиб кетса, у шарқ одоби бўйича яланғоч туйғуларни кўриш урф-одатимизга тўғри келмайди. Илк марта ишланаётган сериал “Кўнгил кўчалари”да бир ўзбек оиласи мисол қилиб олинди, воқеалар ҳар хил содир бўлиши, янги оиланинг турмуш тарзи, кексаларнинг ҳаёти, маҳаллада кечаётган ҳаёт, оиланинг бузилиши, турли муаммоли нарсаларни олиб чиқиб томошабинга ҳавола қилиниши мақсад қилиб олинди.

“Кўнгил кўчалари”... Ҳақиқатдан ҳам инсон зотини кўнгли кенг бўлади. Ҳар хил кўчага киришни хоҳлайди. Инсонни кирмаган кўчаси йўқ, адашади, қоқилади, ҳар хил сўқмоқлардан юради. Инсон ҳаёти ҳар хил кечинмалардан иборат. Мана шу нарсаларни бир оиланинг тақдирига қўйиб Машраб Бобоев «Кўнгил кўчалари» сериалини тайёрлади. Бу сериал ижодкорлари ўз идроки

ва фидойилик билан иш бошлашди. Сериалга умуман экранда кўринмаган актёрлар керак, деган фикрга келиниб, янги сериалга танилмаган, кўп кўринмаган санъаткорларни таклиф қилинди. Телевидение санъати янги рухсор, янги қиёфа, янги ижрочиларни яхши кўради. Томошабинга танилмаган актёрлар маъқул тушади. Акс ҳолда у санъаткор, томошабиннинг «Яна ўша ўйнабди» деган сўзларини эшитиб, эл назаридан қолиши ҳеч гап эмас.

Сериал ижодкорлари дастлаб асарда нима бўлиши, нима билан бошланиши, оқибати нима билан тугашини билмас эди. Воқеада бир оилада бир нечта фарзанд, шўро даврида катта лавозимда ишлаган коммунистнинг қисмати, коммунист ҳам маълум вақтда адашган, ҳаётида йўл қўйган хатолар бўлган, хотин устига яна хотин оладиган бўлса албатта у партбилети, мансаби билан жавоб берар эди. Ўзи Бекободда раҳбарлик лавозимида бўлиб, хотини бола-чақаси Тошкентда қолган ҳолда бир неча йил хизматда бўлиб бошқа бир аёлни севиб қолади, фарзанд кўради, шу фарзанд оқибатда катта қиз бўлиб, отанинг катта лавозимда ишлайдиган ўғли билан алоқада бўлади, тақдир тақазоси туфайли муносабатлар чуқурлашади. Бу муносабатда ака сингил эканлигини улар билмайди. Чунки ота бола-чақасига ошкора қилса партбилетидан ажралиши мумкин. Партбилети бўлган одам ич-ичидан сир тутуди, лекин ошкора қилолмайди. Мусулмончиликда аслида узоқ муддат сафарда бўлса кимнидир никоҳига олиши мумкин. Ундан фарзанд кўриши мумкин. Кейинчалик ўшалар билан борди-келди қилиши мумкин. Ака билан сингил ўртасидаги муносабат шўро даврида бўлиб ўтган сон-саноксиз хикоялардан биридир. Умуман ака ва сингилнинг шахвоний муносабатда бўлиши ақлга сиғмайдиган ҳолатдир. «Кўнгил кўчалари» даги мавзунинг теранлиги, кутилмаган муносабатлар томошабинни қизиқтириб қўйди. Гуноҳи азимнинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлиги, бир оила бошига тушган кулфатлар коллизияси томошабинни кутдириб қўйди. асарнинг композицион тузилиши воқеалар тугуни энди маълум бўлди. Бир эгри қадам туфайли, хиёнат туфайли хонадон аъзолари ҳаётнинг катта

синовларидан ўтади. Улардан омад юз ўгиради: бири жинни бўлади, бири автохалокатга учрайди, бири амалдан кетади, бири қамалади. Хуллас барчаси жазо тегирмонидан ўтади. Қаҳрамонлар бутун фильм давомида ўз-ўзини жазолайди, виждон азобида қолади. Бу телесериал тавба ҳақида, тазарру ҳақида, воқеалар гарчанд нихоясига етмаган бўлса ҳам Ал-Бухорий макбарасига зиёрат қилиб, қилган гуноҳларини ювиш илтижоси билан иймонга, эътиқодга садоқат билан фильм якун топади.

Бу асар Машраб Бобоевнинг маҳорати, драматург сифатида ўзбекона, миллий ҳаётимизга яқин воқеаларни олиб, муаммони кўтариб чиқариши унинг драматургия соҳасида қилган катта жасоратидир.

Драматург Шароф Бошбеков «Чархпалак» видеофильмида бошқача линияни олиб кетди. У лўли қиз қисматини, унинг ҳаёт чархпалаги атрофидаги ҳаётини ёритди. Кинорежиссёр Ю.Розиқов «Домла» сериалини яратди. «Кўнгил кўчалари» ҳам 51 серияда тўхтаб қолди.

Телесериал томир отиб шохлаб кетди. Бу шохлар қаерга бориб жамланади. Муаллиф мавзунини йиғиштириб олганича йўқ эди. Яна бир неча фасл давом этиб кейин якун топиши, сўнгги нуқта қўйиши керак эди. Шундай бўлса ҳам иккинчи фасл тавба тазарру билан тугади. Телевизион драматургияни миллий қилиб олишга бизда ҳам катта имкон бор эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Аслида сериални овозлаштириш, пардозу андоз қилиш, қисқартириш керак эди, аммо ижодкорлар бунга улгуришмади. Ҳақиқий натурада кетган сериал эфирга етказиб берилди холос.

Томошабинлар кутаётган асарлар кўп, лекин бир гап бор: сарёғ турган жойда маргаринни нима қиласиз, дейди. Адабиётимизнинг сарёғлари кўп - аллома, ёзувчиларимиз, адибларимиз ёзиб қолдирган асарлар. Шу асарлар телевизор экранидан кўрилса, кинолар сифатида чиқса, бу нур устига нур бўлади. Мактаб ўқитувчилари ҳам, ёш томошабинлар ҳам мана шундай адабиётдан баҳраманд бўлиши керак. Бутун дунё романчилигимизнинг тан олган ажойиб намуналари «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён». Бобомиз Абдулла Қодирийнинг асарлари зангори экранда ўз ифодасини топиши



керак. Янги авлодлар қайта ўқиши лозим. Машхур режиссёр Йўлдош Аъзамов яратган фильмлар бутун бир асарни борича қамраб ололмаган, асарни қаймоғини олган холос. Керакли жойларигагина Йўлдош ака қўл урган. Ҳатто икки қисмли кино олишга ҳам рухсат ололмаган. «Ўтган кунлар»даги воқелик бир қисмга сиғмас эди. Шунинг учун кўп воқеалар қолиб кетди. М.Маҳаметов драматург, ёзувчи Хайридин Султоновга, «Меҳробдан чаён» асарини телевизион сериал қилиш нияти борлигини билдирганида маъқул тушди. Биргаликда Қодирийнинг ўғли Маъсуд аканинг олдига боришди. Тез фурсатга Хайридин Султонов 15 сериясини ёзиб берди XIX аср иккинчи ярмидаги Қўқон хонлиги муҳитини ўрганиш, тарихий ҳақиқатга яқинлашиш мураккаб кечди. Бош ролларни ижро этувчиларни танлови қийин бўлди. Қаҳрамонларни Фарғона университетини, Қўқондаги коллежлар, Санъат институтидан қидиришди. 20-30 та актёр кўриқдан ўтказилиб, ахйри Қодирий бобомиз руҳига мос, тасвирда ифода этилгандек ижрочиларга бир тўхтамак келди. Биз бир нарсани олий мақсад қилиб қўйдик. Аллома режиссёримиз Йўлдош Аъзамов кинода ололмаган воқеаларни тўлалигича Қодирий бобомизга хиёнат қилмай, хонлик саройидаги чиркин муҳитни, нафс бандаларини, миллий муҳаббат изтиробларини борича беэзаб бўймай кўрсатишга ҳаракат қилинди. Қодирийни кўпроқ томошабинга етказиш керак. Ёзувчининг биронта сўзини четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Нима учун асарни «Меҳробдан чаён» деб атади? Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида яратилган асарлари «Меҳробдан чаён», «Ўтган кунлар» деб нима учун аталди? Ҳаммасининг сабаби бор. Қодирийнинг моҳирлиги, адабиётимизнинг ажойиб алломаси эканлиги мана шу асарда билинади. Дардини, айтолмаган гапларини, шу китобларга сингдирган. Меҳроб биз биламиз саждагоҳ. Масжид, меҳробига хамиша сажда қилинади. Нима учун шу меҳробга сажда қиламиз, чунки меҳроб тоза, покиза, ҳалол жой. Меҳробдаги чаён ким бўлди. Қодирийнинг китобнинг сўзбошида айтган яхши сўзлари бор: «Мен айтган ва айтолмаган гапларимни ўқувчим ўқиб олар» деган. Бу нима? Нимани ўқиш керак? Биз

биламизки 20-30 йиллар даври шунақанги йиллар бўлганки, бутун уламо, муллалар, домлалар, диний пешволар кулоқ қилинган. Уларнинг устидан кулганмиз. Дахрий бўлганмиз. Шўролар даврига келиб улар йўқ қилина бошланди. Оддий ҳаёт тарзимиздан бутун диний удумлар, урф-одатлар чиқариб ташланди. «Меҳроб бузилди», «меҳроб йўқолди», ундаги чаён ким бўлди. Меҳроб бу инсоннинг қалби, биз қалбимизга сажда қиламиз, дилимиз покиза бўлиши керак. Меҳробдаги чаён бу нафс. Нафсгина одамни ҳар балога йўлиқтиради. Ҳайвоний қусурлардан ҳалос бўлгандагина, у комил инсон бўла олади. Болалигимизда мактабда бу романни ўқиганимизда меҳробдаги чаён бу Абдурахмон деб айтиларди. Абдурахмон 15 йил Бухорода тахсил кўрган, қурьонни ёд билган диний пешво, қандай қилиб одам чаён бўла олади.

А. Қодирий айтолмаган гапни уқганимизча биз айтмоқчи бўлдик, кинода Йўлдош ака ҳам билган, лекин қилолмаган, чунки фильмни қисқа қилиб бериш керак эди-да. Режиссёр Анвар билан Раённинг ўртасидаги муҳаббатни бера олди. Лекин асар замирида ётган бошқа маънони очиб беролмади. Чунки, 50 йиллар даври буни тақазо қилмас эди.

Романда Абдурахмон кўпол қилиб айтганда «баччага» айланган. Муаллиф ўша 30 йиллардаги домлаларнинг устидан кулган. Агар Қодирий ҳаёт бўлганида, мана шу кунларда яшаганида Абдурахмонни ҳеч қачон «бачча» қилмаган бўлар эди. Тўғри, унда ҳам нафс бор. Раёнога бўлган муносабати туфайли Анварда хусумати бор. Нафс асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг қалбида чирмашиб ётибди. Ёзувчи моҳирлик билан қалбдаги чаённи сингдира олган. Раённинг отаси Солих маҳдум Анварга аталган қизини Худоёрхонга беришга рози бўлади. Бойлик, мансаб, амал дардида. Шаҳодат муфти ҳам, Шоҳидбек ҳам, Гулшан ҳам, Оғача ойим ҳам, Самад бўқок, Шукур сўфи, Султонали, Нигоройимда ҳам нафс, манфаат мавжуд. Балиқ бошидан сасийди, деган гап бор. Ахир юзта хотин устига яна бирюз биринчи хотин олган Худоёрхонни нима дейиш мумкин?! Мозийнинг ифлос томонлари ҳам мана шунда. Осойиш, тинч кўринган жойда ғулгула ётибди.

Хонлик саройи ҳаётида ҳамиша таҳлика ҳукмрон. Ҳаммасининг нафси ўпқон, ўзига махлиёлик ҳукм суради, билингки, шу ерда даҳшат биқиниб ётибди. Нафс йўлида ҳар қандай қабихликдан тап тортмайдиган, бўшаб қолган курси - амал учун ҳийла, найранг, фитна уюштиришни оддий бир ҳаёт касбига айлантирган, одамларнинг турмуш тарзи, манфаат йўлида муддаоларини амалга ошириш учун разолат устун турган Худоёрхон замони муаммолари ҳозир ҳам ўз муҳимлигини йўқотмаган. А.Қодирий бир-бирининг кўзини чўқийдиган одамлар орасида фақат Анвар ила Раъно муҳаббатинигина эмас, шу билан бирга асар замирида айтилмаган гаплар ётибди. Асарни тасвирга олиш жараёнида қизиқ бир қолатга дуч келдик. Тақдир тақозоси билан режиссёр Мелис Абзаловнинг «Ўтган кунлар» романи асосида олаётган икки қисмли бадиий фильми ҳамда «Меҳробдан чаён» телевизион сериали бир вақтнинг ўзида икки ижодий гуруҳ Худоёрхон саройида иш бошлади. Қодирий қаҳрамонлари ўз даврининг сарой аёнлари-ю, қозикалон, мирзалари ўша давр либосларида, урф одатларида сарой кездилар. Бизларга Қодирий бобомиз руҳи мадад бергандек бўлди. Қаерда, қачон, қайси куни биз тасвирга туширмайлик романда ёзилган ҳолатлар, табиат мўъжизалари рўй бериб турди. Қўқон изғирин шамолларида кеч кузда дарахт баргларининг учишларию, хазонрезги ҳолатлари кимсасиз хонадонда Анвар ила Раънонинг хайрлашув оқшомида эшикларнинг шамолда тарақа-туруғи, «Мўйи-муборак»да Қўқонни тарк этишдаги ойдин кеча, ҳамма-ҳаммаси бизга ёрдам берди. Анвар ила Раънонинг пинҳона ярим кечадаги гулзордаги учрашувига биз бутун Қўқонни айланиб жой тополмадик. Рассом Саидакмал Расулов билан Тошкентга келиб, айнан Қодирий хонадонининг ҳовлисида романдаги тасвирни топдик. Бу бизга катта омад эди. Хуллас, ҳамма жойда Қодирий руҳи биз билан кезиб юрди. Энг ҳайратлиси шунда бўлдики, биз фильмни яқунлаб эфирга узатганда 15 қисмни биринчи февралдан бошлаб 15 феврал куни ниҳоясига етказганда билдик-ки, Қодирий бобомиз ҳам романнинг сўнгги нуқтасини 1928 йили 15 феврал куни қўйган экан. Бу тақдир ажойиботлари эди. Бу бизнинг илк тажрибамиз, илк уринишимиз эди.

Албатта фильмда жуъзий камчиликлар ҳам бор, ниҳоясига етмаган, чўзилган сахналар ҳам мавжуд. Лекин бутун ижодий гуруҳ ёзувчи сўзларини бузмасдан, аслидагидай таҳлил қилишга ҳаракат қилди. 15 кеча телетомошабинга адиб дурдонасини етказишга интилди. Навбатда мана шу буюк ёзувчимизнинг «Ўтган кунлари» турибди. Ўша даврни, замон руҳини кайфиятини, либосларини чуқур биладиганлар кўпчилиги ўтиб кетаяпти. Телевизион версиясини яратиш керак. Ёш авлодга қолдириш керак.

## **2-бўлим: Ўзбекистонда телевидениенинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари**

(бадий телевидение мисолида)

Мустақиллик жамиятимизда янгилашни даврини вужудга келтирди. Бу давр кишилар онгини турли мафкуравий андозалар таъсиридан озод қилиш, ўзликка қайтиш, иқтидору-салоҳиятини тўла намоён этиш имкониятини берди. Мустақиллик туфайли ўзликни англаш, халқ тафаккурини ўстириш, маънавиятини юксалтириш, ахборот билан таъминлашда адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, хусусан телевидениенинг роли беқиёсдир. Республика аҳолисини ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, телерадио дастурлари мазмунини тубдан яхшилаш, кўрсатув ва жанр доираларини кенгайтириш учун қарор қабул қилинган

Истиқлол ва юртимиздаги улкан ислохотлар, ижобий ўзгаришлар республика телекўрсатувларининг мазмун, мундарижасини ўзгартирди. Эндиликда тележурналистлар мавжуд дастур ва тартиботлардан воз кечиб халқ дилига, диди, маданияти, маънавиятига ва имон-этиқодига монанд янги йўналишлар асосида кўрсатувлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйганлар. Зеро, халқ маънавиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.

Маънавиятнинг бир жабҳаси бўлмиш телевидениенинг кашф этилиши ва ривожланиши кинематограф каби илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ. Телевидение ижтимоий зарурат туфайли юзага келди. Замонавий технологиядаги турли тармоқларнинг ривожланиши асосида телевидениенинг тасвирий ифода воситалари ҳам орта бошлади. Бугунга келиб телевидение маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Телевидение тараққиёти жараёнида адабиёт, театр, кино ва радиога хос жиҳатларни мужассамлаштирган бўлса-да, лекин улардан ўзиб кетолмади. Эътибори нуқтаи-назаридан олдинга чиқди.

Телевидение ахборот ва санъатларнинг репродуктив ва коммуникатив доирасидан чиқиб бошқа санъат элементларини ўзлаштирган ҳолда хусусий

махсулотларини яратиб, эфирга узатишга ҳаракат қилди. Бу эфир ҳажмини кенгайтириши ва тўлдирилиши билан унинг дастурлари ортиб бориши ҳамда тараққиёти учун асос бўлди.

Телевизион кўрсатувларда маълум ғоя ва мақсад кўзда тутилади. Бу ғояни муайян воқеа-ҳодиса замирида амалга ошириш услубига қараб телевидение йирик икки: информацион (ҳужжатли) ва бадиий телевидениега бўлинади. Информацион телевидениедаги туркум кўрсатувларда воқеликни ортиқча бўёксиз томошабинга етказилади.

Бадиий телевидениега бадиий санъат ва юксак эстетик талабларга жавоб бера оладиган, воқеликни нафис санъат воситалари, образлар орқали ифода этувчи, ижодкорларнинг бадиий имконияти, актёрнинг маҳоратини тасвирловчи телевизион асарлар ва кўрсатувлар киради.

Бадиий туркумга оид кўрсатувлар бадиият унсурларидан фойдаланган ҳолда томошабинга етказилади. Унда рамзлардан, ёрқин характер, бадиий тўқимадан фойдаланилади.

Воқеликнинг мураккаблиги ва кўп тармоқлилиги санъатда ранг-баранг жанрлар туғилишининг объектив асосига айланади. Санъат объекти мураккаб ва серқирра бўлганлиги боис, уни ўзлаштириш учун ўша мураккаб жиҳатларни тадқиқ қилишда махсус шакллар ишлаб чиқишга тўғри келади. Ҳаётий алоқалар ва ўзаро муносабатларнинг муайян тури ўзининг аниқ, мувофиқ бадиий инъикоси учун нисбатан барқарор бадиий шаклларни тақозо қиладики, тур ва жанрлар шунинг натижасида пайдо бўлади.

Жанрлар ўзгарувчан динамик хусусиятга эга бўлади. Уларнинг жанр белгилари қайси турга боғлиқлиги билан турлича аҳамият касб этади. Шунга қараб у ёки бу белги жанрни аниқлашда етакчи роль ўйнаши мумкин.

Ҳар бир асар мазмунини унинг жанр эътиборидан қатъий назар, маълум бир ғоя ташкил этади. Лекин унинг жанр хусусиятларини шу асарнинг мазмуни билан ўлчаймиз.

Бадиий телевидениедаги кўрсатувлар доирасига бошқа санъат турларидаги жанрларни ўзлаштирган дастурлар (муסיкий, адабий-драматик,

кинокўрсатувлар, болалар учун композициялар, кинофильмларнинг репродуктив намоиши, телефильм ва телевизион драмалар) киради.

Телевизион драмаларнинг шакллари кўп. Булардан бири - театр спектаклларининг репродуктив намоиши. Бундай шаклда сахна асарини яратувчи драматургнинг ғояси ўзгартирилмай трансляция қилинади. Иккинчисига эса, бевосита телевидение учун мослаб яратилган телеспектакллар киради. Бундай шаклда бадиий ёки драматик асар экран тилига, воқеа ва ҳаракат бир меъёрда, ягона сюжет линиясида давом этиши учун бадиий тасвирга кўчирилади. Бу эса теледраматургияни вужудга келтиради.

Теледраматургия мустақил ижод тури бўлиб, телевидение учун ёзилган асар театр пьесасидан ҳам, киносценарийдан ҳам фарқ қилиб, махсус специфик талабларга жавоб бериши зарур. Маълумки, телевизион спектаклдаги диалог кинофильмдаги сўзсиз сахналардан, ранг-баранг кадрлардан ва диалоглардан фарқ қилади. Теледраматургияда диалог муҳим роль ўйнайди. Бироқ, театр учун ёзилган барча пьесалар ҳам ўзининг оригинал шаклида телевизион спектаклга тўлиқ мос келмайдими.

Гарчи телевизион драманинг сценарийсидаги диалоглар театр пьесаси диалогларига яқин бўлса-да телевидениеда ўзига хос элемент – яъни телевизион операторнинг телевизион ифода воситалари орқали бутун сахнани кўрсатиш хусусияти бор. Қисқа ва ҳар хил сахналар, сиқик диалоглар, ортиқча гапдан кўра кўпроқ маълумот берувчи экспозициялар – мана шуларнинг ҳаммаси драматургия асоси – сценарийга сайқал беради.

Теледраматург театр драматургига нисбатан анча имкониятларга эга. Чунки теледраматург воқеаларни кенг планда ёритиб бериш учун техник воситаларга эга. Лекин у телевидениенинг ифода воситаларини, унинг ўзига хос хусусиятларини билмай туриб, олға босолмайди. Бинобарин, бу телевизион ифода воситаларидан фойдаланишни, шунингдек телевизион тил, телеижодкорларнинг маҳорати ва унинг бадиий имкониятларини ҳисобга олмай туриб телевидение учун махсус асар ёзиш мумкин эмас.

Адабий асар асл ҳолидан телевизион бадиий жанрда талқин қилинганида ўзгаришларга учрайди, яъни унинг телевизион шакли юзага келади ва мустақил асарга айланади. Унинг мазмунида ҳам ўзгариш юз бериши мумкин. Бу асарнинг телеэкран учун мўлжалланган талқини ва ечими ҳамда ижодкорлар нимага урғу беришига боғлиқ. Роман бир ижодкорнинг якка ўзи томонидан объектив ходиса ва воқеаларга субъектив ёндошуви унинг дунёкараши, ҳаяжони ва қатор бошқа сабаблар натижасида юзага келади. Телевизион асар жамоанинг мавзуга бўлган меҳри, муносабати, эътиқоди ва бадиий имкониятига боғлиқ.

Ўзбек телевизион театрининг унсурларига эга «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» ва «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатувларида драматик, сатирик жанрлар уйғунлашиб, асосий эътибор биринчи шахс сўзига қаратилади. Айнан телевидениенинг бадиий жанр хусусиятлари назаримизда ана шунда намоён бўлади. Бунда асарнинг режиссёрлик композициясини қуриш, макон ва замонни ташкил этиш усуллари, телевизион камеранинг ўзига хос хусусиятларини сюжет ва қаҳрамонлар характеринигина эмас, балки муаллиф ўй-фикрлари, ниятини биринчи ўринга олиб чиқади.

## **Ўзбекистон бадиий телевидениесининг эволюцияси**

XX асрнинг оммавий коммуникация ва ахборот манбаларидан бўлмиш телевидение жамият ҳаётига жадал кириб, ижтимоий ва маънавий онгнинг шаклланишига улкан таъсир кўрсатувчи омилга айланди. Шунингдек, телевидение бадииятдан ҳоли ахборот турининг шаклланиши ва оммалашуви билан бир вақтда техник воситалар асосида юзага келган бадииятга, жумладан телетеатр, телефильм ва телевидениега хос бадиий кўрсатувларга асос солди. Телевидениенинг кенг омма билан мулоқоти ҳақида фикр юритганимизда, у фақат битта маънога эга бўлган телевизор ва томоша ҳодисасинигина эмас, аксинча, ниҳоятда мураккаб, мунтазам, миллионлаб



томошабинларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатадиган жараёни назарда тутамиз.

Ўзбекистонда телевидениени ишга туширишдан мақсад, ўша давр учун ижтимоий талаб ҳамда янгиликка интилиш бўлса, ўз навбатида ана шу янгиликдан ҳукмрон мафкура ўз сиёсатининг тарғиботи йўлида асосий қурол сифатида фойдаланишни мақсад қилиб қўйганди.

Ўзбекистонда телевидение иш бошлаган дастлабки вақтларда кўрсатувлар тайёрлаш учун техник ва ижодий куч етарли бўлмагани туфайли дастурнинг аксарият қисмини фильмлар ва концерт номерлари ташкил этди. Буни қуйидаги Ўзбекистон Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлардан кўриш мумкин:

ТТСнинг 1957 йил 3 январда бўладиган эшиттиришлар программасидан.

19.15-19.29. Телевизион мослаштириш /настройка/

Музыка

19.29-19.30 Позывные.

19.30-19.50 Ассалому алайкум, қадрли ўртоқлар. Телевизион эшиттиришларни бошлаймиз. Бугунги программада киножурнал ва «Турли тақдирлар» деган бадий фильм.

Ҳозир киножурнални томоша қилинг.

19.50-19.55 Биз киножурнални намойиш этдик. Энди беш минутлик танаффус эълон қиламиз. Танаффусдан сўнг «Турли тақдирлар» деган бадий фильмни томоша қиласиз.

Текст, музыка.

19.55-21.40 Телевизион эшиттиришларни давом эттирамиз.

«Турли тақдирлар» бадий фильмини томоша қилинг.

21.40-21.42 Сиз «Турли тақдирлар» номли бадий фильмни кўрдингиз. Шунинг билан бугунги эшиттиришларимизни яқунлаймиз. Навбатдаги эшиттиришларимиз 5 январь куни соат 19 дан 30 минут ўтганда бошланади. Унда «Она» деган бадий фильм намойиш этилади.

Хайр, ўртоқлар» [4.18. с.4].

Телетеатр спектакли театрнинг айрим қонунларини сақлаган ҳолда экран юзини кўра бошлади.

Кинематография ҳам ўз маҳсулотларини кичик экранга чиқариш жараёнида унинг бир қанча қонунларини телевидениега сингдиришга муваффақ бўлди. Зотан, санъатнинг барча турлари телеэкранга чиқарилар экан, шу жараённинг ўзида табиий сараланиш кузатила бошлади. Бунинг сабаблари талайгина бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

биринчиси – адабий асарларнинг телевидениега мос келиши ёки келмаслиги. Мос келган адабий асарнинг мазмунига путур етмаган ҳолда телевидениенинг ифода услуби ва тасвир воситалари билан уйғунлашуви;

иккинчиси – адабий асарнинг долзарб ёки давр талабига мослиги, ватанпарварлик мавзудаги барча жанрларга оид асарлар; учинчиси – жанр ва турларидан мустасно социалистик ғояни ақс эттирувчи адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино маҳсулотлари.

Телетеатр жанрида турли мавзуда яратилган адабий асарлар экранга чиқиб турди. 1968 йилнинг 17 майида кичик ва ўрта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун африкалик ёзувчи Абрахамснинг «Озодликка чақирик» романи асосида режиссёр М.Маҳамедов сахналаштирган 20 дақиқалик инсценировкада жанубий Африканинг Йоханесбург шаҳрида истиқомат қилувчи қора танли боланинг фожеали ҳаётидан лавҳа намоёиш этилди.

Бу инсценировкадаги аҳамиятли нуқталардан бири инсоний изтиробларни очишга бўлган ҳаракат, яъни санъатнинг моҳияти аввало инсоннинг юрагида, ҳаёлидаги кечмишларни, ўй-изтиробларини кўламли равишда бадиий тадқиқ этишдир. Бу телеспектакл жамиятдаги муносабат туфайли камситилишга, яъни ирқий дискриминацияга учраётган инсоннинг ички кечинмалари ёрдамида мавжуд даврдаги маънавий инқирозлар ҳақида фикр, ўйларга толдирадиган асар эди. Лекин шўро мафкураси ҳамда ўша даврдаги ижтимоий воқеликдаги мавжуд мафкуравий таҳдид ва тазйиқ таъсири туфайли бундай мавзудаги спектакллар экранга чиқарилмади.

Кино бўлими томонидан 1966 йилдан бошлаб «Совет киноси тарихидан» ҳамда «Севимли кино артистлари» кўрсатуви ҳам томошабинларни хушнуд эта бошлади. Ўзбекистон телевидениеси ўттиз йилдан ортиқроқ фаолияти мобайнида тайёрланган дастурларини икки тилда (ўзбек, рус) узатилди. Чунки Ўзбекистон телевидениеси собиқ Совет Иттифоқи Марказий телевидениенинг тасарруфида бўлган ва моддий базаси ҳам собиқ Марказий телевидение томонидан таъминлаган.

Телевидениеда фаолият кўрсатаётган ижодий гуруҳнинг тинимсиз меҳнати ва изланишлари туфайли кўрсатув номлари кўпайди ва халқнинг телекўрсатувларга бўлган қизиқишлари ҳам ортди. Маҳаллий халқ онги, савияси, билими, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда теледастурлар ҳажми кенгайди. Ахборот, сиёсий ҳаётимиздаги янгиликлар ҳақидаги хабар билан кўнгилочар, дам олиш йўналишидаги кўрсатувлар ҳам тайёрланди ва бадиий телевидение кўрсатувларининг намуналари вужудга келгани сезилди.

Телевидение аудиторияси қисқа муддат ичида кенгая бориши, ҳамда унга бўлган томошабинлар талабининг ортиши ўша давр мафкураси учун асосий қурол сифатида фойдаланиш имкониятини яратди. Телевидение мафкура йўлида хизмат қиларкан, бора-бора унинг исканжасига тушди ва ўзининг бадиият даражасига путур етказа бошлади. Бу ҳолни кўпроқ мусиқий кўрсатувларда кузатиш мумкин эди.

Унда хитоблар, бағишлов, риторик шеър ва бадииятдан маҳрум маршлар ўрин олди. Бундай композицияларда асосан ҳукмрон мафкурага мадҳиялар, ҳамду санолар айтилди. Лекин улар орасида инсон кечинмаларига ҳамоҳанг, киши руҳиятига таъсир этувчи кўшиқ ва шеърлар ҳам учраб турарди. Лекин Миртемир, Уйғун шеърлари асосида тайёрланган композициялар томошабинни биров бўлса-да телевидение кўрсатувларидан маънавий озуқа олиб, кўнгилли дам олишлари учун ёрдам берарди ва томошабинни телевидениедан узоқлаштирамасликка кўмаклашарди.

1965 йилдан бошлаб, Тошкент телевидениеси собиқ Марказий телевидение кўрсатувларини қабул қилиб, республика ҳудудига тарқата

бошлади. Собиқ Марказий телевидение кўрсатувларининг республика ҳудудида кўрсатилиши туфайли Тошкент телевидениесида айрим кўрсатувлар пайдо бўлди. Масалан, 60-йилларнинг охирида «Киносаёхатчилар клуби» кўрсатувига ўхшаш Ўзбекистон телевидениесида «Оламга саёхат» номли илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатув ташкил этилди. Бундан мақсад, ўзбек томошабинини дунё шаҳарлари, табиати, ҳайвонот олами билан таништириш бўлиб, унинг илк сонини телевизион журналист олиб борди.

Лекин бошловчи - журналист бу соҳанинг мутахассиси бўлмаганлиги туфайли дастлабки кўрсатув шаҳарлар ҳақидаги саёзгина ҳикоядан иборат бўлиб қолди. Кўрсатувни мазмунан ривожлантириш мақсадида унга мутахассислар жалб қилинди. Улар орасида таниқли кинорежиссёр Б.Хўжаев ўзи тасвирга туширган лавҳалари билан кўрсатувнинг шакл, мазмуни ва савиясини орттиришга кўмаклашди.

1968 йилда ижтимоий-сиёсий редакция томонидан тайёрланадиган «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Шаҳрингизни безатинг» каби кўрсатувлар орасида бадиий жанрдаги «Истиқбол эгалари» тележурнали тайёрланди. Мазкур адабий мусиқий дастурда хунарманд, раққоса, шоир, бастакор, хонанда, созанда, хуллас маданиятимиз ва санъатимизнинг умидли ёшлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинарди. Бу кўрсатувга истиқболли ёшлар таклиф этилиб, уларни телеэкран орқали халққа яқинроқ таништиришга ҳаракат қилинарди.

«Истиқбол эгалари» кўрсатуви асосан тўрт саҳифадан иборат бўлиб, унинг биринчи саҳифасида бир ой мобайнида республикамизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй берган йирик воқеалар ҳақида ҳикоя қилинарди. Иккинчи саҳифасида эса ишлаб чиқаришдаги илғор йигит ва қизларнинг меҳнатдаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинарди.

Кўрсатувнинг учинчи саҳифаси – яъни бадиий саҳифасида ёш ижодкорлар ҳақида ҳикоя қилинар ва уларнинг ижод намуналари телеэкран орқали томошабинларга намойиш этиларди.

Кўрсатувнинг тўртинчи саҳифаси сатира ва юмор жанрида эди. Телевидениеда ижодий изланиш давом этаётган жараёнда телевизион ижодкорлар томонидан йиғилган сюжетлар кўрсатув саҳифаларидан жой оларди. Бу кўрсатувдаги саҳифалар келажакда мустақил кўрсатувлар учун пойдевор бўлди.

1961 йилда алоҳида «Ёшлик» студияси ташкил этилди. Ва бу редакциянинг дастлабки бадиий жанрдаги тўнғич кўрсатувларидан бири – «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» кўрсатуви бўлди. Бу кўрсатувнинг бошқа кўрсатувлардан фарқи шундаки, у айтмоқчи бўлган фикр қоғоздан курук ўқиб берилмай, сахнавий кўринишлар орқали воқеалар, баъзан фактли ҳужжатлар асосида намойиш қилинарди. Баъзан экрандаги ўн минутли гапни эшитиш томошабинни толиқтиради. Лекин экранда дилдан, эркин гапирувчи, мулоҳаза юритувчи кишига томошабин кулоқ солади. Буни «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» кўрсатувининг бошловчиси Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев исботлади. Биринчи кўрсатув ёш ота-оналарга бағишланган бўлиб, икки кўринишдан иборат эди. Биринчи қисмда ота-она фарзандининг шўхликларига бефарқ қараса, иккинчи қисм дидактик кўринишда, яъни ота-она боласини тўғри йўлга бошлайди. Ана шу икки кўринишни томошабин таққослаб, ўзи учун тўғри хулоса чиқаришга имкон берилди. Кўрсатувнинг шакли ҳам, номи ҳам ўринли топилган. Чунки ўзбек хонадонидан отанинг ўрни ва ҳурмати алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам бу кўрсатув халқ ҳаётига тез сингди. Халқимиздаги меҳр-мурувват, ибрат, оқибат, андиша, диёнат каби тушунчалар аввало оилада шаклланади ва авлоддан-авлодга ўтиб боради. Кўрсатувларда бир оила мисолида, яъни ака-ука, қайнона-келин муносабатлари, миллий қадриятларнинг оиладаги кўриниши ҳақида ҳикоя қилинарди.

Бу туркум кўрсатувнинг ҳар сонидан бирор воқеа ҳақида батафсил ҳикоя қилиниб, ечим топилади ва бу айтилган пайтда кейинчалик яратилган телесериаллар учун замин яратди. Ёзувчи Ўлмас Умарбеков ўзининг «Қиёмат қарз» асарини шу кўрсатувдан илҳомланиб ёзган. Чунки кўрсатувнинг бир

сонида хиёнат ва оқибат тушунчалари ҳақида ҳикоя қилинган. Кейинчалик, 1990-йилларга келиб Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Домла», «Келинсалом» телесериаллари учун ҳам шу кўрсатув замин бўлган. Юқорида бадий жанрдаги «Истикбол эгалари» кўрсатувининг саҳифалари санаб ўтилганди. Ана шу кўрсатувдаги бадий саҳифа мустақил кўрсатув учун манба бўлди. 1965 йилнинг август ойида «Ғазалхон ёшлигим» кўрсатуви ана шу бадий саҳифа асосида тайёрланди. Ва бу кўрсатувнинг дастлабки сонларида иштирок этган Э.Воҳидов, А.Орипов, Г.Нуруллаева ўзининг биринчи шеърларини ана шу кўрсатув орқали томошабинларга ўқиб берганди. Бир сўз билан айтганда бу кўрсатув гўзаллик асири бўлган кўпгина ёшларга санъат ва адабиётга йўлланма берди.

«Ёшлик» студиясида асосан ёшлар ҳақида, уларнинг маънавияти, қувонч-ташвишлари, тарбияси, фаоллиги ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина кўрсатувлар тайёрланарди. Масалан, «Студентлик – олтин даврим», «Мардлик–мангулик», «Ёшлик оқшоми», «Ғазалхон ёшлигим», «Қасбим-фаҳрим», «Физкультура ва спорт», «Сенинг замондошинг» ва ҳ.к.

«Истикбол эгалари» кўрсатувининг тўртинчи саҳифаси «Сатира ва юмор» ҳам 1966 йилнинг март ойида катта кўрсатув сифатида ажралиб чиқди. Бу саҳифанинг алоҳида ажралиб чиқишидан мақсад илгари тележурналдаги кичик ҳикоялар, ҳажвияларни диктор ўзи ўқиб берарди. Бунда кулгили воқеалар, образлар, характерлар очилмай қоларди. Уларни инсценировка қилиб, актерлар ижросида бериш мақсадида алоҳида кўрсатув дунёга келди. Кўрсатувнинг турли хил мавзулари орасида сиқилиб қолган «Сатира ва юмор» саҳифаси ўзининг тор қобиғидан чиқиб, мустақил бадий жанрдаги кўрсатувга айланди. Анча изланишлардан сўнг, унга оригинал ном топилди ва янги кўрсатув «Телевизион миниатюралар театри», яъни бир ёки икки актёр театри кўрсатуви тайёрланди.

Бу кўрсатувнинг муваффақият қозонишига яна бир сабаб, унда намойиш қилинадиган воқеалар заҳарханда кулги остига олинади, нуқсонлар ҳажвий саҳна кўринишлари орқали намойиш этилади.

«Телевизион миниатюралар театри» ўз репертуарини, мавзуларини кундалик ҳаётдан олди. Шунинг учун у халқнинг дилига яқин эди. Бу мавзуларни халқнинг ўзи айтиб турарди. Миниатюралар театри турмушда учрайдиган салбий нуқсонлар, иллатлар - фиску фужур, порахўрлик, ичкиликбозлик, безорилик, кўзбўямачилик, мунофиқлик, ҳасадгўйлик каби иллатларга қарши сатира ёрдамида ўт очди. Кўрсатувларнинг шакли ва сони ортиб бораркан, шуни эътироф этиш керакки, телевидениенинг бадиият яратишдаги имкониятлари кенгайиб борди.

«Телевизион миниатюралар театри»нинг постановкалари аксарият ҳолларда эфирга «жонли» бериларди. Шу сабабли режиссёрлар учун «жонли эфир» катта қийинчиликлар туғдирдики, кези келганда телеинсценировканинг ғоявий ҳамда бадиий қимматига ўз таъсирини ўтказиб келди. Сабаби – телевидение павильонларида асар руҳига мос манзаралар кўрсатилиши лозим бўлган анжомлар қаторасига қурилиб, воқеа кечадиган сахналар олдинма-кейин намойиш этилиши керак. Баъзан «жонли эфир» чоғида техниканинг ишдан чиқиши, микрофоннинг қутилмаганда кадрга тушиб қолиши, гоҳида у кадр ўрнига бошқасининг эфирга кетиб қолиши, овознинг йўқ бўлиб қолиши каби машаққатли ижодий жараён кўрсатувнинг сифатига путур етказарди. Шунингдек камера билан мулоқотда бўлмаган ёш актёрлар учун тўлақонли образ яратиш анчагина мушкул эканлиги ҳам аён бўлди.

Давр ўтиши билан «Телевизион миниатюралар театри» туркумидаги кўрсатувларнинг диапазони кенгайиб борди. Унга асосан С.Аҳмад, А.Жамол, М.Худойқулов, Э.Мусаев, Э.Раимов каби ёзувчилар турли ҳажвий интермедиялар ёзди. Лекин баъзида эса томошабинга таъсир эта олмайдиган паст савияли интермедиялар ҳам учраб турди. Баъзи телевизион инсценировка, постановка ёки спектакллар эфирни тўлдириш учун зўрма-зўраки яратилишига сабаб - ёзувчиларнинг телевидение билан ҳамкорлигининг танқислигида эди.

«Ёшлик» студиясида «Романтика» телевизион театри ҳам ташкил этилди. Телевидениега кириб келган драматик ва эпик шаклдаги барча асарлар – театр драматургияси усулида тайёрланиб, деярли театр спектаклларининг телеэкранга мослаштирилган шакли бўлиб қолади. Театр асарлари телевидение экранига кўчирилганда йирик план билан монтаж театрдаги мезансахнанинг ўрнини босади, бунда томошабинни кўриш, идрок этиш шарт-шароитлари ўзгаради. Шунини ҳисобга олган ҳолда, актернинг ижрочилик шакллари ўзгаради, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади, воқеаларнинг табиий ҳолда, табиий муҳитда тасвирга олиниши шартлилик ва шартсизлик, ҳаётийлик билан сахनावийлик ўртасидаги нисбатни сифат жиҳатдан ўзгартириб юборади.

«Ёшлик» студиясининг «Романтика» телевизион театри, «Оталар сўзи ақлнинг кўзи», «Телеминиатюралар театри», «Бир актёр театри» мусиқали редакция томонидан тайёрланадиган мусиқали драмалар ўзбек телевизион театрларини ташкил этади.

Ўзбек телевизион театри 1968 йилда биринчи марта ўз спектакли билан Останкино студияси орқали «Интервидение»га (собик умумиттифоқ экранига) чиқди. Шу кунини драматург Х.Ҳ.Ниёзий қаламига мансуб «Паранжи сирлари» драмаси рус тилида намойиш қилинди. Гарчанд, телевизион спектакл учун танланган мавзунини ўша давр мафқураси талаб қилса-да, лекин бу драмани қардош халқлар билан бир қаторда чет эллик томошабинлар ҳам кўришга муваффақ бўлдилар.

1967 йилнинг апрель ойида адиб Ғ.Ғуломнинг машҳур «Шум бола» асарини телевидение режиссёри Г.Ёкубов телевидениеда сахналаштиради. Асар ўз миллийлиги ва самимийлиги билан дарҳол эътиборни тортди. Ундаги бош ролларни таниқли актёрлар В.Қодиров, М.Ҳамидовлар билан дебютант актёрлар Ҳ.Саъдиев ва Л.Саъдуллаевлар ижро этишди. 1970-йилларда эса С.Аҳмаднинг «Уфқ», М.Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», шунингдек қардош халқлар адабиётининг намуналаридан, Ч.Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи», И.Тургеневнинг «Баҳор тошқинлари», А.Мухторнинг «Опа-



сингиллар», Ш.Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» роман ва повестлари асосида телеспектакллар юзага келди. Бунда телевизион тил тўла ишга солиниб, эпик асар заминида мутлақо янги шаклдаги телеспектакллар яратилганини таъкидлаш жоиз.

1967 йилда адабий-драматик кўрсатувлар редакциясида режиссёр С.Аноркулов туркман ёзувчиси Ҳ.Диряевнинг «Қисмат» романи асосида яратган телестановкаси кўпчиликнинг ёдида қолган, десак муболаға бўлмас. Спектаклнинг экспозицияси романдагига нисбатан бир оз бошқачароқ. Чунки кўпгина асарлар йўқотиш ва кашфиётлар билан экранга кўчади. Пьесадаги воқеа Мурод ота оиласидан бошланади. «Қисмат» драмаси уч қисмдан иборат. Спектаклнинг биринчи қисми гўзал қиз Узукжамолнинг уйдан олиб қочилиши ва Бердимуродбойнинг укаси Омондурди билан мажбурий никоҳ ўқитиш саҳнаси билан тугайди. Сўнгги иккинчи ва учинчи қисмларида эса асарнинг асосий ғоясини ташкил этувчи зиддиятлар тўлиқ тасвирланади.

«Қисмат» романи асосида яратилган инсценировкани томошабинлар қизиқиш билан томоша қилдилар. Мелодрама жанри инсонпарварлик, муҳаббат каби туйғуларни ўзида мужассам этгани боис томошабин руҳиятига яқиндир. Асардаги воқеалар уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири 30 дақиқалик инсценировка шаклида телевидение орқали уч кун мобайнида намойиш этилган. Бу ўз навбатида телевидениеда кўп сериялик асарлар яратилиши учун асос ва имконият борлигини исботлади. Асардаги воқеаларнинг ҳаммасини телевидениенинг бир кунлик дастурида намойиш қилиш ҳам мумкин эди. Лекин томошабинларни телевизор дастурига эътиборини кўпроқ тортиш мақсадида, уни бир неча қисмда намойиш қилинган.

Ёзувчи А.Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи асосида тайёрланган телеспектаклни режиссёр ва сценарист Г.Ёқубов экранлаштирди. Мавзу жиҳатдан анча кенг бўлган бу романнинг сюжет линияси кўп қиррали бўлиб, улар бир неча ғоявий йўналишларни ўзида акс эттирди.

1966 йилнинг январида телевидение қошида бош муҳарририят сифатида «Телефильм» ташкил топди. Ўз фаолиятини 1966 йилнинг январида телевидение қошида бош муҳарририят сифатида бошлаган студия ўзининг дастлабки маҳсулотларини – телевизион фильмларни ишлаб чиқара бошлади. Ижодкорлар Ойбекнинг «Нур қидириб» асари асосида фильм яратдилар. Бу фильмнинг яратилишини Ўзбекистон телевизион бадиий фильм жанри учун солинган биринчи асос дейиш мумкин. Бу билан студия ижодкорлари ёзувчи Ойбекни ҳам ҳаётлигида тасвирга тушириб қолдиришга улгургандилар. Телеэкран талабидан келиб чиқиб, телевизион фильмлар яратила бошланди. Телеэкран шаклан кичик бўлгани учун асосан йирик планда ишлашни талаб қилади. Оператор йирик планда қахрамоннинг руҳий ҳолатини аниқроқ кўрсатади. Масалан, бадиий кинода катта оммавий сахналардан фойдаланилади, табиий шароитда, табиий муҳитда яратилса, телевизион фильм эса телевизион техник имкониятлардан фойдаланиб, тасвирга туширилади.

«Телефильм» студиясининг ишга тушиши кино санъатида янги тур - телевизион кино турининг пайдо бўлишига асос бўлди. Кейинчалик «Телефильм» муҳарририяти - «Ўзбектелефильм» студияси тараққиётининг дастлабки давриданок телевидениенинг моддий таъминотида бўлди. Бу студияда яратилган фильмлар икки экран, яъни телевидение ва кино санъатининг ҳосиласидир.

1956-йилдан 70-йилга қадар телевидение орқали намоёниш этилган ва юқорида таҳлил қилинган асарларда теледраматургия изланишларини кўриш мумкин. Теледраматург илгари сурган ғояни қайси жанрда талқин этиш режиссёрга боғлиқ. Чунки у баъзан асарнинг тағ қатламига сингдирилган фикрга урғу бериши баробарида асарнинг жанри ўзгариши мумкин. Воқеликнинг мураккаблиги ва кўп тармоқлилиги санъатнинг айрим турлари чегарасида ранг-баранг жанрлар туғилишининг объектив асосига айланади. Санъат предмети шунчалар мураккаб ва серқирра бўлганлиги сабабли, уни ўзлаштириш учун ўша мураккаб жиҳатларни тадқиқ қилишда махсус

шакллар ишлаб чиқаришга тўғри келади. Ҳаётини алоқалар ва ўзаро муносабатларнинг муайян тури ўзининг аниқ, мувофиқ бадиий инъикоси учун нисбатан барқарор бадиий шаклларни тақозо қиладики, тур ва жанрлар шунинг натижасида ҳам пайдо бўлади.

Телевидение ривожланиб, унинг ифода воситалари ва имкониятлари ортиб, шунингдек, бошқа санъат турларидан тажриба олиб унинг анъанавий жанрлари бойиди ва янги турлари ортиб борди. Телевизион жанрлар ўзига хос фарқларга эга.

Масалан, «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувини олсак. Телевизион ижодкорлар бу кўрсатувда репортажни ҳам, очерк жанрини ҳам ва лирик жанрларда тайёрланган сюжетларни бир-бирига телевизион монтаж йўли орқали боғлайдилар. Бир кўрсатувнинг ўзида томошабин ахборот олиши, бирор мавзу ёки киши ҳақидаги телеочерк билан танишиши, мусиқий оҳанглардан баҳраманд бўлиши мумкин, чунки телевидение санъати, унинг формаси, экран шуни талаб этади. Ана шу жанр қийинчиликлари телевидение олдида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Телевизион жанрлар журналистика ёки адабий жанрлардан ўзининг баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади. Телевизион жанрларнинг таснифини қуйидагича келтириш мумкин:

информацион телевизион жанрлар (информацион хабар, ҳисобот, хабар, кадрдаги монолог – бошловчи, интервью, репортаж);

тахлилий публицистик жанрлар (изоҳ, шарҳ, суҳбат, баҳс, ток-шоу, матбуот конференцияси, мухбирлар тизими);

бадиий-публицистика жанрлари (очерк, эссе, хажвий жанрлар);

Бадиий телевидениенинг жанрларини қуйидагича ажратиш мумкин:

хужжатли-бадиий жанрлар (ток шоу, телемусобақа, телеўйин, телевикторина)

бадиий жанрлар (телеспектакл, телеконцерт, телефильм, кўп серияли телевизион фильм).

Яна шуни эслатиб ўтиш лозимки, ҳар бир асарнинг мазмунини унинг жанр эътиборидан қатъий назар, маълум бир ғоя ташкил этади. Лекин шу

билан бирга биз унинг жанр хусусиятларини шу асарнинг мазмуни билан ўлчаймиз.

Биринчи гуруҳга телевидениенинг матбуот билан ўзаро яқинлигини асослайдиган ахборот-публицистик жанрни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам телевидениеда турғун, анъанавий жанрлар, корреспонденция, репортаж, очерк, портрет, интервью ва бошқалар муносиб ўрин эгаллаган.

Телевидение орқали энг кўп намоёниш этиладиган, ўз моҳияти билан телеочерк кўпроқ ҳужжатларга ва бадиий тасвир воситаларига: воқеаларнинг реаллиги, қаҳрамонларнинг айнан ўзи, монтаж, қиёслаш ва ўхшатишлар ёрдамида образ яратишга асосланади. Бу ерда жамоа ижодий меҳнатининг маҳсулини – режиссёр, оператор ва муаллиф маҳоратини асосий нарса – адабий асар, яъни сценарий белгилайди.

Бу жиҳатдан очерк кўпроқ иккинчи гуруҳга – ҳужжатли жанрга яқин туради. Бу ўринда анча афзалликлар бор. Чунки реал воқелик муаллиф учун фақат мақсад ёки объект бўлиб хизмат қилмайди, балки уни кенгроқ фонда ёритишга (фантазия)га имкон беради. Телеочерк ёзувчи воқеа ва ҳодисаларни, фактларни, кишилар ва уларнинг фаолияти, хулқ-атворидаги муҳим хусусиятларни танлаб олади, уларни айнан сақлаб қолади. Телеочерк ҳам газета очеркидаги каби турмушни типик образлар ва ҳодисалар орқали тасвирлаш ниҳоят даражада конкретлик ва фактларга асосланган аниқликни талаб этади. Учинчи гуруҳдаги телевизион жанрга кўпроқ бошқа санъат турларидаги баъзи бир кўринишларни ўзлаштирган бадиий телевидениега бадиий жанрдаги кўрсатувлар: мусиқий, адабий-драматик, кинокўрсатувлар, болалар учун тайёрланган композициялар, кинофильмларнинг репродуктив намоёниши ва телевизион драмалар киради.

Телевизион драманинг шакллари ҳар хил. Булардан бири театр спектакллариининг репродуктив намоёнишидир. Бундай шаклда сахна асарини яратувчи драматургнинг ғояси ўзгартирилмай жонли трансляция қилинади. Иккинчисига эса, бевосита телевидение учун мослаб яратилган телеспектакллар киради. Бундай шаклда бадиий ёки драматик асар экран

тилига, воқеа ва ҳаракат бир меъёра, ягона сюжет линиясида, композицияда давом этиши учун студия павильонига, бошқача қилиб айтганда бадиий тасвирга кўчирилади. Бу эса теледраматургияни вужудга келтиради.

Телевизион спектакл асосий композицион қурилишни, стилистик ва бошқа хусусиятларни асосан театр ва кинодан олди. Лекин воқеаларнинг мантиқан бир жойда, фақат студия павильонида ривожланиб бориши, тасвирий воситаларда кўпроқ йирик пландан (кўринишда) фойдаланиш ва бошқа томонлар театр ва кинога нисбатан телевидениега хосдир. Шунингдек, актёрнинг биринчи пландаги (йирик) кўриниши, мўъжаз хонадаги экранда, узилиши ва давомийлиги (кўп қисмли) бадиий телевидениенинг ўзига хос хусусиятларидир.

Телевидение ўзининг ифода воситаларини топиш ҳамда бадиий жанрларни ривожлантириш учун изланишлар олиб борди. Телевидение санъат турлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борди. Аксарият ҳолларда жанрлар телевидениеда соф кўринишда учрамади, трансформация ҳолатида бўлди. Телевизион драматургия ҳам телевидениенинг имконияти ва ўзига хос хусусиятлари асосида юзага келди.

Оммавий ахборот воситалари ичидан телевидениенинг дифференциал ҳолатга ўтиши янги бадиий маданиятнинг бир кўриниши - бадиий телевидениега асос солди. Унинг изланишларини телевизион бадиий фильм, телевизион драмалар ва телевизион бадиий кўрсатувлар мисолида кўриш мумкин бўлди. Масалан, номлари юқорида қайд этилган теледрамалар билан «Санъат олами» (муал. Ш.Ғаниева, реж. В.Райкова), «Рояль олдида суҳбатлар» (муал. Д.Зиёдова, реж. Н.Левина), «Театр учрашувлари» (муал. Э.Мусаев, реж. Х.Алиев), «Кино оламида» (муал. Х.Акбаров, реж. С.Рахимқулов), «Жаҳон кино юлдузлари» (муал. С.Хўжаева, реж. И.Фаттахов), «Фильмлар ва тақдирлар» (муал. Ж.Тешабоев, реж. Ж.Матмуродов) ва бошқа санъат турларига бағишланган кўрсатувларда бадиийлик элементлари мужассам. Кўрсатувда муаллиф ва бошловчи бевосита санъат ҳақида фикр юритаркан, режиссёр тилга олинган асарларни

ўрни келганда репродуктив тарзда намоиш этади. Муаллиф маҳорати, у яратган асарнинг томошабин эътиборини тортадиган жиҳатларини излаб топиб, унинг ижодий лабораториясига бошлади, томошабинни санъат намуналаридан баҳраманд этди. Кўрсатувда илгари сурилган ғояни телеоператор томошабинга нафосат билан етказиш учун телевизион ракурслар топди. Телевизион ифода воситаларидан ўринли фойдаланди. Биз юкорида номларини қайд қилган бадиий жанрга оид кўрсатувлар эволюцияси телевидение эстетикасининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, унинг ички имкониятлари бошқа санъат турларига хос ифода воситаларидан воз кечмаган ҳолда, ўзига қарашли техник имкониятларни тўлалигича ишга солиш билан белгиланди. Унинг мазмунига мос шакллар, айнан телевидениега хос воситаларнинг қўлланиши туфайли роман, қисса, драматик асар ва бошқа тур ҳамда жанрларнинг ривожланиши қонуний тус олди. Бадиий жанр эволюцияси жараёнидаги эътиборли жиҳат шуки, телевидение учун асар ёзадиган драматургларнинг теледраматургия бўйича тушунчаларида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Телевидениенинг илк даврдан бошлаб, то 1970-йилларгача кечган тарихи, изланиш, интилишлари, ўзига хосликлари, айти чоғда нуқсону камчиликлари билан бирга бу даврда кўрсатув, телетеатр, телефильм намуналарини яратиш имкони пайдо бўлди. Айти чоғда ижтимоий воқеликда мавжуд мафкуравий тазйиқлар телекўрсатувларга таъсирини ўтказди. Натижада мафкурага мослашиш тенденцияси авж олди. 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошларига келиб телевидение кучли мафкуравий қуролига айланди. Лекин шунга қарамай, телевизион ижодкорлар яратилган бадиий жанрдаги асарларга бадиийлик унсурларини сингдириш учун имкониятлар топдилар. Бу имконият телевидениеда телевизион актёрлик кашфиётларининг пайдо бўлиши ҳамда истеъдодли ҳамфикр, ҳаммаслак санъаткорлар бир пайтда жам бўлишлари ҳосиласидир.

Лекин ҳар бир жанр ўзининг услуги, воқеликни ўзига хос тарзда кўрсатиш билан ажралиб туради. Телевизион бадиий жанрлар ўз бирлиги

жиҳатидан ўзига хос бўлмаган бошқа жанр элементларидан фойдаланиши мумкин. Телевидение кўп жанрли санъат тури, у ўзининг янгидан янги шакллари изламоқда, шу билан биргаликда унинг кўрсатув шакли, услуби ва методи ҳам шуни талаб этади.

Биргина «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» туркумидан бериладиган кўрсатувнинг ўзидаёқ уч жанр мужассам. Булар: суҳбат, интервью ва драма жанридир. Лекин шунга қарамай бу жанрлар бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдириб боради, кўрсатув сифатини, шаклини ўзгартиради, савиясини кўтаради.

Шунингдек, теледраматургия ва телевизион жанр ўзининг тарихий тараққиёт босқичини ўтади. Бадиий телевидениенинг мустақил маҳсулоти бўлмиш телевидение тарихига заҳира бўлиб кирган бадиий жанрдаги «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи», «Телевизион миниатюралар театри» каби кўрсатувлар юзага келди. Зеро, бу даврда телевизион бадиий ижодда сифат жиҳатидан ўзгариши, изланиш ва тажрибалари кўзга ташланиши билан эътиборлидир.

## **Ўзбекистон бадиий телевидениесида услуб ва изланишлар**

1973 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувлари рангли тасвирда берилди бошлади. Бу жараён кўрсатувларнинг янада сержило бўлишини таъминлади. Ўзбекистонда рангли телевидение ишга тушгач, ранг-тасвир ўз жилоси орқали байрам кайфиятини бериб, туйғуларга қаттиқ таъсир ўтказишга қодир эканлиги аниқланди. Ранглар товланишига қараб томошабинлар аянчли турмушни ҳам унутиши мумкин. Рангли телевидение туйғули кўрсатувларнинг бадиий эмоционаллик кучи ортди.

1970 йилларда телетомошабинлар эътиборини телеэкранга жалб қилиш мақсадида телевидениедаги изланишлар кучайиб кетди, бадиий жанрдаги кўрсатувларнинг мавзу доираси кенгайди, изланишларнинг натижаси бўлмиш янги кўрсатувлар пайдо бўлди. «Она мадҳияси» (муал.А.Хайдаров),

«Сихат-саломатлик» (муал.С.Обидов) билан бир қаторда туркум кўрсатувлар ҳам тобора томошабинларнинг эътиборини торта бошлади. Туркум кўрсатувлар томошабинга маълум мавзу ҳақида кўпроқ ва чуқурроқ маълумот берди.

Собиқ Марказий телевидение «КВН», /«Қувноқлар ва зукколар клуби»/ кўрсатувини кашф этди. Бу кўрсатув қувноқлар ва зукколар баҳси бўлиб, унда талабалар топқирлиги, қувноқ ва хушчакчақлигини намойиш этарди. Кўнгилочар дастур қаторида бўлган кўрсатув публицистика, кўшиқ, шеър ва рақс санъатларини ўз ичига оларди. Уни ижро этиш услублари эстрада, театр, кино санъатларига тақлид йўли билан белгиланарди. 1976 йилда Ўзбекистон телевидениесида ҳам «Қувноқлар ва зукколар» кўрсатуви пайдо бўлди. Кўрсатувда қўйилган шартлар, белгиланган вазифалар, топишмоқлар ниҳоятда саёз, жўн ва ҳатто бачканалиги туфайли тезда телеэкрандан тушиб кетди. Чунки ижодий изланишлар ҳамиша ҳам муваффақият келтирмайди. Тақлид, қиёслаш кинода ҳам мавжуд бўлиб, агар ундаги бадиий савия даражаси аввалгисига ўхшаш ёки юқори бўлса – бу муваффақият келтиради. Ўзбек телевизион театри маҳсулотларининг турли шакллари намоеън бўла бошлади. Икки улкан жанрнинг уйғунлашуви натижасида бадиий жанрнинг янги изланишлари кучайди.

Ўзбекистон бадиий телевидениесида унинг изланиш намуналари кўрина бошлади. 1970-йилларга келиб, адабиёт, санъат, хусусан, кино, театр ҳамда телевидениеда европалашиш тенденцияси сезила бошлади. Бунинг маҳсулини биз телевидение орқали яратилган эпик шаклдаги асарлар Л.Толстойнинг «Рус характери» (1972й. реж. Х.Алиев), Г.Куприннинг «Ёқут кўзлик билакузук» (1973й. реж.Т.Ҳамидов) асарлари мисолида кўрамыз.

Адабий асарларнинг телетеатрга кириб келишининг сабаби, биринчидан, маълум саналар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан адабий асарнинг жамоатчилик орасида эътибор қозона бошлаганидан, деб изоҳлаш мумкин. Бу йилларда телетеатр учун характерли нарса шуки, адабий асарларни ўзлаштиришда унинг бадиий қимматини йўқотмасликка ҳаракат



қилиниши ҳал қилувчи элемент бўлди. 1968 йилда Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» (реж.М.Махкамов) ва 1982 йилда Ў.Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» (реж. М.Мирзааҳмедов) асарлари асосида телеспектакллар юзага келди.

1978 йилда Р.Файзийнинг (реж. М.Махкамов) «Ҳазрати инсон» романига мурожаат этиб, кўп серияли телевизион спектакл яратди. Бу телеспектакл батафсил баён шаклида намоиш этилиб, муаллифлар асосий қаҳрамонларнинг фаолиятини кенг ёритганлар. Натижада психологик коллизияларга кириб бориш имконияти яратилди.

О.Ёқубовнинг «Диёнат» (1979й.), «Улуғбек хазинаси» (1980й.) ҳамда Ў.Усмоновнинг «Гирдоб» (1980й.) романлари асосида яратилган телестановкалар ҳам ички коллизияларга кириб бориш имкониятини яратди. Бу телестановкалар кўпсерияли бўлиб, телевидениенинг олтин хазинасидан жой олган.

Улуғбек образи кино экрани ҳамда театр сахнасида яратилганди. Телевидениеда ҳам бу тарихий образни гавдалантириш борасида изланишлар олиб борилди. М.Юнусов режиссурасига мансуб бу асарлар кўп йиллар ичида орттирилган тажрибалар маҳсулидир. Режиссёр М.Юнусов «Улуғбек хазинаси» телеспектаклида тарихий қаҳрамонларни тиклабгина қолмай, танлаган жанрига синчковлик билан ёндошиб, асар моҳиятини замон руҳига мослаштиришга ҳаракат қилган. Телевидениенинг ифода воситаларини тўла ишга солган ҳолда Улуғбек фожеасини тасвирлашга уринган.

Ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романини телеспектакл шаклига кўчирар экан, унда тарихий руҳ нақадар кучли эканлигини, муҳим даврий муаммолар бадиий талқин этилганлигини исботлайди. (муал. А.Шораҳмедов, Х.Нўъмон) «Ота», (муал. Ж.Шарипов) «Хоразм» сингари тарихий, инқилобий ва автобиографик романларни муваффақиятли экранлаштирган Мақсуд Юнусов мазкур асарни ҳам, тарихий давр ҳақиқатининг моҳиятини ҳам чуқур тушунади.

Буни телеспектаклдаги қаҳрамонлар сиймосида аниқ кўрамыз.

Бироқ образ замиридаги жуда яхши белгиланган бу муҳим фикр, тасвирланган амалий ҳатти-ҳаракатлар холисона кўрсатилганда образнинг хиссий қиммати янада ошарди.

Актёр П.Саидқосимов Абдуллатиф образидаги мураккаб ижтимоий психологик жараёни очиқ беришга ҳаракат қилган. Уни қилмишларининг интиқоми ҳамиша ҳамма ерда таъқиб этади. Артистнинг маҳорати шундаки, у руҳий кечинмаларини виждон азоби сифатида эмас, балки, тахтдан жудо бўлиб қолиш васвасаси, ўлимдан қўрқиш ваҳимаси сифатида талқин этади. Албатта, беш қисмдан иборат бу телеспектаклда маҳорат билан тасвирланган Ургут тоғи манзараси, Уста Темир истиқомат қиладиган ғордаги воқеалар кинолентасида тасвирланган эпизодларнинг натурал ифодаси спектакл бадиийлигини оширади. Лекин бу ҳол қўшимча ижодий меҳнат ва айрим моддий масалаларга боғлиқ.

Сценарий муаллифининг маҳорати шундаки, беш қисмдан иборат телеспектаклнинг ҳар бир қисми композицион жиҳатдан пухта ишланган. Шу билан бирга қисмларнинг ҳаяжонли деталлар, қизиқиш уйғотувчи давомли эпизодлар орқали пухта боғланиши томошабинларда яхши ғоявий эстетик туйғу пайдо қилади. Телеспектаклда ўринли қўлланилган қўшалок сахналар бундай таассуротни оширади. Улуғбекнинг зиндонда ётган Али Қушчи тасавурида пайдо бўлиши шогирдига сабот, матонат, ирода бағишлайди.

«Улуғбек хазинаси» телеспектакли ўзбек телесанъатининг камолотидан дарак берувчи катта тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга тарихий мавзудаги замонавий асардир. Албатта, тарихий шахсларнинг бадиий образини яратиш масъулиятли ва айни пайтда мураккаб ишдир. Чунки тарихий маълумотларни қайта ҳикоя қилиш ва сахналаштириш билан иш битмайди, томошабинга бунинг кераги йўқ. Ижодкор тарихни ўз тафаккури орқали ўтказиб, яхлит шароит, муҳит ичида, ягона ғоя асосида ривожланадиган драматик сюжет шаклидаги, жонли ҳиссиётлар, кечинмаларга бой қаҳрамонни ҳосил қилгандагина адабий асардан

телевизион бадиий асар юзага келиши мумкинлигини режиссёр М.Юнусов телевидение шароитида исботлади.

1982 йилда Б.Бойқобиловнинг «Кун ва тун» қиссаси асосида режиссёр (реж. М.Юнусов) икки қисмли телевизион асарни яратди. Телеспектаклнинг биринчи қисмида Бобурнинг Самарқанддан чиқиб кетиши, Қобул аркидаги кечинмалари ҳикоя қилинса, иккинчи қисмида Аграда бўлган воқеалар, саргузаштлар намойиш этилади. Бобур ролини артист Р.Авазов ижро этган. Эътиборли жиҳати шуки, Бобурни биринчи марта телеэкранда кўрдик. Бу айнан бадиий телевидениенинг ютуғидир. Актёрлар яхлит ансамблни ташкил этиб, уни ифода ва ишоралари, муомала муносабатлари билан Бобур дунёсини кўрсатишга уринадилар. Эпизодик ролларни ижро этган Р.Иброҳимова (ҳинд аёли), Г.Саъдуллаева (Маъсума), Т.Хонтўраев (Сингх) ва бошқа актёрларнинг ҳам хизмати бор.

1986 йилда режиссёр М.Юнусов ёзувчи О.Ёқубовнинг «Диёнат» романи асосида яратилган видеофильмдаги замондош образини таҳлил этишга чуқур маънавият билан ёндошган. Режиссёр инсон учун энг зарур бўлган виждон, инсоф, иймон, диёнат негизига путур етишига қарши турар экан, бу курашни ғоявий пойдевор қилиб олади ва шу асосда персонажларни тараф-тарафга ажратиб, ўз хулосасини чиқаради.

Роман бир кишининг ижоди, адибнинг ютуғи бўлса, фильм катта ижодий жамоанинг маҳсулидир. «Диёнат» видеофильмида элликка яқин артист, оператор, рассом, гримчи, режиссёр ёрдамчилари иштирок этишган. Режиссёр М.Юнусов сўз санъати билан телевидение санъати орасидаги муштараклик ва тафовутни назорат қилиб ҳис этидиган, бадиий, ҳаттоки кичик персонажлар замирида ётган эстетик маъно - концепция тағига чуқур етадиган синчков санъаткор. У телевидениеда бадиий асарларни экран мулкига айлантиришда режиссёрликни санъат даражасига кўтарган фидойилардан.

Беш қисмдан иборат «Диёнат» видеофильми катта ижодий жамоанинг жиддий ютуғи бўлиб, Ўзбекистон телевидениесининг йирик романларни

экранлаштириш йўлидаги муваффақиятли дадил қадамларининг давомидир. Адабиёт билан бадий телевидение ўртасидаги риштани мустаҳкамлашга, теледраматургиянинг ривожига ҳисса қўшади. Телевидениеда йирик романларни экранлаштириш анъанаси мавжуд бўлди, масалан, режиссёр Х.Алиев ёзувчи Н.Думбадзенинг «Абадият конуни», режиссёр М.Юнусов ёзувчи Ойбекнинг «Навоий», режиссёр М.Маҳкамов Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романлари асосида видеофильмлар яратдилар.

Тўрт қисмли «Гирдоб» видеофильмининг муваффақиятини таъминлаган омиллар биринчидан, романнинг кучлилиги, бақувват ва пишиқлиги, иккинчидан, сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр М.Юнусовнинг юқори профессионал маҳоратидир.

Ёзувчи Ў.Усмоновнинг «Гирдоб» видеофильми муаллифлари асар руҳини мумкин қадар тўлиқ беришга, унинг драматизмини бешикаст етказишга, кучли, эса қоларли характерларни мураккаб коллизиялар, нозик тўқнашувлар асосида очишга, томошабинни видеофильм охиригача қизиқтириб, диққатини экранга қадаб туришга муваффақ бўлишган. Тажрибали режиссёр М.Юнусов романнинг экран вариантыни яратишда асарга ижодий ёндошган, муаллиф Ў.Усмонов билан маслаҳатлашиб иш тутган. Салтанат, Муҳиддин Жабборович образларини янги талқин этган, асар мазмунига путур етмаган ҳолда янги воқеалар киритган. Айнан телевизион драматургия намуналарининг телеэкрандаги намоёиши муваффақиятли тарзда кетаётган пайтда «Гирдоб» видеофильми уларнинг давоми сифатида телевидение орқали намоёиш этилди.

70-йилларнинг охири, 80-йилларнинг бошида Ўзбекистон бадий телевидениесида янги жанрдаги услубий изланишлар ҳамда кино, театр ва телевидениенинг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули сифатида «Ўзбектелефильм» студиясида «Тўмарис» фильм-балети тасвирга туширилди.

Ўзбекистонда фильм-балет жанрида таниқли кинорежиссёр Л.Файзиев («Жонланган миниатюралар», «Дилором») ижод қилган. Лекин телевидениеда биринчи бор бу ишга кинорежиссёр Н.Маҳмудов қўл урди.

Телевидениеда телевизион балет жанрининг пайдо бўлишини балетмейстернинг номи билан эмас, балки телевизион драматик режиссёр номи билан боғлаш мумкин. Режиссёр Н.Махмудовгача бу жанрда ҳеч ким ижод қилмаган, деб айтолмаймиз. Чунки, балет спектаклидан парчалар тасвирга туширилган. Лекин тўлақонли телевизион фильм-балет яратилмаган.

1986 йилда «Ўзбектелефильм» студиясида яратилган «Тўмарис» бадий фильм-балети ўтмишда босқинчиларга қарши курашган сак қабилалари ва уларнинг сардори Тўмариснинг жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

«Тўмарис» фильм-балетини экранлаштирувчи ижодкорлар балет санъатини ҳамда телевизион ифода воситаларини ўринли уйғунлаштириш, чоғиштириш (рапид, монтаж, оҳиста ҳаракати, мураккаб сьемкалар)дан ўринли фойдаланганлар.

Шу жиҳатдан ҳам «Тўмарис» бадий фильм-балети Ўзбекистон телевидениеси фаолиятида янги жанрнинг юзага келишига солинган асос дейиш ўринлидир. Афсуски, шу кунга қадар ижодкорлар телевизион фильм-балет жанрига қайта мурожаат этмадилар. Шу маънода «Тўмарис» телевизион фильм-балети Ўзбекистон бадий телевидениесидаги ягоналигича қолмоқда.

Адабиёт ва кино санъати орасида турувчи видеофильм сценарийсида драма жанри билан киносценарийларнинг энг яхши хусусиятлари уйғунлашиб, теледраматургиянинг ривожини учун уллуғ қўшди. Режиссёр М.Юнусов бу соҳада етарли тажриба тўплаган. У 5 қисмдан иборат «Улуғбек хазинаси» (О.Ёқубов), 2 қисмли «Вафодор» (В.Ғофуров), 1 қисмли «Палаткада ёзилган шеър» (Э.Воҳидов), 2 қисмли «Тун ва кун» (Б.Бойқобилов), 4 қисмли «Гирдоб» (Ў.Усмонов) асарларини телеспектакл ва видеофильм қилиш жараёнида, уни экранлаштириш борасида талай изланишлар олиб борган ва телевизион ифода воситаларидан ўринли фойдаланган, телевизион услуб ва жанрларни ривожлантириш борасидаги изланишларга ҳисса қўшган.

### **3 бўлим: Санъат мавзуини ёритадиган телевизион кўрсатувлар: изланишлар ва маҳорат муаммолари**

Ўзида журналистика, фан, санъат, илмий-техник тафаккур, иқтисодиётнинг энг илғор ютуқларини бирлаштирган телевидение йигирманчи асрнинг энг мураккаб ходисаларидан биридир. Телевидение бошқа оммавий ахборот воситалари орасида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг энг кучли механизмига эга бўлган ҳолда омманинг қарашлари, ижтимоий, маданий ва маънавий йўналишларини шакллантиради. Мана шу нуқтаи назардан телевидениенинг аҳамияти бекиёсдир.

Юксак маънавий анъаналар асосида соғлом жамиятни шакллантириш, уйғун камол топган шахсни тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан қўйилган асосий вазифалардан биридир. XXI асрда замонавий маданият муаммолари ҳамда ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш масалалари Ўзбекистоннинг маданий ва иқтисодий ҳамжамиятга фаол интеграциялашуви муносабати билан янги маъно ва мазмун касб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда маънавий масалаларга катта эътибор берилаётган бир пайтда, телевидениенинг коммуникатив имкониятларини ўрганишнинг долзарблиги аён бўлмоқда.

Телевидение жамиятнинг маънавий ҳаётида юз бераётган воқеаларни акс эттиришга даъват этилган. Шу сабабли маданий жараёнларни муқобил акс эттириш муаммоси бадий-ахборот кўрсатувлари учун асосий ўринда туради.

Шунингдек, телевидение омманинг эстетик эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, аҳолининг маданий эҳтиёжларига хизмат қилиш вазифаси турибди. Телевидение каналлари орқали шахснинг маънавий оламига таъсир кўрсатиб ахлоқий мукамал, маънавий бой шахсни камол топтиришга йўналтирилади.

Замонавий телеэкранда санъатнинг барча турлари ва жанрлари намоён бўлади. Телевидение ҳам санъат асарларини, бадий фильмлар, концертлар,

театр спектаклларини трансляция қилувчи, замонавий ва анъанавий маданият кадриятлари ҳақидаги кўрсатувлар, тайёрловчи шунингдек спектакллар, бадиий ва хужжатли телефильмлар яратувчи восита сифатида иш кўради. Трансляция қилинадиган ҳамда телевидениенинг саъй-ҳаракатлари билан яратиладиган артефактлар жам бўлган ҳолда кўрсатувларнинг умумий дастурида маданий-бадиий йўналишдаги кўрсатувлар ажралиб туради.

Телевизион кўрсатув, муаллифнинг фикрича, телевидениенинг базавий қисмини ташкил этади. Санъат ҳақидаги маданий-бадиий кўрсатувларнинг театр санъатининг табиатини органик сингдириб олган телеспектаклдан, кинематографияга яқин телефильмдан ва бошқа ҳар хил телетрансляциялардан фарқи телевидениенинг хусусий маҳсулоти эканлигидадир. Телекўрсатувларнинг базис бирлиги сифатида, санъат тўғрисидаги кўрсатувнинг расмий-мазмуний элементларини таҳлил қилишни назарда тутадиган таъриф бўйича умуман телевидениенинг ижодий, интеллектуал ва профессионал даражасини баҳолашда муҳим ва етарлича ишончли мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Телевидениенинг икки томонлама табиатини –биринчидан, оммавий ахборот ва тарғибот воситаси, иккинчи томондан санъат тури эканлигини ҳисобга олган методологик принципни қўллаш шарти билан амалга ошириш мумкин.

Кўпчилик телетомошабинлар учун телевидение нафақат ахборотнинг бош манбаи, балки таълим, санъат, сиёсат, фан дунёсига, яъни табиат ва жамият оламига чинакам «дарича» ҳисобланади. Телевидение одамларни ҳар хил қитъаларда яшайдиган турли халқларнинг ҳаёти ва маданияти билан таништиради; у жуда кўплаб одамларни жаҳон санъатининг дурдоналарига ошно қилади.

Бироқ телевидениенинг салбий томонлари ҳам бор: замонавий инсон аста-секин китоб ўқишдан чиқиб, оммавий маданиятни афзал билади; телевидение санъат асарларини пассив идрок этишга ўргатади, эстетик кадриятлар мезонини тенглаштиради.

Инсон онги табиат ва жамиятнинг олий ижоди сифатида жуда нозик ва бўш нарса. Уни эҳтиёт қилиш зарур. Бунда бир вақтнинг ўзида тараққиётнинг буюк ютуғини намоён қиладиган кўплаб хавфларни ҳам туғдирадиган телевидение сингари кудратли таъсир воситасидан фойдаланишни назарда тутиш зарур. Техник тараққиёт йўлдош ва кабель алоқа воситаларининг ёйилиши муносабати билан Ўзбекистон телевидениеси бугунги кунда жаҳон коммуникация жараёнининг бир қисмига айланди. Замонавий телевидение билан боғлиқ муаммоларнинг кўпчилиги қисми эндиликда бизнинг ҳам муаммоларимиз ҳисобланади, жамият маданиятини шакллантириш жараёнида эса телевидение ўзида ифодаладиган ютуқлар ҳам, таҳдидлар ҳам биз учун тенг даражада долзарбдир.

Ушбу хавфларнинг кучсизланиши ва олдини олиш ҳамда маданиятнинг тижоратлашуви босими остида ёт кадриятлар экспанцияси, маданий глобаллашув жараёнларининг кучайиши кўп жиҳатдан телевидениенинг ўзига боғлиқ. Миллий маданият ушбу саволларга жавобини изламоқда. Телевидениенинг жамият маданий ва маънавий асослари шаклланишига ижобий таъсирини кучайтириш ушбу жавобларга боғлиқ.

Шу сабабли маданий-ахборот кўрсатувлари асосланадиган асосий ғоявий-бадий принципларни аниқлаб олиш, маданият ва санъат тўғрисидаги кўрсатувларда телевизион ижодкорликнинг замонавий мезонларини белгилаш жуда муҳимдир.

Демократик эътиқодларга асосланган мустақиллик мафкурасини шакллантириш Ўзбекистоннинг маданий-ахборот макони тобора очиқлиги жараёни билан бирга кечмоқда. Бу телевидениемиз олдида турган вазифаларни асло соддалаштирмайди. Телевидениенинг коммуникация имкониятларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида янги телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш телетомошабинларнинг манфаатларини табақалаштиришга ёрдам беради. Телетомошабинларда бугунги кунда исталган дақиқада бошқа каналга ўтиш мумкин бўлган манфаатлар бўйича танлашнинг кенг имкониятлари мавжуд.



Телевидениенинг жамиятга маданий таъсирини реал баҳолашда эфирга узатилаётган кўрсатувларнинг ижодий ва профессионал даражасини белгилайдиган аниқ мазмуний-расмий мезонларгина яқинлаштириши мумкин. У ёки бу кўрсатув ушбу мезонларга қанчалик аниқ мувофиқ бўлса, унинг телетомошабинларга таъсир кўрсатиш эҳтимоли шунча кўп бўлади.

Ижодий тележараён мезонлари шакллантирилишини уни ўрганиш жараёнида кузатиш мумкин. Маданият канали сифатида телевидениени илмий ўрганиш ўтган асрнинг 50-60-йилларида бошланди. У билан дастлаб театр соҳасидаги мутахассислар қизикди.

Сўнгра, телевидениенинг кўп функциялилиги ва технологик ютуқларга мойиллиги эътироф этилгандан кейин «кино ва телевидение» сўз бирикмалари одатдаги сўзларга айланди.

Шу ўринда М.С.Кагоннинг «Томоша санъатлари оиласи: кино, телевидение, театр»<sup>1</sup> мақоласига ҳавола қиламиз. Мақолада таниқли файласуф телевидение кинематографиянинг ўзига хослиги сифатида театр санъатининг қонунлари ва ифода воситаларидан ўша даражада фойдаланаётганлигини ишончли равишда исбот қилди.

Ниҳоят, XX-XXI асрлар чегарасида телевидениени оммавий ахборот коммуникацияларига тегишли деб ҳисоблаш тенденциясининг мустаҳкамланаётганлиги аниқ кузатилмоқда. Агар санъатда асарнинг эмоционал ва рационал жиҳатлари бир хилда муҳим бўлса (баъан улардан биринчиси иккинчисидан устунлик қилади) ва ахборот билан боғлиқ жиҳатга унчалик урғу берилмаса, танқид, санъат ҳақидаги билимларда, маданият тўғрисидаги кўрсатувларда ижоднинг ушбу ипостаси бир-бирига нисбатан кўшилиб кетади, ўрин алмаштиради. Бунда, интеллектуал, таҳлилий асос муҳимроқ, ахборотга бойлик кейинги ўринда туради.

Кўрсатувнинг боришини зарур интеллектуал ва ҳиссий оқимга йўналтириш, мавжуд ахборот оқимини эркин бошқариш фақат телеэкрандаги шахснинг қўлидан келади.

---

<sup>1</sup> М.С.Кагоннинг «Системный подход и гуманитарное знание» китобида эълон қилинган. – Л., 1991 г. стр. 307-317.

Интеллектуал асос санъат тўғрисидаги телевизион кўрсатувларнинг асосий мезонларидан бири экан, у ҳолда яна бир кам аҳамиятга бўлмаган мезон – телеэкранда қандай мақомда – бошловчи ёки эксперт, кўрсатувнинг «эгаси» ёки унинг «меҳмони» мақомида ҳозир бўлишидан қатъи назар шахс ҳозир бўлишидир.

Фақат профессионал етук, ўз соҳасини биладиган бошловчи (одатда, у кўрсатув муаллифи ҳам бўлади) замонавий санъат муаммолари ҳақида жиддий мулоқот олиб бориш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Акс ҳолда касб билимига ва фуқаровий етукликка эга бўлмаган бошловчининг ҳеч вақога арзимаслигини тезликда фош қилиб қўяди.

Яна бир мезон кўрсатув шакли муаммосига, унинг аудиовизуал эстетикасига тегишлидир. Маданият тўғрисидаги кўрсатувлар бошқа мавзудаги блоклар кўрсатувларидан улар томоша санъатлари – театр ва кинонинг ифодавий воситаларидан фойдаланишга таққослаб бўлмадиган тарзда кўпроқ даражада асосланганлиги билан ажралиб туради. Кўрсатув муҳити, унинг интонацияси, ўз драматургияси, темпоритм, жонли ва хроникал кадрлар монтажи, фотоматериаллар ва бадиий иллюстрациялар, мусиқали безак, студия интерьерни дизайни, мизансаҳналаштириш - телевизион санъат элементларидадир. Улар маънавий муомала муҳитини яратишга хизмат қилади.

На босма санъатшунослик танқидида, на журналистикада бунчалик бевосита шаклда мумкин бўлмаган тўғридан-тўғри маънавий муомала фақат телевизион кўрсатувнинг ўзига хос белгисидир. Шу сабабли «маънавий муомала вазияти» тушунчаси, бизнинг фикримизча, ўзида, бир томондан, публицистика параметрларини, иккинчи томондан, эстетик параметрларини бирга қўшиб олиб борадиган маданият тўғрисидаги кўрсатувларнинг мазмуни ва шаклини тушунишда асосий ўринда туради.

Телевидениенинг ахборот бериш, кўнгилочарлик, таълим, маърифий функциялари орасида мутахассислар кўнгилочарликни биринчи ўринга қўядилар. Кўнгилочарлик телевидение шуғулланиши керак бўлган асосий

функция бўлганлиги учун эмас - томошабинларнинг ҳар хил тоифалари бор ва кўплар учун ахборот ва таҳлил, сиёсат ва маданият муҳим. Бироқ телевидениенинг кўнгилочар функцияси етакчи роль ўйнаши шубҳасиздир – бунга асосий истеъмолчилар оммаси, шу жумладан ёшларнинг талаби катта, у телевидениени молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Бироқ бизнинг ҳолатимизда «кўнгилочарлик» тушунчасига бирмунча кенгроқ ва, айтиш мумкин, оддий ва тушунарли мазмунни юклаймиз – исталган каналдаги ҳар қандай кўрсатув томошабинга қизиқарли ва мароқли тарзда тақдим этилиши керак. Қадимгиларнинг драматик санъат ҳақидаги «қизиқтириб ўрганиш» деган формуласи телевидениега тўлиқ даражада тегишлидир. Янада аниқроқ қилиб айтиш мумкин – томошабинни қизиқтиришга, унинг тасаввурини уйғотишга, қизиқувчанлигини оширишга қодир бўлмаган зерикарли «санъат» сингари зерикарли кўрсатувнинг ҳам умуман маъноси бўлмайди.

## **Мустақиллик йилларида Ўзбекистон телевидениесига маданий-бадий кўрсатувлар**

Мустақиллик йилларида телевидение ривожланишида икки давр аён кўзга ташланади. Биринчи давр 1991 йилдан 1996 йилгача давом этди. Бу даврда маънавий соҳадаги янгиланишлар телевизион эфирларда бугунги кунгача шаклланган кўрсатувлар сеткаси доирасида акс этди. Мамлакат ҳудудини бир кеча-кундузда 9 соат кўрсатув дастурларини узатадиган биринчи давлат канали вужудга келди. Телеэфирнинг анча қисми бадий фильмлар, театр спектакллари, ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, телефильмлар ва телеспектакллар намойиш қилиш учун ажратилди. Маданият ва бадий ижод соҳасида телевидение асосан санъат асарлари намойишини трансляция қилиш билан шуғуллана бошлади. Санъат арбоблари қатнашган кўрсатувлар эфирга берилди, санъат намояндалари ҳақидаги телевизион портретлар яратилди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида телевидение табиий равишда янги расмий, ижтимоий,

сиёсий, иқтисодий ахборот босими остига тушиб қолди. Кўрсатувлар сеткаси тубдан янгиланмади, чекланган вақт доиралари билан боғлиқ вазият ўзгармасдан қолди.

Иккинчи давр 1996 йилдан бошланди. Бу даврга келиб миллий телевидение кўрсатувларига эътибор кучайди, «Ёшлар» телеканали ташкил этилди, «Маънавият» тахририяти тузилди, бевосита ахборот-бадидий кўрсатувлар тахририяти томонидан яратиладиган маданият ва санъат ҳақидаги янги рукнлар, кўрсатувлар туркуми бирмунча кўпайди. Эфирга чиқиш вақти ҳам ўзгарди – эндиликда маданият ва санъат ҳақидаги кўрсатувлар энг яхши кулай вақтда берилди бошланди.

90-йиллар ўрталарига келиб Ўзбекистон телевидениесига таркибий ўзгаришлар даври сифатида кўзга ташланди. Россия телевидениеси кўрсатувлари аста-секин қисқариб борди ва сўнгра бутунлай тўхтатилди. Россия телевидениеси дастурларини кўрмоқчи бўлганлар кабель ва йўлдош телевидениенинг жадал ривожланаётган тармоғидан фойдалана бошлади.

Айни вақтда Ўзбекистон телевидениесининг асосий каналларида кўрсатувларнинг умумий ҳажми ўсиб борди. Кўрсатувларнинг кўпчилик қисми икки асосий телеканал – «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеканалларига тўғри келади. Бу каналлар тегишли равишда бир кунда 18 ва 16 соат давомида ишлай бошлади. Маънавий мерос ва замонавий маданият ҳақидаги кўрсатувлар ҳажми ҳам ўсиб борди. Бу кўрсатувларни тайёрлаш «Маънавият» бош тахририятининг устувор вазифасига айланди.

1997 йилда «Маънавият» бош тахририятининг ташкил этилиши маърифий-таълим жараёнига йўналтирилган «Маънавият ва маърифат» давлат дастурини амалга оширишда телевидение кўшган муносиб ҳисса бўлди. Ушбу тахририятнинг саъй-ҳаракатлари билан кейинги йилларда асосий давлат телеканалларида маданият ва санъат ҳақидаги аксарият кўрсатувлар тайёрланди.

Ушбу тахририятнинг фаолиятида икки асосий йўналиш аниқ намоён бўлди. Биринчи йўналиш – замонавий санъат тўғрисидаги ахборот-таҳлил

кўрсатувларини шакллантириш. Иккинчи йўналиш – маънавий мерос, ўтмишдаги тарихий сиймолар, анъанавий бадий маданият ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш.

«Маънавият» таҳририятида ушбу йўналишларнинг яхлитлиги ўзбек маданияти ривожланишининг ўзига хослигини акс эттиради. Бу ўзига хослик тектоник ижтимоий-сиёсий силжишлар даврида теран маданий-тарихий илдизларга мурожаат қилиш асосий омил бўлди. Мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, замонавий ижодкорлар билан бирга йирик тарихий шахслар маънавий меросидан, анъанавий санъатидан фойдаланиш устунлик қилди.

Шундай қилиб, 1997 – 2005 йиллар даврида маданият ва санъат билан боғлиқ кўрсатувлар салмоғи ошганлиги, миллий кўрсатувлар ҳажми узайганлиги билангина изоҳланиб қолмайди, балки телевидениенинг стратегияси, давлат каналларининг маърифий-таълим вазифаларига аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилганлиги билан эътиборлидир.

Асосий давлат телелканили бўлган «Ўзбекистон» телеканили олдида аҳолига ахборот бериш ва маърифат тарқатиш, яъни аҳолини юксак дидли, ахлоқий ва эстетик стандартлар билан ажралиб турадиган маърифий, ахборот-кўнгилочар дастурлар билан таъминлаш вазифаси турибди.

Мустақиллик йилларида миллий ўзликни англашга, миллатнинг маданий ўзига хослигини мустаҳкамлашга йўналтирилган кўрсатувларни тайёрлаб эфирга узатиш биринчи канал фаолиятининг асосий белгисига айланди. Маданият ва санъат тўғрисидаги асарлар ёрдамида жамиятда миллатнинг қадриятлари, умумий тарихий хотира, умумий маданият, бадий моддий ва маънавий мерос ҳақидаги умумий тасаввурлар шакллантирилади. Бир томондан, маънавий меросни тиклаш соҳасидаги давлат устуворликлари, иккинчи томондан, тобора ўсиб бораётган маданий глобаллашув туфайли ушбу вазифа Ўзбекистон телевидениеси учун алоҳида аҳамият ва ўзига хослик касб этди.

«Ёшлар» давлат телеканалининг ташкил этилиши нафақат телевидение ривожланишида, балки мамлакатнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ушбу канал ўз номи билан боғлиқ ҳолда аввал бошданок ёшларга мўлжалланган эди.

Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон ижтимоий ва маданий сиёсатининг устувор йўналиши. Ёш инсоннинг шахсий хислатлари шаклланишида эстетик тасаввурлар ва кадриятлар катта роль ўйнайди. Давлат кўрсатувлари учун бу ахлоқийлик ва хулқ-атвор нормалари нуқтаи назаридан ножоиз сюжетлар ва кўрсатувларни филтрдан ўтказишнигина эмас, балки ёшлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган махсус дастурлар яратиш ҳамдир. Бу жиҳатдан теледастурларнинг асосий қисмини маънавий мерос ва замонавий санъат ҳақидаги кўрсатувлар ташкил этган янги телеканал ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Аввал бошданок янги канал биринчи канал билан муваффақиятли равишда рақоботлаша бошлади, бир қанча параметрлар бўйича эса ўз устунликларни намойиш қилди. Бу айниқса ахборот дастурлари мисолида аён бўлди. Анъанавий-барқарор «Ахборот» дастури билан таққослаганда янгилик, тезкорлик, кескинлик, эфирни ташкил этиш ва материалларнинг замонавийлиги жиҳатидан «Ёшлар» канали устунлик қила бошлади. Материалларни беришдаги кескинлик, янги мавзулар ва жанр шакллари излаш, кўрсатувларни олиб боришнинг динамик тузилиши, замонавий телевизион эстетика – буларнинг барчаси «Ёшлар» каналига нафақат ёшлар орасида, балки жамиятнинг кенг қатламлари орасида тезликда оммавийлашиш имконини берди.

Телевидениенинг 2000-2005 йиллар мобайнида кундалик кўрсатувлари мавзуларини таҳлил қилиш маданият, замонавий ва анъанавий санъат тўғрисидаги сюжетларнинг умумий ҳажми бутун эфир вақтининг камида тўртдан бир қисмини ташкил этиши ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Агар бунга бадий фильмлар, театр спектакллари ва концертлар трансляцияси, телеспектакллар, бевосита студиянинг ўзида мусиқачилар ва

хонандаларнинг чиқишлари қўшиладиган бўлса, Ўзбекистон телевидениеси умумий кўрсатувларининг ярмидан ортиғи бадиий ва бадиий-ахборот дастурларидан иборат деб ишонч билан айтиш мумкин.

Бундай ҳажм ва маданий-бадиий мавзулар блоки кўрсатувлари корпусининг маърифий йўналиши Ўзтелерадиокомпания фаолиятида таълимий-маърифий тенденция устуворлиги тўғрисидаги хулосага келиш имконини беради.

У ёки бу кўрсатувнинг маърифий даражаси белгиланиши унинг форматига, муаллифлар томонидан танланган жанрга боғлиқдир. Жанр идеал олганда ифодалаш шаклини, ижодий саъй-ҳаракатларнинг йўналтирилганлигини тақозо этади. Маълумки, жанрнинг белгиланганлиги, «буюртма берилганлиги» томошабиннинг идрок этишига таъсир кўрсатади. Бироқ айнан «жанрнинг белгиланганлиги» умуман олганда замонавий телевидениеда, маданият ва санъатга бағишланган кўрсатувларга нисбатан эса айниқса энг кўп мўжмаллик ҳисобланади. Чунки улар санъат ва публицистикани ўз ичига оладиган чегара мавзули сегментида жойлашган.

Энг ёш телевидение яратилгунга қадар пайдо бўлган кўплаб жанрларни ҳам ўз ичига олади. Бу жанрларнинг айримлари адабиёт ва журналистика учун, бошқалари кинематография ва театр учун умумий ҳисобланади. Телевидениенинг табиати ижодий фаолиятнинг ҳар хил жанрларини синтезлаштиради. Булар режиссура, журналистика, санъатшунослик, операторлик ишлари ва томоша санъати тизимининг бошқа мутахассисликларидир. Ушбу хусусият телевидениенинг санъат билан фаол ҳамижодкорлиги ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Телевидение бошқа санъатларда жамланган жанрлардан фаол фойдаланишдан ташқари алла қачонлардан бери ўз жанрларини ҳам яратади. Ушбу жанрлар фақат шартли равишда қабул қилинган жанрлар таснифига бўйсунди. Масалан, бадиий кўргазма очилиши ҳақидаги сюжетни қандай тавсифлаш мумкин. Ушбу сюжетда репортаж элементлари, рассом билан интервью, санъатшуноснинг шарҳлари, бошловчининг баҳоси элементлари

мавжуд. Буларнинг барчаси репортаж олиб борувчининг лирик интонациялари билан уйғунлашган. Амалий вазиятда суратга олинган интервьюни уй интерьерлари фонидан суратга олинган суҳбатдан қайси жанр принциплари бўйича фарқлаш мумкин? Кўпинча йирик расм ёки ёзувчи ҳақидаги кўрсатув ўша расм ҳақидаги телефильмдан жуда кам фарқ қилади. Бундай кўрсатувлар бадиий асос Ўзбекистон телевидениеси учун асосий белги эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу нафақат телевидение тили билан, балки Ватан телевидениеси аънавлари билан белгиланади.

Жанрлараро алоқалар, жанр элементларининг трансформацияси ва ўтиши, шундай қилиб, замонавий телевидениенинг характерли хусусияти ҳисобланади. Бошқа томондан, улар орқали маданият ва санъат тўғрисида кўрсатувлар яратилган ва ахборот, таҳлилий, бадиий-публицистик жанрларга ажратиш мумкин бўлган етарлича аниқ бўлган жанр гуруҳлари мавжуд. Маданий ҳаётнинг тўлиқ манзарасини яратиш учун воқеалар, фактлар, шахслар тўғрисидаги ахборот ҳам, ушбу ахборотнинг таҳлили ҳам бир хилда муҳим ва зарурдир. Ахборот ва таҳлил ўртасидаги мутаносиблик маданият тўғрисидаги кўрсатувларни яратиш вазифасига кирадиган телевидение таҳририятларининг ижодий салоҳияти кўзга тушувчиси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маданий ҳаёт фактлари ва воқеалари тўғрисидаги долзарб ахборот энг «соф» кўринишда ҳар қуни томошабинлар эътиборига «Ахборот», «Давр», «Пойтахт» ахборот дастурлари орқали мунтазам равишда ҳавола қилинади.

## **Ахборот дастурларида маданият ва санъат тўғрисидаги мавзулар**

Ахборот дастурлари ҳар қандай телеканал кўрсатувларининг асосини ташкил этади. Ахборот дастурининг тузилишига, ахборотнинг хусусиятига қараб телеканал ҳақида бир фикрга келиш, унинг мафкуравий йўналишини



белгилаш мумкин. «Ахборот – ҳар қандай каналнинг ташриф қоғози»<sup>2</sup>, деб ҳисоблайди телевидение тадқиқотчиси Г.В.Кузнецов.

Ҳар куни Ўзбекистонда юзлаб маданий ҳодисалар юз беради. Булар – кўргазмалар, спектакллар ва кинофильмлар премьераси, йирик санъат арбоблари юбилейлари, ижодий кечалар, илмий йиғилишлар ва конференциялар, янги маданият муасссаларининг очилиши, ҳар хил даражадаги маданий тадбирлар бўлиб ўтади. Ушбу воқеаларнинг энг муҳимлари, мамлакатнинг энг яхши ижодий кучларини ва етакчи маданият институтларини ўзида жамлаган давлатнинг пойтахти, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Бундан ташқари мамлакатда ҳар куни сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятлироқ бошқа воқеалар юз беради. Булар ҳам ахборот дастурларида ўз аксини топиши керак. Телевидение бир вақтнинг ўзида оммавий аудиторияга эга бўлган ҳолда, ахборотнинг тўлиқлиги жиҳатидан босма матбуот билан рақобатлаша олмайди. Агар кундалик газета мамлакатнинг турли минтақаларидаги маданий ҳаёт ҳақидаги беш-олти материални эълон қила олса, телевидениенинг бундай имконияти йўқ. Одатда, эфир вақтининг 3-4 дақиқасида, ахборот дастурининг сўнгида маданият тўғрисидаги битта, нари борса иккита сюжетни бериш мумкин. Ушбу сюжетлар қандай танланди?

Биринчи навбатда воқеа ўзининг ижтимоий аҳамиятига кўра танланади. Одатда, бу мамлакатнинг етакчи маданият муассасалари иштирок этган умумдавлат даражасидаги маданий тадбир, ёхуд замонавий санъатнинг ривожланиши учун фавқулодда катта аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлади. Масалан, мамлакатнинг барча театрлари иштирокида Амир Темир таваллудининг 660 йиллигига бағишланган республика театр фестивали, ўрта асрларнинг буюк рассоми Бехзод юбилейи доирасида ўтказилган халқаро илмий конференция, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг кунлик телекундалиги, консерваториянинг катта залида Маданият жамғармаси

---

<sup>2</sup> Кузнецов Г.В. Телевизионная журналистика. – М., 1994; с.96.

томонидан ташкил этилган ёш истеъдодлар концерти кино музейининг очилиши - бу ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар, шубҳасиз, ахборот дастурлари ҳамма вақт ижтимоий аҳамиятли воқеалардир.

Бугунги кун учун муаммоли ва долзарб бўлмаган воқеалар иккинчи тоифага тегишли бўлади. Буларга – ўзбек маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган санъат арбобларининг юбилейлари, рассомларнинг шахсий кўرғазмалари, танловлар ва санъатнинг ҳар хил турлари кўриклар мисол бўла олади. Ниҳоят, маданий ҳаётнинг кўпдан-кўп фактлари, кундалик бадиий жараён учинчи тоифага тегишлидир.

Ташаббус кўрсатиш, кундалик маданий ҳаётдан қизиқарли фактлар, воқеалар ва муаммоларни қидириш ва топиш янгиликлар дастурлари журналистлари ва шарҳловчиларининг тўғридан-тўғри вазифасидир.

Бу айниқса «Ёшлар» каналининг «Давр» ахборот дастурига тегишлидир. «Давр» ахборот дастури ўзининг маданият рукнида санъатда ёшларнинг масалаларини ёритишга, санъат тўғрисидаги одатдаги, маданий ҳаётнинг анъанавий тасаввурлар доирасидан ташқарига чиқадиган фактлари ҳақида хабар беришга даъват этилган. Бундай ҳоллар кўпинча ҳали ижодкор арбоблар томонидан эътироф этилмаган ёш изланувчан авлод билан юз беради.

Ёш истеъдод, ёш авлоднинг ижодий салоҳияти ҳақидаги ҳар қандай ахборот бизнинг кўз ўнгимизда ўзининг ўтмиши билан фахрланибгина қолмасдан, балки янги, ёш ижодий шахслар туфайли бойиётган жонли, бой, энг асосийси сермаҳсул маданиятнинг тарғиботчиси бўлиб хизмат қилади.

Ахборот дастуридан санъатнинг янги фактларини теран ва ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилиб бўлмайди – унинг вазифалари ва мақсадлари бошқа. Бироқ ҳатто ахборот ҳам томошабинларнинг маданиятдаги янгиликлар ва хилма-хилликлар ҳақидаги умумий тасаввурини кенгайтирибгина қолмай, балки бу тасаввурнинг ривожланишига кўмаклашади.

Бугунги кунда барча вилоятларда, шунингдек Қорақалпоғистонда минтақавий телерадиокомпаниялар мавжуд. Марказий телевидение ва вилоят каналларининг фаол ўзаро ҳамкорлик қилиши янгиликлар дастурининг маданий-бадий мавзулари доирасини жиддий равишда кенгайтириши ҳамда мамлакатнинг турли минтақаларида юз бераётган маданият воқеаларининг оммалаштирилишига кўмаклашиши мумкин. Бундай ҳамкорлик нафақат телевидение, балки маданий ҳаёт учун ўринлидир. Бундан республикамизнинг барча жойларида истиқомат қилаётган санъат шинавандалари ва ижодкор инсонлар баҳра олади. Телевидение уларга эътироф этилиш ва машҳур бўлишда кўмаклашиши мумкин. Бу соҳада телевидение ҳақиқатдан ҳам кашф қилувчи бўлиши ва истеъдодли кишиларнинг ижодий ўсишига кўмаклашиши мумкин.

Замонавий Ўзбекистоннинг хилма-хил маданий ҳаётидан танлаб олиш мумкин бўлган жиҳатлар тўлиб ётибди – пойтахтда ҳам, минтақаларда ҳам ҳар куни етарлича қизиқарли бўлган маданият воқеалари юз беради. Янги воқеалар ва фактларни излаш, даврнинг руҳини ҳис этиш маданиятга доир ахборотнинг муҳим жиҳати, журналистнинг бурчидир. Ахборот дастурлари таҳририятлари олдида ҳар бир материалнинг мазмуни ва уни узатиш шакли, қамраб олиш кенглиги ва бадий воқеаларни танлаш принциплари тўғрисидаги масала, шунингдек «Маданият ва санъат» рукнининг «ўз қиёфаси» бўлиши кераклиги ҳамма вақт кун тартибида туради.

Телевидениенинг ахборот дастурларида ҳар куни мамлакат маданий ҳаёти хроникаси кузатиб борилади. Табиийки, маданият соҳасида юз бераётган барча воқеалар унда ўз аксини топиши мумкин эмас. Бунинг устига ахборот дастурларининг вазифаси санъат масалаларига бағишланган махсус кўрсатувларга қараганда бошқача. Санъатга бағишланган махсус кўрсатувларда бирор-бир бадий ҳодиса, маданий ҳаёт воқеаси сифатидагина эмас, балки диққат-эътибор қилиш ва таҳлил қилишга сазовар воқеа сифатида берилади.

Телевидениеда «таҳлил» тушунчаси фанда қабул қилинганига караганда бирмунча бошқача маънога эга. Телевизион кўрсатувдаги таҳлил – бу маданий ҳаёт факти сифатида санъат ҳодисаси тўғрисида шунчаки ахборот беришдан фарқ қилган ҳолда уни ҳар томонлама ва батафсилроқ кўриб чиқишдир. Таҳлилий кўрсатув шахсни бўрттириб кўрсатишни, мунозаравий жиҳатларни, янги қирраларни ва турлича нуқтаи назарларни аниқлашни, яъни санъат тўғрисидаги аниқроқ гапни тақозо этади. Шундан оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Чунки ҳатто газетадаги таҳлилий мақола ёки тақриздан фарқ қилган ҳолда телевидениенинг ўзига хослиги чўзиқликни ва «илмийликни» кўтармайди.

Замонавий санъат тўғрисидаги кўрсатувлар эфирга чиқадиган тўрт форматни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу, биринчидан, томошабинларни санъатдаги янгиликлар билан таништирадиган мунтазам бериб бориладиган, деярли ҳар куни намойиш қилинадиган кундалик туркум. Одатда, бундай туркумларни яратувчилар воқеалар тўғрисидаги соф ахборот доирасидан ташқарига чиқишга ва кўрсатувга таҳлилий материалларни жалб қилишга интиладилар.

Санъатдаги йирик шахсларга бағишланган шакли ва жанрига кўра хилма-хил ижодий портретлар иккинчи типга тегишлидир. Бундай кўрсатувларда, одатда, студияда олинган лавҳалар ва натурада олинган суратлар, кинохроника комбинация қилинган ҳолда намойиш қилинади. Ҳамкасблар, танқидчилар, ҳаётдаги яқин одамлар кўрсатув қаҳрамони тўғрисида ўз фикрларини билдирадилар. Бундай кўрсатувлар кўпинча (бирок ҳамма вақт эмас) ёднома тусига эга бўлади, яъни ҳаётдан кўз юмган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Учинчи типи – кенгайтирилган интервью бўлиб, унга кўрсатувни олиб боровчининг замонавий маданиятнинг таниқли сиймоси – ёзувчи, рассом, актёр, режиссёр, санъатшунос олим билан суҳбат асос қилиб олинади.

Ниҳоят кўрсатувларнинг тўртинчи типи – муаммоли-мавзули давра суҳбати. Бундай типдаги кўрсатувда одатда кўрсатувни олиб боровчи-

модератор, эксперт мутахассислар ва фаол, қизиқувчан омма қатнашади. Олдин аниқлаб олинган мавзу ҳақида мунозара қилиш ёки замонавий санъатнинг у ёки бу долзарб муаммосини муҳокама қилиш бундай кўрсатувларнинг ўзагини ташкил этади.

Телевидение учун типик бўлган бундай кўрсатувларнинг вариантлари кўп. Масалан, интервьюнинг турли хиллари мавжуд – воқеа жойидан репортаж ичидаги интервью, бошқа кўрсатув ичидаги интервью (бундай интервьюлар эрталабки «Ассалом, Ўзбекистон» дастурида кўп).

Хилма-хиллиги муаллифларнинг ижодий фантазиясига ва материалнинг ичига чуқур кириб бориш даражасига боғлиқ бўлган типик кўрсатувлардан ташқари оригинал кўрсатувлар ҳам мавжуд. 1996 йилда бундай ўзига хос кўрсатув Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида эфирга берилар эди. Ўша вақтда хронометражи унча катта бўлмаган «Ҳайрат» дастурини танқидчи Раҳмон Қўчқор олиб борар эди.

Санъат тўғрисидаги ажратиб кўрсатилган кўрсатувлар типларидан биринчи учтаси Ўзбекистон телевидениеси маданий - ахборот кўрсатувларининг асосий корпусини ташкил этади. Учинчи тип форматдаги кўрсатувлар ҳозирча йўқ, бироқ улар ҳақида гапирмаслик мумкин эмас: олдинга қўйилган вазифа – ижодий ҳаётнинг телевидение томонидан муқобил акс эттирилиши билан боғлиқ равишда кўрсатувларнинг ушбу типи айрича диққат-эътибор беришни талаб этади.

## **90-йиллар биринчи ярми кўрсатувларида шахс ва давр**

90-йиллардан бошлаб бадиий-публицистик дастурлар соҳасида адабий мавзулардаги кўрсатувлар асосий ўринни эгаллади. Яқин тарихий даврга, 20-йилларнинг биринчи ярмига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек адабиётининг қатағон қилинган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари арбоблари эфирнинг бош қаҳрамонларига айланди.

90-йиллар бошида адабий кўрсатувлар ушбу шахсларнинг мамлакат янги тарихига қайтиши жараёнини акс эттирди. Ушбу ёзувчиларнинг фожиаларга тўла ҳаёти ва асарларининг мураккаб тақдирига бўлган қизиқиш катта эди.

Таниқли адабиётшунослар Н.Каримов ва О.Шарафиддинов адабий кўрсатувларда тез-тез қатнашар эди. Улар ҳам муаллиф, ҳам кўрсатувни олиб боровчи, ҳам таклиф этилган экспертлар ролини бажаришар эди. Қатағон қилинган ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги материаллар ўша вақтдаги газета ва журналлар саҳифаларида тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам кўрсатувни олиб боровчиларнинг шахси туфайли кўрсатувларга бўлган қизиқиш заррача пасаймади. Мавзунини чуқур билиш ўзинини эркин тутиш, камера олдида фикрини бир жойга жамлаш ва ўйлаш, ўз фикрини лўнда ифодалаш билан табиий равишда қўшилиб кетди.

Ушбу ҳолатда профессионал жиҳатдан олганда «бошловчи» ибораси шиддатли О.Шарафиддиновга камроқ ва ўзинини вазминроқ тутадиган Н.Каримовга нисбатан янада камроқ мос келар эди. Унисини ҳам, бунисини ҳам телетомошабинларда қандай таассурот қолдираётганлиги ҳақида заррача ўйлаб ўтирмас эди. Улар учун энг асосийси ўзларининг шахсий фикрини айтиш, ўзбек адабиётининг фожиали даври ҳақидаги ўз мулоҳазларини билдириш асосий ўринда турар эди. Буни журналлар ва газеталар саҳифаларида эмас, балки улкан омма олдида айтиш улар учун муҳим эди. Кўпчилик адабий кўрсатувлар тўғридан-тўғри эфирга узатилиши кўрсатувларнинг янада самарали бўлишини таъминлар эди.

Мавзуга, дастлаб ўзбек адабиётидан ўчириб ташланган, сўнгра яна унга қайтарилган одамларнинг ҳаёти ва ижодига бўлган беҳад қизиқиш туфайли телевидениедаги студия билан телетомошабинлар оммаси ўртасида маънавий яқинлик келиб чиқар эди.

Телевизион мулоқотнинг ўзига хослигини зукколик билан ҳис этган мутахассислар туфайли Н.Каримов ва О.Шарафиддинов иштирокидаги

кўрсатувларда ушбу тарихий даврга хос бўлган маданий катлам ёрқин намоён бўлди.

Ўз умрини яшаб бўлган собиқ тузум қадриятлари ўрнига санъатда янги ғоявий мезонлар шаклланди. Аввалги мафкуравий принциплар билан боғлиқ бўлган муаммолардан узил-кесил халос бўлиш учун уларни айтиш керак эди – бу нуқтаи назар адабий кўрсатувларда белгиловчи ўринга кўтарилди. Адабий маҳорат, ижодий услубнинг ўзига хосликлари, у ёки бу асарнинг бадиий хусусиятлари мавзуси иккинчи ўринга тушиб қолди, ёки бўлмасам умуман кўтариб чиқилмади. Кўрсатувга таклиф этиладиган С.Аҳмад, П.Қодиров, Т.Малик, Мирмуҳсин ва бошқалар адабий маҳорат деталлари ҳақида эмас, балки асосан ўтган давр қийинчиликлари, ўзбек адабиётининг ривожига тўғрисида гапирдилар, кўрган - кечирганлари ҳақида ўртоқлашдилар.

П.Қодиров ўзининг «Юлдузли тунлар» романи бошидан кечган изтиробли тафсилотлар ҳақида гапириб берди. Ёзувчи Бобур ҳаётига бағишланган ушбу китоб яратилиши ва эълон қилиниши йўлида шўролар даврида кутилмаган тарзда пайдо бўлган муаммолар ва тўсиқлар тўғрисида алам билан сўзлади.

С.Аҳмаднинг Сталин режимининг охириги йиллари тўғрисидаги хотиралари кенг омма учун кутилмаган янгилик бўлди. Бу даврда Т.Тўла, Шухрат, Мирмуҳсин каби ёзувчилар очиқ-ошкора бўлмаган расмий қатағонга учради.

Адабиёт тарихидаги «оқ доғлар»ни тўлдириш, холисона баҳоларни тиклаш телевидениенинг устувор вазифаси эмас ва принцип жиҳатидан бундай эмас. Телевидение янги билимларни, маданият тарихидан мутахассисларга ва тор доирадаги профессионалларга маълум бўлган янги билимлар ва фактларни оммалаштирувчи вазифасини бажарар эди.

Телевидениемиз ривожланишининг унчалик узок вақтни ўз ичига олмаган ушбу даврдан олдин ҳам, кейин ҳам вақт категорияси ўша йиллардаги адабий кўрсатувларда бўлгани сингари ўзи учун шунчалар табиий бўлган динамик ривожланишни бошдан кечирмади, дейиш мумкин.

Тарих инсонлар тақдирининг ҳақиқати билан драматик, вақт – динамик категория, замонавийлик билан чўлғанган ва замонавий ҳаётнинг мураккаб жараёнларига дахлдор бўлган замондошлар кўзи билан кўрилган ўтмиш эса бугунги ҳаётмизнинг ажралмас қисми ҳисбланади. Энг яхши адабий дастурларнинг ушбу лейтмотиви телевизион режиссуранинг йирик устаси Маҳкам Муҳамедов ижодида, у томонидан яратилган Қ.Муҳаммадий ва А.Мухтор каби ёзувчи-шоирлар ҳақидаги кўрсатувларда ёрқин намоён бўлди.

... Ўз уяси томон охиста пастлаб учаётган лайлак - Ўзбекистон халқ ёзувчиси А.Мухтор ҳақидаги кўрсатув мана шу кадрдан бошланади. Шарқда кенг тарқалаган ҳаёт рамзи сифатидаги лайлак образи аниқ олинганда ушбу кўрсатув матнида ўзгача мазмун касб этган. Ёзувчи ўз ёзув хонасида суратга олинган, у хона деразасидан осмонда парвоз қилаётган лайлакка тикилиб турибди. Бутун кўрсатув давомида ҳали касалдан бутунлай фориғ бўлмаган кўрсатув қаҳрамони бирор оғиз гап гапирмайди. Режиссёр бундай камдан-кам учрайдиган ва ёзувчи кадрда «сукут сақлайдиган» иложсиз вазиятдан ҳайрон қоларли, ўз драматизми билан қаттиқ таъсир кўрсатадиган бадиий самарадорликка эришади. А.Мухтор курсида енгил эгилганича ўзи турли йилларда ёзган шеърларни тинглайди. Ўрта тархнинг эски фотосуратлар билан енгил монтаж қилиниши ёзувчининг ҳорғин ва диққат билан тикилиб турган кўзлари намоёиш қилинган йирик кадрлар билан қўшиб олиб борилади. Ушбу кўзларда маъқуллаш шубҳа билан, шубҳа ярим жилмайиш, кулги – жиддийлик билан алмашади. Қайсидир дамда шоир ўз шеърларини тинглар экан ўз ҳаётини қайта бошдан кўз ўнгига келтираётганлигини сезиб қоласан киши – ёшлик унинг кўзларида сал кинояли кулги билан, етуклик – шубҳалар, ютуқлар қувончи ва омадсизлик қайғуси билан ўз аксини топади... Қаршида ўтирган, шеърларни ўқиётган ёш йигит эса ўтган умрнинг муюлишлари бўйлаб хотиралар сўқмоғидан олиб ўтаётган йўл бошловчига қиёсланади. Шоирнинг охириги маъқулловчи кўз қарашида яшаб ўтилган ҳаёт



ҳақида унга эслатгани учун миннатдорчиликнигина эмас, балки ўз ҳаётини бежиз яшамаганлигидан қониқишнинг қандайдир белгисини сезиш мумкин.

Сўнгги марта деразадан ташқарига назар ташлаш. Шеър ўқиган ёш йигит дарахтларнинг кузги япроқлари аста-секин кўздан ғойиб бўлади. Йўл уни қаерларга бошлар экан? Узоқ ёшлик йилларигами ёки бўлғуси авлодлар хотирасигами? Буни фақат ўз уяси томон оҳиста учиб бораётган лайлак билади...

Қисқа ва яхлит, композицион жиҳатдан тугалланган сюжет ўзида режиссёрнинг шоир шахсига ўзига хос тарзда ёндошганлиги, М.Муҳамедовнинг ҳайрон қоларли назокатлилиги ва юксак режиссёрлик маданияти туфайли ижодкорнинг тақдирида вақт тўғрисидаги драматик мулоҳазаларни сингдирган.

Бир неча йилдан кейин режиссёр мавзуга қайтади, сюжетни А.Мухтор ҳақидаги хотиралар билан кенгайтиради. Сўнгра кинорежиссёр Р.Ботиров ёзувчи тўғрисидаги ҳужжатли фильмни суратга олади. «Умр дафтари» деб номланган икки қисмли яна бир кўрсатув яратилади. Кўрсатувда А.Мухторни ҳаётлик вақтида яхши билган қаламкаш сафдошлари А.Орипов, С.Аҳмад, О.Шарафиддинов, Э.Аъзам ва бошқалар Асқад Мухтор шахси ва ижоди тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашади. Ёзувчи меҳнати ҳақидаги самий ва теран мулоҳазаларда, ҳамкасбларнинг хотираларида ёзувчи шахси бутун қирралари билан очиб берилади.

Лекин барибир ... на ҳужжатли фильм ва янги телевизион кўрсатувлар хронометражи катта эканлиги, на кадрда таниқли ўзбек ёзувчиларининг намоён бўлиши 1995 йилда М.Муҳамедов маҳорат билан бажарган «Умр» деб аталган кичик сюжетдан эсиб турган маънавий куч-қудратнинг ўрнини боса олмади. Ушбу сюжетдан олинган ифода кучи юқоридаги парчалардан кейинги кўрсатувларда фойдаланилганлиги, улар А.Мухтор ҳақида телемемуарларнинг ўзагига айланганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон маданияти ривожланишига катта ҳисса қўшган санъат арбобларининг жонли образларини сақлаб қолиш йирик шахслар

иштирокидаги кўрсатувларнинг яна бир маъно-мазмунини, яна бир муҳим вазифасини ташкил этади. Агар кўрсатувнинг «қурилиш материали»га оилавий альбомдан олинган эски фотосуратлардан ташқари хужжатли хрониканинг «жонли» кадрлари монтаж қилинган бўлса, бадиий ифодавийлик, маънавий алоқа самараси неча марта ошади.

Кўрсатув муаллифлари бундай кадрлардан фойдаланиши мумкин бўлган фақат иккита ресурс мавжуд. Санъат арбоблари тўғрисидаги хужжатли фильмлар – бироқ ҳаётлик вақтида санъат арбобларининг ижодий фаолиятига бағишланган шахсий фильмлар яратилаверилмайди. Ва ушбу санъат арбоблари иштирокидаги эски телекўрсатувлар, бундай кўрсатувларнинг кўпчилиги, афсуски, техник ва молиявий сабабларга кўра телевидение архивида сақланиб қолмайди.

Жумладан, 1996 йилда Раҳмон Қўчқор бошловчилик қилган «Ҳайрат» муаллифлик кўрсатуви ҳам сақланиб қолмаган. Моҳият эътибори билан бу ҳақиқатдан ҳам санъат тўғрисидаги биринчи муаллифлик кўрсатуви эди. Жўшқин, ҳиссияти кучли Р.Қўчқор жаҳон шеърятининг энг яхши асарлари, Т.Ман, Г.Маркес, М.Пруст романлари, Рембо ва Г.Лорка поэзияси ўзбек тилига таржима қилиниши зарурлигини ҳаяжон билан уқтирар эди... Ўзининг мумтоз ва замонавий ғарб шеърятидан қилган ажойиб таржималарини ўзига хос артистлик билан ўқиб айтиб ўтилганларни исбот қилар эди.

Ўзимизнинг ва хорижнинг ёзувчи ва шоирлари ҳақидаги унча катта бўлмаган, ҳиссий-шахсий, ўзига хос дастур бир неча марта эфирга чиқди ва ушбу форматда бошқа тикланмади.

60-йиллардан кейин яшаган «телевидение орқали ўтган» бадиий маданият сиймоларига қараганда ҳали телевидение бўлмаган 30-50-йилларда яшаган ўзбек санъатининг йирик сиймолари ҳақидаги хроникал-хужжатли кадрлар кўпроқ сақланиб қолган. 60-80-йилларда телекўрсатувлар ёзувлари, шу жумладан таниқли ёзувчилар, актёрлар, рассомлар, бошқа санъат арбоблари иштирокидаги кўрсатувлар ёзувлари плёнкалари ёқиб юборилар

эди. «Ишлаб чиқариш» жараёни мана шу тахлитда қурилган эди, мана шу сабабли архивда жуда кам материал сақланиб қолган. Бунинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Ахборотнинг рақамли манбалари имкониятлари телевидениега замонавий ўзбек бадиий маданияти сиймоларининг жонли образлари муҳрланиб қоладиган ноёб архив яратиш имконини беради деб умид қилиш мумкин.

Ватан маданияти сиймолари тўғрисида кўрсатув тайёрлашда келиб чиққан ушбу хусусий муаммо томоша санъатлари – театр ва кинематографияга камроқ даражада тегишлидир. Режиссёрларга нисбатан муаммонинг кескинлиги қай бир даражада улар томонидан яратилган спектакллар ва кинофильмлар орқали компенсация қилинади. Актёрлар ушбу парчаларда «жонли» ҳолда ҳозир бўладилар.

Давр ва шахс муаммосининг ўзи эса кинематография ва театр санъати ҳақидаги кўрсатувларда ўзига хос ва турлича намоён бўлди.

Санъатнинг ушбу томоша турларини идрок этиш андозалари одамлар онгида етарлича мустаҳкам ўрнашиб қолган. Театр остонасини ҳатлаб ўтган кишининг ҳис-туйғулари кинотеатрга қадам қўйган одамнинг ҳис-туйғуларидан фарқ қилади. Театрдаги муҳит бирмунча тантанавор, кинотеатрдаги муҳит эса бирмунча эркинроқ ва одатий. Театр – қаср – киши руҳиятини мутаассибликка чоғлайди, кинотеатр – замонавий ҳаёт динамикасига томон буради. Технологик кинематограф ижодий табиатининг ўзи театрнинг белгиланган ва умум томонидан қабул қилинган қоидалардан фарқ қилган ҳолда ҳам суратга олиш жараёнида, ҳам натижаларига кўра кўпроқ бадиҳали-олдиндан билиб бўлмайдиган алфоздадир.

Идрок қилишнинг ушбу хусусияти телекўрсатувлар мазмуни ва шаклида турлича акс этди. Кинокўрсатувлардаги эркин бадиҳагўйлик ҳам кинематография табиатига, ва ҳам энг асосийси, 90-йиллар биринчи ярмидаги ўзбек киноси реалликларига ҳамоҳанг бўлди. Янги фильмлар етарлича кўп яратилганлигига қарамай, ўша йиллар кинотанқидчилари уларга баҳо беришда фаоллик кўрсатдилар. Жумладан, таниқли киношунос

Д.Тешабоев «Замонавий кино режиссёрлигининг ривожланиш йўллари»<sup>3</sup> деб номланган батафсил мақоласида ўзбек кинематографиясининг асосий тенденцияларини таҳлил қилади. У янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларда ўзбек киноси одида пайдо бўлган бир қанча муаммоларга эътиборни жалб қилади. Муаллиф конъюнктурали кинонинг «қўпол схемативлиги» муаммосини алоҳида ажратиб кўрсатади, унги профессионал ва бадий мезонларни зид қўяди. У Й.Собитов, С.Бобоев, Назармухамедов, З.Мусоқов каби режиссёрларнинг ишларини ижобий баҳолаган ҳолда давом этади «... бироқ, ушбу фильмларни ҳамма вақт ҳам юксак профессионал даражада бажарилаверилмаган жиноий ва фош қилувчи картиналар оқими сиқиб қўймоқда... Бизнинг ботқоқликка ботиб қолган кинематография аравамизни илгари силжитиш зарур». Кинотанқидчининг мулоҳазалари ўз пафосига кўра ишонарли. Уни ўзбек кинематографиясининг ўша йиллардаги ҳаракатини белгилаб берадиган икки оғиз сўзда – ўзгаришларни кутишда ифодалаб бериш мумкин.

Ўша реалликлар, бироқ специфик телевизион вариантда киношунос Ҳ.Акбаров олиб борадиган кинокўрсатувларда пайдо бўлди. Ушбу кўрсатувлар пафосини юқорида айтиб ўтилган санъатшунослик мақоласи пафоси билан бемалол қиёслаш мумкин. Эҳтимолки, бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас – у ёки бу фильмга баҳо бериш борасида кўпинча ҳар хилликлар келиб чиққан бир вақтда кинематографияда туб ўзгаришлар зарурлиги кайфияти ва уни тушуниш умумий эди.

Киножараёни ҳақидаги санъатшунослик мақоласини ушбу жараён телевидениеда қандай акс этиши билан қиёслаш телекўрсатувларнинг имманент табиатини бўрттириброк аниқлаш имконини беради. Мақола далилланган, концептуал ва композицион жиҳатдан пухта. Кино ҳақидаги кўрсатувлар бадиҳагўйликка асосланганлиги, саволлар ва уларга берилган жавоблар олдиндан тайёрланмаганлиги билан фарқ қилар эди. Таҳлилий

---

<sup>3</sup> Д.Тешабоев. «Пути развития современной кинорежиссуры». //Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари. Т. 1997, с.83-96.

санъатшунослик иши бир мантикли, мазмунан йўналтирилган, ушбу ўринда мутахассисларга каратилган. Кўрсатув – диалогли. Кино профессионаллари студидаги диалогли азалдан унда кенг аудиториянинг жалб этилишини тақозо этади. Баъзан ушбу диалоглар олдиндан тайёргарликсиз эфирга узатилгандек, бамисоли одамлар нимага таклиф этилганликларидан беҳабар ҳолда ҳозиргина студида учрашгандек тасаввур пайдо бўлади. Бироқ тезда ушбу тасаввурнинг ўрнини қизиқиш эгаллайди – профессионаллари хамма вақт ўз ишлари ҳақида айтадиган гаплари топилади.

Кўрсатувни олиб борувчи қизиқиб кетган экспертни тўхтатиб қўядиган, эксперт эса олиб борувчининг гапини тузатадиган ёки унинг сўзлари билан келишмайдиган замонавий телевизион мулоқотнинг бундай типли «катъий» таҳрир қилинган сценарий бўйича кўрсатувлар одатий ҳол бўлган биринчи канал учун ҳали характерли эмас эди. Иккинчи томондан, Ҳ.Ақбаровнинг кинокўрсатувлари замонавий тадрижий ўсиб борадиган ҳодиса сифатида кино санъатининг одатда томошабинлар томонидан идрок қилиниши билангина эмас, балки давр реалликлари билан ҳам баҳс юритар эди. Киножараёнида ҳали нуқтаи назарлар аниқ белгилаб олинмаган, ижтимоий фош қилувчи мавзулар тугаганлиги аниқ кузатилар, аниқ йўналишлар мавжуд эмас эди. Д.Тешабоев 90-йиллар биринчи ярми ўзбек кинематографияси ривожланиш якунлари ҳақида ёзган эди. Ҳаётбахшлик, давр реалликларини англаб олишга интилишга уриниш, ҳеч бўлмаганда битта кино асари мисолида ҳозирнинг ўзида вазиятни тушуниб олиш хоҳиши билан қўшилиб кетган ушбу гангиш замонавий кино тўғрисидаги кинокўрсатувларда жонли бадиҳагўйлик ва олдиндан тайёрланмаган диалогларда ўз аксини топди.

Томошабинларнинг кинога бўлган қизиқиши кескин пасайиб кетган вазиятда ахборот бериш ва оммавийлаштириш параметрларини жонли қўшиб олиб борадиган телекўрсатувлар «ўзгаришларни кутиш» даврига ҳамоҳанг эди.

90-йилларнинг биринчи ярмида телевидение театр санъатини идрок қилиш андозаларига тузатиш киритди. Ушбу андозалар «Театр ва давр» кўрсатувлар туркумида узоқ вақт хукмронлик қилди. Ушбу кўрсатувни 80-йиллар иккинчи ярмида ва 90-йиллар бошида Э.Мусаев олиб борар эди.

Давр илгари сўрган ўзгаришлар театр санъатида маънавий меросни ўзлаштириш, драматургия, режиссура, сценография муаммолари билан боғлиқ янги эстетик муаммоларни ўз ичига олар эди. Бироқ ўша йиллари театрда деярли ҳар куни юз берадиган воқеалар оқимидан «Театр ва давр» кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси ўша вақтларда жуда камдан-кам учрайдиган эҳтиёткорлик билан юз бераётган янгиликларга қизиқмасдан энг одатийларини танлаб олишни маъқул кўрар эди.

Ўша даврда амалиётчиларни ҳам, назариячиларни ҳам ҳаяжонлантирган долзарб муаммоларни, ўткир масалаларни силлиқлаштиришни қисман биринчи каналнинг сўзсиз расмий салобати билан изоҳлаш мумкин. Чунки «Театр ва давр» билан бир қаторда ўша йиллари айнан биринчи каналда бошқа бошловчи олиб борадиган театр туркумлари эфирга узатилар эди. О.Тожибоева томонидан тайёрланган ва олиб борилган, қатнашчилар сони унча кўп бўлмаган, хронометражи ҳам камроқ бўлган «Мулоқот» (1989-1991), «Актёрлар ва роллар» (1992-1994) туркумлари ўзбек театрининг долзарб муаммоларини англаб олишга қаратилган интилиши билан эътиборни жалб қилар эди.

Ёш бошловчи О.Тожибоева ҳам ўз кўрсатувларига театр санъатидаги машҳур кишиларни таклиф қиларди. Унинг меҳмонлари орасида драматург М.Бобоев, У.Азимов, М.Бошбеков, актёрлар А.Рафиқов, М.Ражабов, Ҳ.Нурматов, Э.Носиров ва бошқаларни кўриш мумкин эди. Таклиф этиладиган муаллифларнинг машҳурлиги ва таниқлилиги ушбу ҳолатда очик суҳбат олиб борилиши учун атиги рағбат берар эди холос. Бошловчи таклиф этилган шахслар етарли эканлиги билан чекланиб қолмас эди. У ўзининг асосий вазифасини телетомошабинлар учун ушбу шахсни ва театрда юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини чуқур тушуниш ва очиб боришда кўрар

эди. Нафақат телетомошабинлар учун, балки ўзи учун очиб бериш – эҳтимол бошловчининг айрича фарқ қиладиган фазилати эди. Бошловчининг актёрлар ўйнаган ролларга, драматик асарга, замонавий театр муаммоларига самимий, сохта бўлмаган қизиқиши унинг суҳбатдошлари томонидан ҳам шунчалик бевосита ва қизиқиш билан қабул қилинар эди. Ушбу ўзаро қизиқишдан театр профессионаллари ва барча телетомошабинлар бир хилда тушунадиган мулоқот тузилар эди. Бундан чиқди телевизион студияда актёрларнинг ўзлари бир-бирларини тинглаган тақдирда сахнадаги актёрларни томошабинлар тинглайди деган эски театр қонуни амал қилар экан. Театр санъатининг, аниқроғи «жонли театр»нинг табиати барча нарса «шу ерда ва шу он» юз бериши кераклигидан иборат. Шунингдек телевизион студияда ҳам «шу ерда ва шу он» бошловчи ва унинг суҳбатдошлари бир-бирини диққат билан тинглайди, шунинг учун кутилмаганда пайдо бўлган саволларга жавоблар ҳам очиқ ва самимий эди.

О.Тожибоева томонидан театр тўғрисидаги туркум кўрсатувлар 90-йилларнинг биринчи ярми кўрсатувлари орасида санъат ҳақидаги телевизион мулоқотнинг энг ёрқин мисоллари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кўрсатувлардан бирида бошловчининг замонавий ўзбек театрининг ҳолати ва ривожланиши ҳақидаги саволларга маданият вазири жавоб берди. Вазир «Театр ва давр» кўрсатуви руҳида театр сахнасидаги муваффақиятлар ва ютуқлар ҳақидаги хотиржам суҳбатга чоғланганлиги кўриниб турар эди. У молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар, вилоят театрларининг ҳолати, муқобил театр шаклларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги тўғридан-тўғри саволлар берилганда очиғи ҳайрон бўлиб қолди. Қўйилган саволларнинг дангаллиги вазирни ана шундай дангал жавоблардан бош тортмасликка ундади ва кўрсатув бошловчи ва унинг меҳмони ўртасидаги ўзаро ҳурмат оҳангида тугалланди.

Жавобларни айнан студияга таклиф этилган актёр, драматург, режиссёрдан эшитиш учун аниқ, «индивидуал» саволларни топиш, ушбу саволларни суҳбатдошига ўз вақтида бериш уқуви – театр туркумларини

олиб борувчининг мухим профессионал фазилатидир. Ушбу фазилатлар драматурглар Ш.Бошбеков ва М.Бобоев иштирокидаги кўрсатувларда бошловчига ёрдам берди. Бу кўрсатувларда театр ҳақидаги мулоқотлар шахс ва давр муаммосидан ажратилмаган эди.

Ҳар икки драматург ҳозирги замоннинг ўткир маънавий масалалари кўтариб чиқиладиган ўз пьесалари билан машҳур. Драматургларнинг аввалги йиллардаги ижодий тақдири турлича кечди. Ш.Бошбеков учун ушбу йиллар расмий ва норасмий тақиқларни енгиб ўтиш йиллари бўлди. Ушбу тақиқлар унинг фақат қайта қуриш йилларида давлат театрлари сахналарида қўйилган деярли барча олдинги пьесаларига тегишли эди.

Драматург М.Бобоевнинг сахнавий тақдири анча хайрли кечди – унинг пьесалари кўп йиллар Ўзбекистоннинг кўплаб театрларида муваффақият билан намоёниш қилинди.

Табийки, икки таниқли драматург билан суҳбатларда гап драматургия муаммолари ҳақида борди. 80-йиллар адабиётда энг машҳур бўлган асарлар – М.Бобоевнинг «Гурунг», Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» пьесалари бошловчи учун фақат таянч нуқтаси, «озуқа» бўлиб хизмат қилди. Кўрсатувнинг илк дақиқаларидан бошлаб бошловчи драматургларни ҳаётда ва театрда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисидаги кенг мулоҳазаларга «тортди». «Мулоқот» кўрсатуви муаллифларини индивидуалликлар, ижодий усуллар хилма-хиллигига қарамай, тўғрилиқ тўғрисидаги ўй-фикр бирлаштирди. Ш.Бошбеков “бугунги кунда ўзингга ва ўз касбингга тўғри муносабатда бўлиш талаб қилинади” деган фикрни илгари сурди. М.Бобоевнинг сўзлари ҳам унга ҳамоҳанг эди: «Бугун ижод қилишга ҳеч нарса халақит бермайди. Биз андозалардан, эски тузум занжирларидан халос бўлмоқдамиз. Агар сенда истеъдод бор экан – ўтир ва тарих бўладими ёки замонавий ҳаёт бўладими, шулар ҳақида ёз».

Ушбу сўзлар 90-йиллар биринчи ярмидаги санъат тўғрисидаги энг яхши кўрсатувларнинг мотиви бўлиши мумкин. Санъат тўғрисидаги кўрсатувлар ҳажми чекланганлигига, мунтазам бериб борилмаслигига қарамай,



телевидение уларнинг унча катта бўлмаган хронометражида жамиятда, бадиий маданиятда юз бераётган мураккаб жараёнларни муқобил акс эттиришга интилди. Ўзбекистоннинг таниқли санъат арбобларининг телевизион монологлари ва диалогларида ижодкор шахслар ўз тақдирини, яшаб ўтилган даврни англаб етиш ва қайта англаб етишга интилаётган ижтимоий онгдаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ вазият акс этди. Телевизион мулоқот шакли жиддий равишда янгиланди – олдиндан тайёрланган ва пухта таҳрир қилинган сценарий тобора кўпроқ бошловчи ва экспертнинг режалаштирилмаган саволлари ва кутилмаган жавобларга, бадиҳагўйлигига ўрин бўшатиб бера бошлади. Фақат маҳорат масалалари билан чекланиб қолмаган, ижодкор шахснинг ижтимоий мазмун-моҳияти, ушбу шахс ўз асарларида акс эттириши керак бўлган давр тўғрисидаги мулоҳазалар билдирилган студиядаги суҳбатлар алоҳида қизиқиш уйғотди.

Санъат тўғрисидаги энг яхши кўрсатувларда телекўрсатувлар бошловчисининг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлаш тенденцияси тобора етакчилик қила бошлади. Буни нафақат энг яхши дастурлар, балки танқидийроқ баҳо бериш мумкин бўлган дастурлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошловчининг ўз касбини чуқур билиши, мавзудан бохабарлиги, санъат муаммоларини билиши ва энг асосийси ушбу муаммоларга дахлдорлик туйғуси мулоқотга таклиф этилган ижодкор шахсларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти очиб берилиши имкониятларига, муҳокама қилинаётган мавзунинг томошабин томонидан идрок қилинишига жиддий равишда таъсир кўрсатди.

Телевидение ихтиёрида санъат билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг кўплаб имкониятлари мавжуд. Кинофильм, театр спектакли, ранг-тасвир полотносини ҳеч бир шарҳсиз намойиш қилиш мумкин. Уларни эфирга чиқиш олдиндан ёки премьерадан ёки тасвирий санъат кўргазмасидан олиб кўрсатилган репортажда шарҳлаш мумкин.

Асарнинг яратувчисини (ёки яратувчиларини) студия павильонига таклиф қилиб ёки суратга олиш гуруҳи билан биргаликда унга «меҳмонга»

бориб у билан батафсил суҳбатлашиш мумкин. Ушбу суҳбатга томошабинларни ҳам таклиф қилиш мумкин. Мутахассис-экспертларни жалб қилиш мумкин.

Гарчи телетомошабинларнинг ҳиссий муносабати санъатни бевосита идрок қилишда энг ёрқин намоён бўлса ҳам телевидение учун мураккаблик кўрсатувнинг охирида ўсиб боради. Бошловчи, экспертлар ва аудитория иштирокида кўрсатувни тайёрлаш ва олиб боришдан кўра кинофильм ёзилган тасмани ёки спектакль ёзувини айлантириш осонроқ.

У ҳолда нима учун телевидение «томошабинларнинг тинчини» кўзлаб ўз вазифаларини соддалаштирмайди, санъат асарларини трансляция қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки аксинча санъат арбоблари, кенг аудитория ва мутахассислар иштирокидаги жонли кўрсатувлар улушини кўпайтиради? Чунки телевидениенинг табиати ўзи шундай бўлса керак. Тайёр нарсани трансляция қилиш кўпроқ техник жараёнга тегишли, телевидениенинг табиати эса ижод қилишга эҳтиёж сезади. Томошабинлар ҳам шуни хоҳлайди.

Телетомошабинга соф ҳолда томоша қилишгина қизиқарли эмас. Унга ўз фикрларини ўзига ўхшаш «оддий томошабин» бўлган бошқа одамларнинг фикри билан таққослаш у ёки бу спектаклга, кинофильмга ёки таниқли ижодкорнинг ижодига соҳа мутахассислари қандай баҳо бериши қизиқарлидир.

Кўпчилик телетомошабинлар учун бадиий ижод соҳаси ўз сирларига, ўзининг махсус одамларига эга бўлган қандайдир алоҳида ҳудуд. Ушбу оламга назар ташлаш, бу одамларни кўриш, уларнинг ҳаёти ҳақида кўпроқ нарса билиш, режиссёр, бастакор, актёр ҳунарининг мазмун-моҳиятини англаб етишга интилиш ҳамма вақт қизиқарлидир. Телевидение бу одамлар билан учрашиш имкониятини беришга, телетомошабинларни ижоднинг нозик жиҳатлари билан таништиришга, уларнинг эстетик дунёқарашини кенгайтиришга қодир.

Томошабинни бадий асар яратиш жараёнига қизиқтириш, унинг эътиборини кинокартинага, театр спектаклига, тасвирий санъат кўргазмасига жалб қилиш – санъат тўғрисидаги кўрсатувларнинг муҳим вазифаси. Оддий бўлмаган ўтиш даврида жамиятнинг ўсиб бораётган истеъмолчилик эҳтиёжлари маънавий эҳтиёжлар ўсишига кўмаклашмайди. Шу сабабли бунда телевидениенинг роли жуда муҳимдир – у телетомошабинларнинг маънавий бойишга қизиқишини, у ёки бу китобни ўқиш ёки қайтадан ўқиб чиқиш, спектакль ёки фильмни кўриш, ранг-тасвир полотносини ўз кўзи билан кўриш истагини рағбатлантиради.

Замонавий телевидениенинг парадоксларидан бири мана шунда мужассам бўлган. Телевидение ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб кўрсатувларнинг технологик даражаси ва профессионал сифатини ошириб барча зарур воситалар билан телетомошабин учун «курашиб» санъатнинг бошқа турларидан томошабинларни холисона «тортиб олиб қўяди».

Ушбу жараён Ўзбекистонда ҳали олтмишинчи йиллардаёқ бошланган эди. Бугунги кунда у телевидениенинг имкониятларини ва унинг томошабинларнинг амалда ҳар қандай талаб ва эҳтиёжларини қондириш имкониятларини беҳад кенгайтираётган кабель ва йўлдош телевидение ёйилиши муносабати билан янги кескинлик касб этмоқда.

Айни вақтда телевидение ўзининг санъат тўғрисидаги кўрсатувлари билан онгли равишда замонавий санъатни оммалаштиришдек муҳим ролни ўйнашга интилмоқда. Томошабинларнинг жонли, бевосита идрок этишга бўлган қизиқишини рағбатлантирмоқда. Яъни томошабинларни театр ва концерт залларига тасвирий санъат вернисажларига, кутубхоналар ва китоб дўконларига таклиф қилмоқда. Бошқача сўзлар билан айтганда телевидение санъатнинг бошқа турлари олдидаги ўз қарзини тўлиқ «узишга» интилмоқда.

90-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб телевидениемизнинг кўрсатувлар сеткаси тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан анча кенгайди. Ушбу ўзгаришларнинг натижалари тезликда кўринди.

Янги «Ракурс» дастурининг дастлабки кўрсатувлари пайдо бўлганда кутилмаган таассурот қолдирди. Кўрсатувлар дастлаб иккинчи каналда эфирга чиқди, сўнгра тўртинчи каналдан берилди бошланди, 1998 йил сентябрь ойида эса яқинда ташкил топган «Ёшлар» каналида намоёнилик қилина бошлади. Ушбу кўрсатув ҳам шаклига кўра, ҳам бошқа барча параметрларига кўра яратувчилар - муаллиф ва бошловчи Ойбек Вейсал ўғли, режиссёр М.Хўжаев, оператор О.Кимнинг касб маҳорати юксак даражада эканлигидан далолат берди. Ҳар қандай кўрсатувни томошабинлар «кийимига қараб кутиб олади, ақлига қараб кузатиб қўяди». «Ракурс» ташқи кўринишига кўра, заставкадан тортиб финал титрларгача кўрсатувнинг барча босқичлари чуқур ўйланганлигига кўра, «ақлига кўра», яъни мазмуни бўйича замонавий ва ўткир кўрсатувдек таассурот қолдирди. Кўрсатув ёшларга йўналтирилган янги «Ёшлар» телеканалининг вазифаларига жавоб берибгина қолмай, балки қайсидир даражада канал фаолият кўрсатган дастлабки йилларда унинг белгисига айланди. «Ёшлар» телеканали биринчи давлат каналининг вазминлиги ва консерватизмига кўрсатувларнинг динамик тузилмасини, материалларни беришнинг долзарб шаклини, муаммоли мазмунни қарама-қарши қўйди. Кўрсатувнинг барча тилларда бир хилда тушунарли бўлган номи ўзида услубий ечимни ва кўрсатув интонациясини ифодалар эди. Заставкада сарлавҳани ёзиш ҳар хил шрифтларда, турли шовқинлар (гоҳ ўйчан куй, гоҳида ёзув машинкасининг чиқиллаши) алмаштириб турилган ҳолда берилди. Муомала қилинадиган вазият ҳам ўйлаб қурилди: бошловчи ва таклиф этилган меҳмонлар журналистлар ва интервью берувчига қараганда кўпроқ суҳбатдошларга ўхшаб кетар эди. Оператор ва режиссёр умумий ракурсдан деярли тўлиқ воз кечишди. Экранда бошловчи ва кўрсатув меҳмони ўртасида эркин мулоқот борарди. Студиянинг интеръери – замонавий, ихчам, ҳеч бир деталь томошабинларнинг эътиборини четга тортмайди. Кўрсатув стилистикаси деярли 8 йиллик эфирга чиқиш давомида амалда ўзгармади. Ўзгаришларга шунчаки эҳтиёж йўқ эди. Шаклига кўра у бугунги кунда ҳам давр руҳига

мутлақо мувофиқдир. Демак кўрсатув аввал бошданок жиддий ва пухта режалаштирилган. Бу кўрсатувни батафсил ишлаб чиқилган узок муддатли лойиҳалар асосида тайёрлаш зарурлигини тасдиқлайди. Кўрсатув нафақат дид билан тайёрланиб қолмасдан, у аввал бошданок унда тилга олинган масалаларнинг етарлича ўткирлиги ва долзарблиги билан жалб қилди.

8 йилда Ўзбекистон маданиятининг кўплаб таниқли арбоблари кўрсатув меҳмони бўлди. Улар орасида ёзувчи-шоирлар А.Орипов, Э.Воҳидов, Ш.Холмирзаев, кино ва театр режиссёрлари Ш.Аббосов, Б.Йўлдошев, О.Салимов, Н.Абдурахмонов, актёрлар С.Эшонтўраева, З.Муҳаммаджонов, Ё.Аҳмедов, адабиётшунос, санъатшунос олимлар О.Шарафиддинов, Н.Каримов, М.Қодиров, А.Қаюмов, Э.Ртвеладзе бор.

Дастлаб ҳафтада бир марта, сўнгра ойда икки марта 8 йил мобайнида эфирга чиққан кўрсатувларнинг барча меҳмонларини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Бироқ келтириб ўтилган рўйхатнинг ўзидан қандай йирик ижодий шахслар ва ёрқин индивидуал инсонлар «Ракурс»нинг меҳмони бўлганлиги, муҳокама қилинган масалалар доираси қанчалик кенг ва хилма-хил эканлиги кўриниб турибди.

Албатта, «Ракурс»нинг барча кўрсатувлари бирдек қизиқарли эмас эди. Балким, муваффақиятли ва муваффақиятсиз кўрсатувларнинг алмашиб туриши нормал, изоҳлаш мумкин бўлган ҳодиса бўлса керак. Таклиф этилганларнинг барчаси ҳам ўз касбининг моҳияти тўғрисида самимий ва очиқ сўз юритишга руҳан тайёр деб бўлмасди, унингсиз эса кўрсатув ўз мазмунини йўқотар эди. Телекамера қаршисида ҳамма ҳам ўзини руҳан хотиржам тутавермаслиги яхши маълум. Ҳатто актёрлардек оммавий касб эгалари ҳам телекамера қаршисида «ўз ролларида» пайдо бўлганда кўпинча «театр ошхонаси» тилида айтганда тажрибали актёр ҳам қутулиб кетиши қийин бўлган «босим» остига тушиб қолиш ҳолатини бошидан кечирадилар. Мунтазам равишда ҳафтада бир марта кўрсатув олиб борилганда тажриба тезликда орттирилади. «Ракурс» кўрсатувнинг доимий бошловчиси Ойбек Вейсал ўғли тез орада «Ёшлар» телеканалининг энг тез таниб олинадиган

«шасхлари»дан бирига айланди. Боз устига у ўзининг кўрсатувни олиб берувчи мақомини заррача суиистеъмол қилмади, панароқда туришга ҳаракат қилди, кадрга тушганда ҳам ён томондан, телеэкраннынг энг чеккасида пайдо бўлди. Бу ҳам кўрсатув концепциясининг бир қисми ҳисобланади: бунда барча нарса меҳмоннинг ижодий шахсига қаратилган, режиссёр, бошловчи ва телеоператор унинг учун «ишлайди». Асосий эътиборни қаҳрамонга қаратиш ҳатто панароқда туришга интилса ҳам тинглаш ва керакли саволларни бериш уқувига эга бўлган бошловчи шахсини сояда қолдирмас экан.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, «Ракурс»да бундай типдаги кўрсатувларни ташкил этувчи қимматли жиҳатлар ўз аксини топди – муомала қилинадиган вазият профессионал ташкил этилди ва суҳбатнинг ўзи уқув билан олиб борилди. Долзарблик ва мулоқот мазмунининг ўткирлиги ҳам кам аҳамиятга эга бўлмади.

Замонавий телевидение умуман 60-80-йилларга хос бўлган шошилмасдан, бамайлихотир ҳикоя қилишни, баъзан шов-шувли ёрқинлик ва кескинликни маъкул кўради. «Ракурс»нинг меҳмонлари – ўзбек маданиятининг обрўли ва ҳурматли, ижодда тажрибали одамлари, шу боисдан шов-шув қилиш уларга ярашмайди. Кўрсатув ижодкорлари кескинликни бошқа нарсада кўришди. Студиядаги мулоқотлар таниқли ижодкорларнинг ўз касби, санъатнинг ҳозирги ҳолати, ўтмиш ва келажак ҳақидаги мулоҳазалар асосига қурилди.

---

<sup>4</sup> «Кутилмаган меҳмон» кўрсатувида бошловчининг бошқача, қарама-қарши образи тақдим этилган. Ушбу кўрсатувни олиб борувчи Ю.Орипова унинг бош қаҳрамони ҳам ҳисобланади. У ҳамма вақт кадрда, бунинг устига суҳбатдошдан кўпроқ гапиради. Аслини олганда кўрсатувнинг нияти яхши – замонавий оммавий маданият, эстрада, шоу-бизнес вакиллари бўлган ёшлар билан эркин вазиятда учрашиш. Ушбу кўрсатувни руҳан эркин дунёвий суҳбат шаклида қуришга интилиш муваффақиятга олиб келиши мумкин эди, бироқ шаклнинг исталган енгиллиги мазмуннинг енгиллиги билан йўққа чиққан. А.Вартанов кўрсатувни бундай олиб бориш усулини муваффақиятли равишда «шов-шув, миш-миш тарқатувчи журналистика» деб атади. Унинг моҳияти «одамларга маданият, санъат, ҳаётда юз бераётган маънавий моҳият эмас, балки баъзан маданият, санъат ва кўп қиррали ҳаётнинг бошқа ҳодисалари билан бирга кечадиган кучли таассурот қолдирадиган, «ярқироқ, ўзига чорлайдиган ялтир-юлтурлар қизиқарли эканлигидан иборат». (А.Вартанов. Актуальные проблемы телевизионного творчества на телевизионных подмостках. М., 2003г. стр. 75).

Бундай типдаги кўрсатувларга қизиқиш уларда кўпчилик ҳолларда замонавий бадиий жараённинг амалиётчилари катнашганлиги боисидан яна бир карра ошади. Режиссёрлар, рассомлар, ёзувчилар, бастакорлар ўз муҳлислари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига унча ҳам кўп эга бўлавермайдилар. Шу сабабли ўз касби ҳақида доимо ўйлайдиган ҳақиқий профессионаллар ҳамма вақт ниманидир айтишга эҳтиёж сезади. «Ракурс» меҳмонлари замонавий санъатнинг муаммолари ҳақида тўпланиб қолган фикрларни баҳам кўрдилар.

Ушбу мулоҳазаларнинг кўпчилиги турли ихтисосликларга эга бўлган санъатшуносларнинг жиддий таҳлили мавзуси бўлиши мумкин эди. Таниқли режиссёр Б.Йўлдошев театр жараёнидаги оғриқли муаммолар ҳақида сўз юритди.

Тошкент ёш томошабинлар театри ва Ёшлар театрининг бадиий раҳбарлари О.Салимов ва Н.Абдурахмонов болалар театрларининг ижодий ва ташкилий ҳолати ҳақида ишнинг кўзини билиб фикр алмашдилар. Ш.Аббосов замонавий ўзбек киноси ҳақида ўз ишининг устаси сифатида қатъият билан сўз юритди... Айтилганларнинг барчасига қўшилиш мумкин эмас, албатта. Кўрсатув ва унинг бошловчиси тўлиқ ва ялпи маъқуллашни талаб ҳам қилишмайди. Асосий гап ҳар хил фикрларни силлиқлаштиришда эмас, балки шахсий нуқтаи назарларга бориб тақалади.

«Ракурс» маданият тўғрисидаги кўрсатувлар орасида узоқ вақт «эфир умрини» яшаганлиги билан ажралиб турди. 2005 йилдан бошлаб ўша номдаги кўрсатув бошқа форматда эфирга чиқа бошлади. Эндиликда у телесуҳбатлар эмас, балки ўзига хос ажойиб саналар тақвими эди.

Янгиланган кўрсатув икки ҳафтада бир марта Ватан ва жаҳон маданиятининг юбиляrlари, шу ойда таваллуд кунларини нишонлайдиганлар ҳақида эслатади. Қисқа сюжетлар, замондошлар билан қисқа суҳбатлар, ҳаётдан кўз юмганлар ҳақидаги қисқа ҳикоялар. Усталик ва дид билан танланган мусиқавий жўрлик ва иллюстратив материал. Олдинги туркумга муносиб кўрсатув. Боз устига биринчи «Ракурс» йиллар ўтиб аста-секин

буғилиб қолган эди, «ажойиб одамлар» доираси тобора торайиб бораётганлигидан қийналмоқда эди. Бунинг сабабини изохласа бўлади – саккиз йил мобайнида кўрсатувда ўзбек маданиятининг муаллифлар суҳбатлашиш учун таклиф қилиш зарур деб ҳисоблаган амалда барча таниқли кишилари бўлишди ...

Янги «Ракурс»нинг ҳар бир кўрсатуви эндиликда 6-7 сюжетдан иборат. Уларнинг катта қисми замонавий санъат ижодкорларининг таваллуд кунларига, қолганлари Ватан ва жаҳон маданияти йирик арбобларининг муҳим саналарига бағишланган.

Эски номдаги янги дастурда юбилей саналарига юбилейга хос бўлмаган ёндашув ўзига жалб қилади. «Тантананинг айбдорлари» билан бўладиган ҳар бир учрашув ижод ҳақидаги мулоҳазаларга баҳона бўлади. Дастурнинг яратувчилари янги форматга ўтиб ўз ҳаётларини асло енгиллаштирмади. Балки аксинча – эндиликда саккиз сюжетни тайёрлаш, суратга олиш ва эфирга узатиш даркор. Ушбу қисқа метражли материаллар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Сюжетларнинг қисқалигидан афсус чекиш мумкин холос. Жумладан, айти бир кўрсатувнинг ўзида таниқли ашулачилар Н.Абдуллаева ва М.Йўлчиеванинг туғилган кунлари «нишонланди». Жозибали, ақлли аёллар фақат ўзлари ҳақида сўзлаб қолмай, ўз касби ҳақида мулоҳаза билдиришди. Улардан бири эстрада кўшиқчиси, иккинчиси мақомлар ижрочиси. Тасодиф гарчи ҳар хил сюжетларда бўлса-да уларни бир кўрсатувда бир-бирига дуч келтирди.

Фақат сюжетнинг қисқалиги учунгина афсус чекишга тўғри келмади. Уларнинг ҳар иккаласи қизиқарли суҳбатдош чиқиб қолди. Афсусланиш ушбу тасодифийлик замонавий кўшиқ санъати, миллий ижро анъанаси ва замонавий оҳангларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида мулоқот қилиш учун ажойиб баҳона туғдирганлиги билан боғлиқ эди. Бироқ бу бирор бошқа кўрсатувнинг мавзуси бўлиши мумкин. Тақвим билан боғлиқ «Ракурс»нинг принципи – кенг мулоқот эмас, балки қисқа монологлардир.



Лўнда лаконизм – вақтни қадрлайдиган кўрсатувларнинг ажойиб фазилати. Давр фақат телевидение даври эмас. У ўз номи билан Давр. Даврда ўтган аср Ўзбекистон санъат арбоблари тўғрисида кўплаб сюжетлар мавжуд. Бундай сюжетлардан кинохроника, эски фильмлар ва спектакллардан парчалар ўрин олган. Бу ҳамма вақт томошабинларнинг турли авлодлари учун ўз-ўзича қизиқарлидир. Кекса авлод ўтган кунларни хотирга олади, ёш авлод улар туғилишидан анча олдин юз берган воқеалар, шахслар билан танишади.

Эски ва янги туркумларни телевизион маҳоратнинг умумий мактаби бирлаштириб туради. Уларнинг бошловчиси айнан бир шахс. Тафовут муаллифларнинг эски «Ракурс» асосида мавзуси, формати, жанри бўйича принципиал жиҳатдан бошқа кўрсатув яратиш истаги билан белгиланади. Унча катта бўлмаган сюжетларга ўтмиш ва ҳозирги замоннинг санъати ҳақидаги жиддий мулоҳазалар жам бўлади.

Санъат ҳақидаги кўрсатувлар орасида ажралиб турган «Сийрат» дастури камроқ мунтазамлилик билан, бироқ телетомошабинларнинг диққат-эътиборини жалб қилиш учун анча тез-тез эфирга чиқиб турди. Ушбу кўрсатув аввал бошданок санъат кишиларига бағишланган кўрсатув сифатида ўйланган ва қурилган эди.

Ушбу кўрсатувлар, маълумки, муаллифлар ва бошловчилардан алоҳида назокатни ва мавзуни яхши билишни, материалларни беришнинг синовдан ўтган ва янги шакллари талаб қилади. Санъат тўғрисидаги барча кўрсатувлар ҳам ушбу талабларга жавоб беравермайди. «Сийрат» жавоб берди. Кўрсатувнинг кўпчилик сонларини исталган парчадан бошлаб томоша қилиш ва ҳеч бир қийинчиликсиз бу «Сийрат» кўрсатувининг парчаси эканлигини айтиш мумкин. Ҳатто дастурнинг муаллифи ва бошловчиси – санъатшунос Н.Оқилова кадрда бўлмаганда ҳам билиб олиш мумкин. Кўрсатув элементларининг исталган бирини билиб олиш сўзсиз унинг ютуғудир. Телетомошабиннинг идрок қилиш психологияси санъатнинг бошқа турларида идрок қилишга кўп жиҳатдан ўхшаш. Томошабинларнинг

асосий оммаси дастлаб бирор-бир машхур, одатдаги, таниб олиш мумкин бўлган кўрсатувларга устунлик беради. Шу сабабли замонавий телевидениеда бир марталик дастурлар эмас, балки туркум кўрсатувлар машхурдир. Аслини олганда замонавий телевидениеда жиддий ижодий лойиҳалар ҳар хил форматли мавзули туркумлар яратишга йўналтирилган.

Бироқ, ният қилинган туркум унинг келгусидаги юкори рейтингининг кафолатини бермайди – бу ижодий жамоага берилган ўзига хос авансдир холос. Кўпинча режалаштирилган туркум икки-уч галлик кўрсатувдан кейин тўхтаб қолади. Кейинги 15 йилда Ўзбекистон телевидениесида кўпинча шундай ҳоллар юз берди. Эфирга берилган дастлабки кўрсатувларда мавзу, жанр, услуб бирлиги йўқлигининг ўзиданоқ у ёки бу туркумнинг узоқ давом этмаслигини олдиндан тахмин қилиш мумкин. Гарчи уларда маданият ҳақида сўз борса ҳам кўрсатувлар туркумга тасодифий бирлашади, уларни таниб олиш мумкин эмас, бирор-бир туркумга мансублиги аён кўриниб турмайди. Шу сабабли ушбу ҳолларда батафсил ижодий буюртма сифатида бундай лойиҳалар ҳақида сўз юритиш даргумон.

Масалан, «Мувозанат» туркумида ёзувчи Ойбек ижоди, Ўзбекистоннинг ўлкашунослик ва тиббиёт музейлари, Ўзбекистон Ислом университети ҳақидаги кўрсатувлар эфирга узатилди. Шубҳасиз улар ўзбек маданиятига тегишли. Бироқ, мавзу бу тарзда чекланмаган равишда кенгайтириб юборилган тақдирда ҳар хил бошловчилар олиб борадиган мавзуси, шакли, стилистикаси бўйича мутлақо бошқа-бошқа кўрсатувларни исталган ном билан исталган туркумга гуруҳлаштириш мумкин. Бундай ҳолда телевидениеда дастурлаш, кўрсатувлар сеткаси тузилмасини шакллантириш ўз маъносини йўқотади. Бу эса телевидениенинг ўзининг муҳим маданий таркибий қисми ҳисобланади. Агар кўрсатувлар бир туркумда, бир хил номда эфирга узатилса, ягона нуқтаи назарни, умумий муҳитни, интонацияни, ҳар хил кўрсатувларни бирлаштирадиган умумий элементларни топиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда алоҳида кўрсатувлар қанчалик қизиқарли бўлмасин, туркум ҳеч қачон ўз ижодий қиёфасини топмайди, уни таниб олиш мумкин

бўлмайди ва уни томошабинлар кутмайди. Аслини олганда шундай ҳам бўлди. Бу «Мувозанат» туркуми доирасида айрим қизиқарли кўрсатувлар бўлса ҳам унинг эфирда кўринмай қолишига сабаб бўлди.

«Сийрат» «умумий ифодали бўлмаган шахслар» санъати тўғрисидаги кўрсатувлар орасида ажралиб турар эди. У санъат кишиларига, асосан театр одамларига бағишланди. Бошловчининг назокатли, зиёлинома одоби у билан кўрсатув қаҳрамонлари – актёрлар, режиссёрлар ўртасидаги мулоқот стилистикаси ва интонацион қурилишида ўз муҳрини қолдирди.

Ушбу мулоқотлар телевизион павильонларда эмас, балки театр интерьерларида бўлиб ўтди. Сухбатлар кимсасиз театр фойеларида, бўм-бўш томоша залларида, артистларнинг гримхоналарида бўлиб ўтди. Ёрқин ва байрамона театр ҳаёти бу ерда бошқа жиҳати – одатдан ташқари жимлик ва санъат оламининг иш муҳити билан намоён бўлди.

Театр санъати тўғрисидаги кўрсатувлар (ижодий портретлар, янги спектакллар тўғрисидаги ахборот, телеинтервью) орасида «Сийрат» ўз ўрнига эга. Кўрсатувнинг кўпчилиги сонлари А.Навоий номидаги театрнинг ижодий ҳаётига – балет артистларига, опера кўшиқчиларига, янги режиссёрлик ишларига бағишланди. Унда педагоглар ва хореография билим юрти ва консерватория, Санъат институтининг битирувчилари қатнашди. А.Навий номидаги театр мураккаб ижодий аҳволда бўлган, телевидениенинг ўзи «миллий ўзига хосликни» излаш билан ҳаддан ташқари банд бўлган ва тарихий мавзуларга муккасидан кетган 90-йиллар охири - 2000-йилларда балет ва опера санъатини оммавийлаштириш нафақат эстетик, балки кенг маданий аҳамиятга ҳам эга эди.

Хорижий телеканалларда кенг оммалашган ток-шоу формати ҳозирча бизнинг телевидениемизда расм бўлмади. Бу ерда телевизион мулоқотнинг камроқ ҳиссиётли, анъанавийроқ шакллари устунлик берилади. «Зиннат» дастури айнан мана шу шаклда эфирга чиқа бошлади. Қатъий қилиб айтганда, ушбу дастур фаолияти фақат санъатга бағишланмаган эди. Унда ҳар хил гуманитар ва техник мутахассислар, педагоглар, олимлар, тиббиёт

ходимлари қатнашди. Бироқ бир қанча кўрсатувлар санъат кишиларига бағишланди. Бундай кўрсатувлар қанчалик кам бўлмасин – улар бошловчи Н.Зоҳидова ва унинг суҳбатдошлари ўртасидаги алоҳида бир-бирига ишонч ва муомала маданияти билан эса қолди. Дастур ўзида айнан мавзуси ва шаклига кўра ҳар хил чиқишлар бошловчининг шахси туфайли туркумга бирлашишнинг мисоли ҳисобланади.

Дастурни суратга олиш жойи ҳеч бир доира билан чекланмади. Суҳбатлар студия павильонларида ва театр биноларида, кўрсатув қаҳрамонлариникида меҳмонда бўлиб ўтди. Ҳар хил жойларда суратга олинган парчалар эркин монтаж қилинди ва битта аудиовизуал қаторга комбинация қилинди ҳамда суҳбатдошларнинг мулоқотларида, муаллиф ва бошловчининг луқмалари ва шарҳларида қаҳрамоннинг фавқулодда ижодий шахси очиб берилди.

Дастурнинг Ўзбекистон халқ артисти Я.Абдуллаева ва санъатшунос олим М.Раҳмоновга бағишланган кўрсатувларлари мана шу жиҳатлари билан ажралиб турди. Бу одамларнинг бутун ҳаёти театр санъати билан боғлиқ. Улар ёшлари ўтиб қолганлигига қарамай, фаол ижодий ишдан кетмаганлар. Уларнинг ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида айтадиган гаплари тўлиб-тошиб ётибди. Ҳаётининг тажриба туфайли ақл ва доноликни ўзида мужассам этган бу одамлар учун бу ҳаёт ва даврни биладиган инсон билан ўз даври ва санъат тўғрисидаги фикрлар, мулоҳазаларни баҳам кўриш албатта қизиқарли эди. Н.Зоҳидова ана шундай ўз ишига моҳир бошловчилардан биридир. Унинг санъат ва илмий ижоддаги ҳаётининг ва ижодий тажрибаси унга баъзан суҳбатдошларга, демак томошабинларга муҳокама қилинаётган муаммоларга бошқача назар ташлашни таклиф қилиш ҳуқуқини берар эди.

Н. Зоҳидова бундай ўзича кўришни, ўз нуқтаи назарини босиқлик, одаб билан ва ўз фикрини зўрламасдан, «кўрпани ўзига тортмасдан», фақат саволлар бериб қолмасдан, тинглашни ҳам ўрнига қўйиб ифодалайди. Бу билан фақат яхши тингловчининг яхши сўзлаб берувчиси бўлади деган сўзларнинг ҳақ эканлигини исботлайди.

Бошқа дастурларда бўлгани сингари «Зиннат» дастурида мувафақиятлар билан биргаликда нуқсонлар ҳам бўлди. Баъзида студиядаги суҳбатлар асоссиз равишда чўзилиб кетди, таклиф этилганлар ишонччи ҳамиша ҳам оқлайвермадилар. Гап, аслида, айрим кўрсатувларнинг фазилатлари ва нуқсонлари ҳақида ҳам эмас. Бошқа бир нарса аён: ҳар хил кўрсатувлар бошловчнинг муомала маданияти, шахси, алоҳида ишонч муҳити билан ажралиб турди.

«Ракурс», «Сийрат», «Зиннат» сингари узоқ вақт эфирга узатилган кўрсатувлар тўхтаб қолишини кўплаб сабабларга кўра оқлаш мумкин. Янги дастурлар, янги технологик имкониятлар пайдо бўлади, дастлаб лойиҳа асос қилиб олинган ижодий ресурслар тугайди. «Ток-шоу» жанрининг яратувчиси ва унинг классиги машҳур Филь Донахънинг телевидениедан кетишнинг ёрқин мисолидир. Ўз касбининг устаси рейтингининг пасайиб кетиши телевидениедаги ажойиб ютуқнинг пасайишига сабаб бўлди.

Бир қанча дастурларнинг кўрсатувлар дастурларидан кетиши туфайли ҳосил бўладиган бўшлиқ аста-секин тўлдириб борилади. Эски кўрсатувлар ўрнига янги кўрсатувлар келади. Улар орасида янгиланган «Ракурс»дан ташқари «Кинотакдим», «КиноТеатр», «Дийдор», «Қиёфа», «Ҳаёт давом этади» сингари ажойиб, мунтазам бериб бориладиган туркумлар мавжуд.

«КиноТеатр»нинг номи ўзи айтиб турибди – кўрсатув ўзбек кинематографияси ва театр санъати янгиликларига бағишланган. Кўрсатув бир неча йиллардан бери эфирга чиқади. Бу орада у салмоқ ксб этди ва томошабинлар ўртасида оммалашди. Дастлаб унда ҳар хил монтаж ва матнларнинг бир-бирига мос эмаслигини кузатиш мумкин эди. Вақт ўтиб тажриба тўпланди, профессионализм ўсди, кўрсатув замонавий қиёфа ва динамикага эга бўлди.

Унинг янгилик тарқатувчи, ахборот бериш тусидаги хусусияти дизайнер безагида, парчалар динамик монтаж қилинишида, натурада суратга олинганлардан бошловчининг лўнда шарҳларига кескин ўтишда намоён бўлади. Ҳатто, масалан, «Ракурс»га хос бўлган услубий софликнинг йўқлиги

ҳам бу ўринда телетошабинларнинг хотирасида аниқ ва ёрқин эса қолиш хоҳишидан туғиладиган атайлаб қилинган ниятдек туюлади. Видеоклиплар учун хос бўлган «парчаланган монтаж» усули кўрсатувнинг ахборот бериш вазифлари билан ўзини оқлайди. Замонавий кино санъати янгиликларига бағишланган «Кинотақдим» кўрсатуви учун ҳам мана шундай истак ва усуллар ҳосдир.

Кинематография тўғрисидаги сюжетларнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда урғу кўпинча тайёргарлик кўриш, суратга олиш ва репетиция қилиш жараёнига берилади. Телевидение ижодий жараённинг барча сирлари алла қачонлар ошкор этилгандек бўлиб туюлади – суратга олиш майдонларидан кадрлар, спектакллар репетициялари парчалари телеэкаранларда одатдаги ҳолга айланди. Бироқ телетошабинларнинг уларга қизиқиши сақланиб қолмоқда. Телевизор қаршисида ўтирган тошабинларнинг қизиқишига жавоб бериш, уларга ижоднинг ички муҳитига кириш, санъатнинг «қора иши»га нигоҳ ташлаш имкониятини бериш - кўрсатувнинг вазифаларидан бири.

Кўрсатув муаллифлари ва унинг бошловчиси (Ш.Рауфбоева ва М.Нишонова) ушбу вазифани муваффақият билан удалашмоқда. Кўрсатув мунтазам бериб борилиши туфайли бўлиб ўтган ва бўлажак премьералар тўғрисидаги янгиликлар тошабинга тезкорлик билан етказиб берилмоқда. Замонавий телевидение муаммолари билан боғлиқ равишда «КиноТеатр» кўрсатуви муаллифлари ахборот бериш-оммалаштириш вазифалари билан чекланиб қолмаслиги кўрсатувнинг ажойиб жиҳатидир. Кўрсатувнинг энг яхши сонлари замонавий кино ва театрнинг муаммолари теран ва ҳар томонлама таҳлил қилнишига даъвогарлик қилади.

Таниқли кинорежиссёр М.Абзалов замонавий ўзбек комедияси тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Етакчи кинорежиссёрлар Ю.Розиқов ва З.Мусаев, ёзувчи ва сценарийчи Э.Аъзам Ўзбекистон кинематографиясидаги изланишлар ҳақида сўз юритди. Ватан телевизион ижодкорлигининг мумтоз намуналарига айланган бир қанча телесериаллар яратган таниқли режиссёр

М.Муҳамедов ўзбек телесериали тўғрисидаги ўз тасавури билан ўртоқлашди. Деярли ҳар бир кўрсатувда таниқли профессионаллар билан қисқа интервьюлар кўрсатув муаллифлари воз кечишни истамаётган принциплардан биридир.

Ҳар бир интервью мавзуси барчага – томошабинларнинг кенг доирасига ва санъат кишиларига қизиқарли. Бу «КиноТеатр» кўрсатувига ҳам тегишли эканлиги эътиборли. Бироқ, телевидениеда янада ривожлантирилмасдан фақат дахл қилиб ўтилмоқда. Кўрсатувлар санъат тўғрисидаги қизиқарли суҳбатга қандайдир кириш сўзи, таклифдек томошабинларда таассурот қолади. Бироқ бундан нарига ўтилмаяпти.

Айтиб ўтилганларни «КиноТеатр» муаллифларига танбеҳ деб қабул қилмаслик лозим. Ажратилган ўн беш дақиқалик форматда кўрсатув ўз олдига қўйилган вазифани оқлайди. Гап бу ўринда аниқ бир кўрсатув ҳақида эмас, балки замонавий санъатга бағишланган мавзули сегментни тўлдириш принциплари ҳақида бормоқда.

Идеал жиҳатдан ушбу принциплар ахборот ва ахборот-таҳлилий кўрсатувлар ўртасидаги мутаносибликка риоя қилинишига асосланиши керак. Амалиётда ахборот очик-ойдик устунлик қилади, бунини тушунса бўлади, чунки ушбу тенденция телевидениенинг ўзига хослигига жавоб беради, бироқ у санъатдаги ҳозирги ҳолатни жиддийроқ англаб олишга уринишларни эфирдан четга суриб чиқармоқда.

Умуман олганда телевидение ўткир ижтимоий муаммолардан ўзини четга олади деб бўлмайди. Ҳар хил каналларда ташқи ва ички сиёсатнинг етарлича ўткир масалалари, жиноий ва ижтимоий-маиший муаммолар кўтариб чиқилади. Бу жиҳатдан санъат тўғрисидаги кўрсатувларга кўпроқ қайсидир маънода ахборот бериш, кўнгил очиш роли ажратилади.

Сиёсий, иқтисодий ва замонавий ҳаётнинг ижтимоий жиҳатларига бағишланган бошқа дастурлардан фарқ қилган ҳолда санъат тўғрисидаги кўрсатувлар кўнгилочарлик тўлиқроқ ифодаланиши талаб қилинишига шубҳа

йўқ. Бирок бу уларда санъат муаммоларига теран кириб бориш лозим эмаслигини англамайди.

Эҳтимолки, тонги «Ассалом, Ўзбекистон» ахборот-дам олиш дастурида ва санъат кишисига - режиссёр, рассом, актёрга бағишланган махсус кўрсатувда ижодкор шахс тўғрисидаги сюжет ўртасида сезиларли фарқ бўлиши керакдир. Ҳеч бўлмаганда эрта тонгдан санъат тўғрисидаги жиддий суҳбатга чоғланганлар кам топилади. Прайм-таймда эфирга узатиладиган махсус кўрсатув эса бошқа гап.

Биз телевидение ҳақида маънавий шаклланишининг қудратли омили сифатида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бирок ушбу формула телетомошабинларнинг санъатдаги воқеалар, ижодкор шахслар билан танишишнигина назарда тутмайди. У санъатдаги мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни тушуниб олишга интиладиган телетомошабинлар оммасининг эҳтиёж ва қизиқишларини ўз ичига олади. Томошабинлар кўрсатувларнинг қахрамонларида эса гўзалликни хунуқликдан, ҳақиқатни сохталикдан фарқлашга ёрдам берадиган самимий инсонларни кўрадилар. Телевидениенинг томошабин таклифларига ўз муносабатини билдиришга уриниши кўрсатувлар муаллифлари ва бошловчилардан пухта тайёргарлик кўриш ва ўз ишини яхши билишни талаб қилади.

Бу жиҳатдан ижодий портрет жанридаги кўрсатувлар энг муваффақиятли ҳисобланади. Бизнинг телевидениемиз учун анъанавий бўлган – Ч.Аҳмаров Ғ.Ғулум, А.Қаҳҳор, Н.Ғаниев, А.Мухтор, О.Хўжаев, М.Уйғур, бошқа сахна, ранг-тасвир, сўз усталарининг ижодига бағишланган 90-йилларда яратилган кўрсатувлар ҳар хил телеканалларда қайта-қайта такроран берилганлигини айтиш лозим. Ушбу яхши анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ижодий телевизион портретларнинг фарқ қилиб турадиган белгиси уларнинг асосланганлигида. Бу барча нарсада – сценарийда, иконографик ва эсдалик материалларнинг кенг жалб этилишида, парчалар ва иллюстрациялар танланишида, бошловчи ва одатда ўзбек маданиятидаги машҳур сиймолар



бўлган таклиф этилган суҳбатдошлар-экспертларнинг ўз соҳасини яхши билишида ҳис қилинади.

Телевизион портретга кирган ва кирмаган йирик рассом, ёзувчи, актёрнинг ижодий ва ҳаёт йўли ҳақидаги ахборот ҳажми ва таҳлил қилиш даражаси баъзан шунчалик лўнда бўладики улардан уларнинг ижоди тўғрисида бўлажак телевизион фильмларда алоҳида парчалар сифатида фойдаланилади.

Санъат тўғрисидаги кўрсатувларнинг барча бошқа типлари ва жанрлари орасида телевидение ижодий портретга кўп ўрин беришига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар санъат тўғрисидаги бошқа исталган кўрсатувга ажратилган вақт 15-20 дақиқа билан чегараланса, телевизион портрет 45 дақиқача давом этади. Алоҳида ҳолларда (мисол учун ёзувчи Ойбек, актёр Ш.Бурҳонов билан бўлган ҳолларда) кўрсатув бир неча қисмдан иборат бўлиши, қаторасига икки уч кун эфирга чиқиши мумкин.

Кўрсатувнинг бундай узоқ давом этиши йўл кўйиб бўлмайдиган исрофгарчилик бўлиб туюлиши мумкин. Боз устига телевидение ҳар бир эфир вақтини кадрлаши керак деган гап алла қачонлар қарор топган. Бироқ бизнинг телевидение вақти-вақти билан ўзига лозим топадиган бундай «дабдаба» ҳам телевидениенинг гуманитар, маърифатпарварлик вазифалари нуқтаи назаридан, ҳам унинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ҳам ўзини мутлақо оқлайди.

Мамлакатнинг бадиий маданиятига катта ҳисса қўшган йирик ижодий шахс ўзида ҳозирги авлод учун профессионал ва ахлоқий намунали ифодалайди. Мустақил давлат қуришнинг ўтиш даврида, мафкуравий ва эстетик йўналишлар алмашаётган даврда, санъатнинг тижоратлашувида бундай сиймоларга бўлган қизиқиш кучаяди – санъатнинг ўзи ва жамият юксак бадиий мезонлар ва ахлоқ нормаларини ўзида мужассам этган сиймоларга эҳтиёж сезади. Бунга ижодий портретлар ёшлар учун билим олиш билан боғлиқ алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қўшимча қиламиз. Ёш

авлод учун телевидение кўпинча ўтган асрадаги Ватан санъати тўғрисидаги билимларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шу сабабли санъат тўғрисидаги кўрсатувлар орасида ижодий портрет жанрининг устунлик мақоми мутлақо қонунийдир. Телевидение бу билан яхши анъаналарга эҳтиром билдириб, ҳозирги жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беради.

Йирик ижодий шахснинг телеэкранда ҳозир бўлиши телевидениенинг ўзининг спецификасига ҳам жавоб беради. Бу ўринда телевидениени театр билан таққослаш талаб қилинади. Маълумки, катта актёр томоша залида ўтирган томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қилиши учун сахнада шунчаки пайдо бўлишини ўзи етарлидир. Телевидениеда ҳам шундай. Санъатдаги ўзининг ютуқлари билан машҳур бўлган шахсга қизиқиш бирданига пайдо бўлади, фотосуратни, эски кинохроника кадрларини, спекталдан парчаларни, шоирнинг ўз шеърларини ўқиётган парчаларни кўрсатишнинг ўзи етарлидир. Машҳур рассом ёки ёзувчининг кузги дарахтлар барглари орасида базўр кўринган ҳолда хиёбонда ёлғиз шунчаки сайр қилиб юриши телетомошабинларни экранга чорлайди. Шахс афсунгарлиги сахнада ҳам, телеэкранда ҳам бирдек.

Улкан ўзбек актёри Шукур Бурҳоновнинг ижодий портретини барча жиҳатларига кўра ажойиб деб айтиш мумкин. Муаллифлар олдида унча мураккаб бўлмаган вазифа тургандек туюлади. Ўзбекистоннинг бадиий маданиятида ижодий ҳаёт тўғрисидаги бунчалик гувоҳликлар бу ижодкорда бисёр. Актёрни ўзи ўйнаган ролларда, ҳар хил ҳаётий вазиятларда, машҳур санъат арболари, сахнадаги ҳамкасблари билан биргаликда муҳрлаган жуда кўплаб фото суратлар, ўн етти ёшидан бошлаб актёрнинг ҳаёт йўлини кузатиш мумкин бўлган ҳужжатли кинохрониканинг нодир кадрлари сақланиб қолган. Унинг иштирокидаги бадиий фильмлар ва спекталларнинг ёзувлари сақланган, актёр тўғрисидаги кўплаб эсдаликлар, унинг театр, кинодаги иши тўғрисидаги юзлаб тақризлар, у ҳақидаги китоблар мавжуд.

Тажрибали телережиссёр ва муҳаррир учун ушбу материални монтаж қилиш умуман олганда катта мураккаблик туғдирмайдигандек туюлади. Боз устига, Ш.Бурҳонов ҳақидаги кўрсатувлар олдин ҳам амалга оширилган. Деярли барча мавжуд кино ва фотоматериаллар бир ярим соатга яқин давом этадиган уч қисмдан иборат кўрсатувга кирган. Телевидениемизнинг устунлик беришини ҳисобга олганда ҳам кўрсатувнинг бунча узок давом этиши ўзига хосдир. Бироқ бу ўзини оқлайди.

Кўрсатув давомида унинг муаллифлари етарлича оддий бўлган вазифани – кенг ва маълум материал асосида актёр ижоди тўғрисида ҳикоя қилиш вазифасинигина ҳал этмасликлари тўғрисидаги таассурот пайдо бўлади ва мустаҳкамланади. Улар ўз олдида яна бир вазифани қўядилар, айнан айтганда Шукур Бурҳонов феноменини очиб беришга интиладилар. Аслида ҳам актёр ижоди ўрганилганлигига қарамай, унинг афсункор истеъдоди сири очилмаганлигича қолмоқда. Мана шу сир-синоатга қизиқиш, актёрнинг яширин сирини англаб олиш истаги, уни томошабинлар, студияда ҳозир бўлганлар билан биргаликда очишга интилиш – ушбу телевизион портретнинг ўзига хос жиҳатларини ташкил этади. Асосан бошловчининг маҳорати туфайли кўрсатув шу ҳолда намоён бўлади.

Кўрсатувнинг бошловчиси театр соҳасидаги таниқли мутахассис Х.Икромов студияда ёлғиз ўзи. Бу ерда аудитория йўқ. Бироқ у фақат телетомошабинларга эмас, балки бу ерда, студия павильонида ҳозир бўлганларга мурожаат қилаётганидек таассурот пайдо бўлади. Эҳтимолки, телевидениенинг барча амалиётчиларида (ушбу мақоланинг муаллифи эса ўзининг радиодаги иш тажрибасига ҳавола қилиши мумкин) кўрсатувни тайёрлаш жараёнида, кўрсатувда тилга олинган бирор-бир масала ёки муаммо «ўз доирасида» эҳтиросларга берилиб муҳокама қилинаётган лаҳзалар пайдо бўлади. Режиссёр, муҳаррир, бошловчи, операторнинг ҳар бири барчани қизиқтирган масалада ўз фикрини, ўз нуқтаи назарини, ўз жавобини билдиради. Буларнинг барчаси, албатта, эфирга узатилмайди.

Ш.Бурҳонов ҳақидаги кўрсатувда бошловчининг хизмати у ушбу ҳиссиётли ва ижодий муҳитни бузмаганлигида, телетомошабинлар учун унинг бадихағўйлик интонациясининг сақлаб қолганлигидадир. Ҳ.Икромов дастлаб улкан актёр тўғрисидаги юксак мақомли сўзларни келтириб ижодий таржимаи ҳол ҳақида шунчаки айтиб беришдан воз кечади, ўз шарҳларига шахс ва касб билан боғлиқ белгиларни киритади, Ш.Бурҳонов актёрлик маҳоратининг ўзига хос хусусиятларини мароқ билан очиб беради. Масалан, актёр интонациясининг куйга ҳамоҳанглиги, бошловчининг фикрига кўра унинг истеъдодининг миллий табиатига бориб тақалади ва реалистик санъатга зид эмас.

Киришиб кетиш, ҳиссиёт, материални профессионал билиш соф телевизион «аудиториянинг ҳозир эканлигини ҳис этиш» билан бирга қўшилиб бошловчининг фазилатига айланади. Шу туфайли актёр образи телетомошабинлар учун янги қирралари билан очилади, моҳиятига кўра ёднома кўрсатув жонли замонавий мазмун-моҳият касб этган.

Юқорида эслатиб ўтилган бошқа кўрсатувлар мисолида бўлгани сингари ушбу мисолда бошловчи шахсига эътибор жалб этилаётганлиги бежиз эмас. Агар ўзбек телевидениесининг долзарб муаммолари айтиладиган бўлса, улар орасида телебошловчи муаммоси энг ўткир муаммо бўлиб чиқади. Санъат тўғрисидаги кўрсатувлар муносабати билан эса ушбу муаммони дадиллик билан биринчи ўринга қўйиш мумкин.

Телекўрсатувлар бошловчисининг идеал портретини тузиш унча қийин эмас. У келишган, назокатли, ўзини эркин тутадиган, тинглай биладиган ва зарур саволларни берадиган, яъни суҳбат кура оладиган бўлиши керак. У ушбу суҳбатни юз минглаб томошабинлар кўриб турганини ёддан чиқармайди, бироқ айни вақтда ана шу улкан аудитория ва одамларнинг кичик гуруҳига мурожаат қилиш укувига эга. Улар билан алоқа ишончининг юқори даражасида юз бериши керак. Мавзуни ва кўрсатув муаммоларини етарлича эркин билади, бироқ ўзига диққат-эътиборни жалб этмайди - лўнда ва аниқ гапира олади ва ҳоқозо.

Санъат тўғрисидаги кўрсатувлар бошловчисининг идеал йиғма портретини тузиш осонроқ бўлса керак. Амалиётда барча идеал хусусиятларни жамлаш мураккаброқ. Бир неча талабгорлардан биттасини танлай олиш янада қийин - бунда фазилатлардан бири кўплаб бошқа фазилатлардан устунлик қилиши мумкин. Баъзан бунинг акси ҳам бўлади – аён кўришиб тургандек бўлган фазилатлар текширилган пайтда унчалик ёрқин бўлиб чиқмайди.

Баъзан телебошловчининг гўзал фазилатлари бўлган эркинлик ва ўзини бемалол тутиш эҳтиётсизлик ва тартибсизликка айланиши мумкин. Баъзида телеэкранда жозибали бўлиб туюлган ёш бошловчиларнинг нафосати тўсатдан уларга ишончсизлик келтириб чиқаради – бу ёш йигит ва қизлар нима деётганини ўзлари билармикан?

Кўринадикки, ҳатто санъат тўғрисидаги кўрсатув бошловчисининг ёши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ёш билан биз ҳаётини тажрибани ва профессионал билимларни, одамларни билишни ва шахсий обрў-эътиборни боғлаймиз. Ушбу фазилатлар телетомошабинларнинг ишончини туғдиради ва кўрсатувга шахсий маъно бахш этади.

Ш.Бурҳонов ҳақидаги кўрсатув «КиноТеатр» ва «Кинотақдим» дастурларининг ёш бошловчилари томонидан олиб борилиши мумкин эдими деган саволга аниқ-тиниқ қилиб йўқ дейиш мумкин. Бунинг устига, ушбу дастурларнинг ўзи профессионал санъатшунос бошловчи бўлган тақдирда бошқача, теранроқ таҳлилий сифатлар касб этиши мумкин эди. Буни ёш бошловчиларга таъна деб билмаслик керак. Шунчаки театр санъати ва кинематография тўғрисида бошқа муаллифлар ва бошловчилар олиб борадиган ўзга мунтазам бериладиган кўрсатувлар туркуми пайдо бўлиши зарурлиги етилганга ўхшайди. Бундай кўрсатувларнинг мисоллари ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд. Энг аввало ижодий тандем – муаллиф ва бошловчи Ш.Рауфбоева ва режиссёр Д.Мирҳодиев томонидан тайёрланган кўрсатувни ажратиб кўрсатиш зарур. Уларнинг ҳамкорлиги «КиноТеатр» кўрсатувидаёқ

самарали бўлиб чиқди. Кейинги босқич театр санъатига, ўзбек сахнаси дарғаларига бағишланган «Қиёфа» туркумидир.

Театр актёрлари тўғрисидаги кўрсатув - телевидениенинг сеvimли мавзуси. Бадиий маданиятнинг барча арбобларидан томошабинларнинг кўпчилиги айнан театр ва кино актёрларини театр ва телеспекталлар, бадиий фильмлар, телевидениенинг бошқа кўрсатувлари, ниҳоят ҳар куни эфирга чиқадиган реклама роликлари бўйича юзидан танийди. У ёки бу машҳур актёр ҳақидаги кўрсатув айрим даражада уларнинг оммавийлиги туфайли томошабинлар ўртасида муваффақият қозонишга «гирифтор этилган». Шу сабабли актёрлар тўғрисидаги ижодий портретлар муаллифларининг вазифалари унчалик қийин эмасдек туюлади, бунинг устига бунга ўхшаш кўрсатувлар учун шаблонлар ва андозалар мавжуд. «Қиёфа» туркуми муаллифларининг хизмати ностандарт ёндашувга интилишдан, машҳур актёрнинг шахси ва ижодига томошабин учун кутилмаган, нотаниш қирраларни излаб назар ташлашдан иборат.

Ҳамза Умаров ва Дилбар Икромованинг унча катта бўлмаган кўрсатувлар ностандарт ёндашувлар билан ажралиб туради. Ҳамза Умаров – ўзбек театри ва киносининг йирик сиймоларидан бири. У томонидан сахнада ва бадиий фильмларда ўнлаб роллар ўйналган. У ҳақли равишда дубляжнинг моҳир устаси ҳисобланади. Гарчи актёр бундан 15 йил мукқадам ҳаётдан кўз юмган бўлса ҳам, кўрсатув у бугунги ҳаётда ҳозирдек таассурот ҳосил қилинадиган тарзда тузилган. Сюжетдаги актёрнинг замонавий санъатга таъсири тўғрисидаги фикр асосий фикрга айланган. У билан сахнага бирга чиққанларга, кинода у билан ишлаганларга, уни ўз устози деб биладиганларга асосий ўрин берилган.

Унинг ҳамкасблари ва партнёрлари, Муқимий номидаги театр актёрлари ва режиссёрлари ўз хотиралари билан ўртоқлашади. Хотираларда бундай кўрсатувлар учун хос бўлган умумий ўринлар умуман йўқ. Ҳамза Умаровнинг бой ижодий ҳаётдан олинган қисқа ҳикоялар, унинг у ёки бу муносабат билан билдирган ҳажв ва юмордан ҳоли бўлмаган ибратли

гаплари, хайрон қоларли илиқ, самимий ва жонли эсдалиқлар ушбу катта актёрга нисбатан меҳр-муҳаббат, эътироф билан йўғрилган. Умумий гапларсиз, умумий баланд пафоссиз қисқа эсдалиқларда нозик, илтифотли, кинояли ва ақлли инсон Х.Умаровнинг жонли образи гавдаланади.

Ушбу образ фавқулодда муҳим деталь билан, деталь билан эмас ҳатто аниқ топилган усул билан тўлдирилади. Бутун кўрсатув давомида Х.Умаровнинг овози янграб туради. Усул жуда аниқ – интонацияларни ва барча овоз регистрларини ҳар томонлама эгаллаб олиш - ушбу актёрнинг ифода имкониятлари бойлигидаги асосий восита. Кўрсатувда Х.Умаров бош ролга ажойиб тарзда овоз берган «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» комедиясидан кадрлар бамисоли рефрен сифатида бир неча марта намоёниш қилиниши эътиборга сазовордир. Кўрсатув ушбу муҳим ва кўп маъноли деталь билан бизнинг эътиборимизни актёрнинг ижодий биографиясида кўп учрайдиган театр, кино, дубляждаги йирик ижтимоий ролларга эмас, балки Х.Умаровнинг маҳорати ёрқин намоён бўлган гротеск-комедия хусусиятига эга бўлган асарлар дубляжига қаратилади. Бундай нуқтаи назар кўрсатув муаллифлари томонидан актёр касбининг профессионал моҳиятини тушунишдан далолат беради, унинг артистлик истеъдоди ва инсоний фазилятлари чўққиси муносиб даражада белгиланади. Бироқ пайтнинг тантанаворлигига ҳам риоя қилинган. Бошловчи Муқимий номидаги театрнинг бўш залида иккита қисқа монологни айтади ва кўрсатувни актёр қабридаги ёдгорлик лавҳаси ёнида тамомлайди.

Кўриниб турибдики, контраст усули ижодий портретда муваффақиятли амалга оширилмоқда ва «Қиёфа» туркуми муаллифлари учун севимли усулга айланмоқда. Бу Миллий театрнинг етакчи актрисаси Д.Икромова ижодига бағишланган кўрсатувда ҳам сезилиб туради.

Актриса театр ва кинода комедияли мураккаб характерли роллар ижрочиси сифатида машҳурдир. Унинг сахнада ёки кино экранда пайдо бўлишининг ўзи томошабинларнинг кулгусини уйғотади. Телеэкран кўпроқ қаттиққўл мактаб ўқитувчисига ўхшаган, ўз касби ва ҳаёти тўғрисида ақлли

ва нозик мулоҳаза юритадиган бошқа бир актрисани кашф этади. Унинг иштирокидаги спектакллар ва кинофильмлардан олинган парчалар билан бирга бериладиган унинг монологи – касбга бўлган жиддий муносабатдир. Комедия актёридан касбга жиддий муносабатда бўлиш ижтимоий драматик роллар ижрочисидан талаб қилинадигандан кам бўлмаган даражада талаб қилинади.

Битта деталь, битта ўз вақтида ва жўяли савол ва унга жавоб кўрсатувнинг, умуман бутун туркумнинг ниятини, мазмуни ва моҳиятини очиб бериши мумкинлиги ҳайрон қоларлидир! Дилбар Икромова тўғрисидаги кўрсатувда мана шундай лаҳза, мана шендай деталь бор эди.

Суҳбат давомида бошловчи Ш.Рауфбоева жуда эҳтиёткорлик билан актриса жиддий драматик роллар тўғрисида орзу қилган – қилмаганлигини сўрайди. Комедияли актёр билан интервьюдаги оддий савол. Бу саволга одатда тасдиқловчи жавоб берилади – албатта Ҳамлет, Мария Стюарт тўғрисида орзу қиламан...! Д.Икромова тўғрисидаги сюжетда ушбу савол олдиндан назарда тутилмагандек туюлади. Савол кўрсатув давомида, телетомошабинлар сингари бошловчи ҳам комедия актрисасида жиддий профессионални кўргандан кейин етилади. Актриса бу саволга гарчи сал кулимсираб бўлса-да жиддий жавоб беради: «Йўқ, орзу қилмайман. Мен ўз актёрлик имкониятларимни яхши биламан ва аниқ баҳолайман. Агар мен томошабинларга қувонч бахш этсам, агар улар менинг спектаклларимда кулсалар – мен тақдир билан баҳслашиб ўтирмайман».

«Қиёфа» туркуми телевизион лойиҳа сифатида айнан ўз вақтида намоёниш қилинмоқда. Унда кўйилган вазифа мутлақо аниқ: актёрлик касбининг обрў-эътибори ва қадрини кўтариш. Ушбу туркумнинг сюжетлари қизиқарли ва мазмунли шаклда бизга катта ҳурматга сазовор бўлган, осон бўлмаган ва қувончли ижодий меҳнат сифатида актёрлик касби ҳақида сўзлайди.

Театр ва кинонинг таниқли дарғалари қатнашадиган кўнгилочар, ўйин кўрсатувлари, реклама роликлари кўп бўлган бир шароитда ушбу



кўрсатувнинг долзабрлиги шубҳасиздир. Замонавий телевидениеда афсуски реклама роликлари бўлмаслиги мумкин эмас. Бироқ таниқли актёрларнинг ҳар хил телелотереялар, рекламалар ва бошқа тижорат дастурларида ҳар куни кўриниб туриши актёрлик касбининг обрўсини мустаҳкамлайди дейиш қийин.

Актёр ҳамма вақт ўзбек театрининг асосий сиймоси бўлиб келган. Шу сабабли, пировард натижада, ушбу туркум актёрлик касбига юксак баҳо бериб муҳим ва олижаноб вазифани ҳал этади. Жамоатчилик онгида театр санъатининг нуфузини кўтаради. Чунки бугунги кунда ўзбек театри актёрлик касбининг нуфузи ортишига эҳтиёж сезмоқда.

Юқорида санъат тўғрисидаги бир қатор кўрсатувлар бугунги кунда ёш режиссёрлар, муаллифлар ва бошловчилар томонидан амалга оширишга қараётганлиги айтиб ўтилди. Ҳақиқатдан ҳам бизнинг телевидениемиз кўз олдимизда янгиланмоқда. Телевидениемизда кадрларнинг яшариши тенденциясига фақат ижобий баҳо бериш мумкин. Бироқ, ушбу тенденция ягона мақсадни кўзламаслиги, профессионал устуворликлардан устунлик қилмаслиги керак. У ижодда «барча ишдагилар бўйин эгадиган» рақобатни рағбатлантириши зарур. Бу телеканалнинг йўналишидан қатъи назар биринчи давлат, «Ёшлар» ёки «Тошкент» телеканалларига тегишлидир.

Албатта, ёшлар маданияти муаммоларига, масалан, замонавий мусиқий эстрада муаммоларига бағишланган кўрсатувлар, агар уларни ёш бошловчилар олиб борса, жонли ва табиий томоша қилинади. Бу уларнинг ҳудуди, улар бу ерда яхшироқ тушунадилар, уларнинг ёш телетомошабинлар билан умумий тил топиши енгилроқ кечади. Бундай дастурлар тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда, «Ўн учинчи» ёки мутлақо янги «ТВ-Марказ» каби унча катта бўлмаган телеканалларда кўринмоқда.

Бироқ, айтайлик, «Ёшлар» каналида санъат тўғрисидаги жиддий кўрсатувни бундай кўрсатувни тайёрлаш ва олиб боришга тайёр бўлган профессионал мутахассислар бор бўлган бир вақтда журналистика факультетининг кечаги битирувчиларига ишониб топшириш шарт эмас.

Биринчидан, ёш томошабинларнинг санъат тўғрисидаги жиддий гапларни идрок қилиш қобилиятига ишониш учун шундай қилиш зарур. Иккинчидан, «Ёшлар» телеканалининг аудиторияси фақат ёшлардан иборат эмас – уни барча авлодлар томошабинлари кўради. Ушбу каналнинг ёшларга йўналтирилганлигига келганда эса шуни айтиш зарурки, мактабда ва олий ўқув юртида ҳамма вақт ҳам партанинг орқасида ўтирган ўқувчилар ёки талабларнинг тенгдошлари маъруза ўқийвермайди. Асосийси, маъруза тўлақонли, кўрсатув эса мазмунли ва қизиқарли бўлишидадир.

Кўпинча санъат тўғрисидаги кўрсатувнинг бошловчиси унинг муаллифи, аниқроқ айтганда режиссёр ва муҳаррир билан биргаликда ижодий жамоанинг тўлақонли ҳаммуаллифи ҳисобланади. Мавзу танлаш ва нуқтаи назар, кўрсатувда илгари суриладиган саволларнинг профессионал даражаси кўп жиҳатдан унга боғлиқдир. Шу сабабли замонавий санъат тўғрисида кўрсатув тайёрлашда телевидениенинг мутахассис-санъатшунослари билан мустаҳкам алоқалар зарур. Ушбу алоқаларнинг шакли ҳар хил бўлиши мумкин, мутахассисларни бошловчи, эксперт, ёхуд маслаҳатчи сифатида таклиф қилиш мумкин.

Санъат соҳасида юз бераётган воқеаларнинг кўпчилиги телевидениенинг назаридан четда қолади. Бу айниқса Ўзбекистоннинг замонавий санъатидаги янги тажриба йўсинидаги йўналишларга тегишлидир. Жумладан, нима сабабдандир телевидение Ўзбекистоннинг қизиқарли театр жамоаларидан бири – «Эски мачит» студиясини эътибордан четда қолдирмоқда. Кейинги ўн йилда фақат «Ракурс» ушбу театрнинг бадиий раҳбари билан кичик бир лавҳани намойиш қилди.

Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъатига бағишланган кўрсатувлар тўғрисидаги масала алоҳида ўринда туради. Ушбу соҳада юз бераётган воқеалар янгиликлар дастурларида кенг ёритилади. Вақти-вақти билан таниқли рассомлар билан қисқа интервьюларни «Ассалом, Ўзбекистон» ахборот-дам олиш дастурида кўриш мумкин. Санъат тўғрисидаги йирикроқ форматли кўрсатувларни тайёрлашда телевидение

адабиёт, театр, киноматографияга устунлик беради. Тасвирий санъат соҳасида эса у анъанавий шаклларни афзал кўради ва замонавий муаммоларни деярли пайқамайди. Боз устига ўзбек рассомларининг полотнолари жаҳоннинг турли музейларида намоиш қилинмоқда ва умуман олганда тасвирий санъат Ўзбекистоннинг замонавий бадиий маданиятида юқори ўринларни эгаллаб турибди, йирик санъатшунос мутахассислар бор бўлган, тасвирий санъат ҳатто халқаро биеналда намоиш қилинаётган бир шароитда фақат ахборот дастурларидаги сюжетлар билан чекланилмоқда.

Ахборот бериш функцияси телевидениенинг асосий функциялари эканлигига шубҳа йўқ. Бироқ, замонавий телевидениенинг устуворликлари орасида таҳлилий вазифалар ҳам охириги ўринларда турмаслиги керак. Бироқ ушбу вазифалар, маълумки, тележурналистнинг профессионал тайёргарлиги даражасига юқорироқ талаблар қўяди.

Телекўрсатувларнинг ахборот бериш ва таҳлилий вазифаси қанчалик мутаносиб бўлса, санъат тўғрисидаги кўрсатувларда маданият жараёнларини акс эттиришнинг муқобиллиги шунча юқори бўлади. Гўёки соф ахборот каналидек бўлиб туюлган «Евроньюс» эфир вақтининг деярли учдан бир қисмини ҳар куни жаҳон ва Европа санъатида юз бераётган воқеаларга ажратиши, ахборотни лўнда ва теран таҳлилий маълумотлар билан муваффақиятли қўшиб олиб бориши бежиз эмас.

Европа янгиликлар канали бежиз эслатиб ўтилмади. Бугунги кунда Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини энг яхши хорижий телеканаллар намуналари билан моделлаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр тобора аён бўлиб бормоқда. Аслини айтганда, ушбу фикр телевидениемизни модернизация қилиш жараёнига асос қилиб олинган. Кузатувчан телетомошабинлар бунинг элементларини ҳозирданок пайқашлари мумкин. Бу ўринда шу ҳолатни ҳисобга олиш зарурки, жаҳонда юз бераётган геосиёсий ўзгаришлар, глобаллашувнинг ўткир муаммолари, шу жумладан маданий глобаллашув, маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари, мураккаб конфессиялараро ва динлараро ўзаро ҳамкорлик

етакчи хорижий телевизион каналларни маданият ва санъатга кўпроқ эътибор беришга ундайди. Англиянинг Би-Би-Си, Франциянинг TV-1 каби телеканаллари ва бир қанча бошқа телеканаллар кўрсатувлари сеткасида гуманитар тенденциялар сезиларли даражада кучайган. Образли қилиб айтганда, энг яхши телеканалларда Достоевскийнинг «дунёни гўзаллик қутқаради» деган сўзлари фаоллаштирилмоқда.

Шу сабабли, биз телевидениемизни уларнинг намуналари бўйича модернизация қилишимиз керак бўлган қандайдир телевизион моделлар ҳақида гапирганимизда машҳур жаҳон телевизион каналларида тобора ўсиб бораётган ушбу истиқболли тенденцияни ҳам назарда тутишимиз зарур. Бизнинг телевидениемиз анча йиллик ва мустаҳкам маданий-маърифий анъаналарга эга экан, бундай телеканаллар боз устига уни ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнида йўналишлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу анъаналарни ҳеч бир ҳолатда рад этиб бўлмайди. Уларни фақат янги таҳлилий дастурлар билан хилма-хиллаштириш ва теранлаштириш зарур. Масалан, ушбу ўринда муҳокама қилинаётган мавзули сегментда ҳозир давра суҳбати ёки ток-шоу форматларидаги мунтазам кўрсатувлар мавжуд эмас. Бундай кўрсатувларнинг зарурлигини нафақат телевизион «мода» талаб қилади (агар мода ижтимоий кайфиятларга, эҳтиёжларга, дидларга мувофиқ бўлса нима учун модага эргашмаслик керак). Бундай кўрсатувлар замонавий санъат оламида юз бераётган воқеалар тўғрисидаги ахборот билан тажриба изланишлари ва Ўзбекистон бадиий маданиятидаги бошқа ташвиш уйғотаётган муаммолар тўғрисида жиддийроқ фикр алмашиш ўртасидаги зарур уйғунликни мутаносиблаштириши мумкин. Шу сабабли, замонавий санъат арбоблари, амалиётчилар ва назариётчилар биргаликда жам бўлиб Ўзбекистон маданиятининг ҳолати ва бўлғуси ривожланиши тўғрисидаги ўз фикрларини билдирадиган давра суҳбати форматидаги мунтазам туркумли телевизион лойиҳа яратиш вазифаси энг долзарб ва истиқболли вазифалардан бири ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1993 йил
2. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997 йил
3. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1998 йил
4. Девис Д. Албука телевидения. - М.: Искусство, 1962 йил
5. Саппак Вл. Телевидение и мы. – М.: Искусство, 1963 йил
6. Ильин Р. Выразительные средства телевидения. - М.: Искусство, 1966 йил
7. Юровский А.Я., Борецкий Р.А. «Основы телевизионной журналистики». - М.: МГУ, 1966 йил
8. Вильчек В. Контуры. Наблюдения о природе телеискусства. - Т.: Искусство, 1967 йил
9. Багиров Э., Борецкий Р., Глуховский Д., Григорьянц Н. Жанры телевидения. - М.: Искусство, 1967 йил
10. “Искусство голубого экрана” 1968 йил Москва (сборник статей)
11. Багиров Э. Очерки теории телевидения. - М.: 1978 йил
12. Богомолов Ю.А. Проблемы времени в художественном телевидении. - М.: Искусство, 1977 йил
13. Грабовский Б.П. Изобретатель телефота. – Т.: Узбекистан, 1989 йил
14. Коган И. Морфология искусства. - М.: Искусство, 1972 йил
15. Копылова Р.Д. Контакт. Заметки о феномене телевизионности.- М.: Искусство, 1974 йил
16. Юровский А. Телевидение – поиски и решения. -М.: 1975 йил
17. Копылова Р.Д. Кинематограф плюс телевидение. Факты и суждения. - М.: Искусство, 1977 йил
18. Багиров Э.Г. Очерки теории телевидения. - М., 1978 йил
19. Рахмен А., Пастин В. Телевидение как искусство, - М.: Искусство, 1962 йил

20. Тешабоев Ж.Т. Узбекское кино: традиции и новаторство. – Т.: Ф.Фулям, 1979 йил
21. В.Карелина. На экране и за экраном. 1982 йил Москва
22. Юровский А. Телевидение - поиски и решения. - М., 1983 йил
23. Г.Никулина. Лица знакомые и незнакомые. 1980 йил Москва
24. Убайдуллаев А. Ойнаи жаҳон истиқболлари. – Т.: Фан, 1993 йил
25. Умаров Э., Пал И. Жанр эстетикаси. – Т.: Ф.Фулом, 1985 йил
26. Муратов С.А. Встречная исповедь. - М. 1988 йил
27. Егоров В.В. Телевидение: теория и практика. - М., 1993 йил
28. Цвик В. Телевидение: системные характеристики. - М., 1999 йил
29. Абул-Косимова. Кино и художественная культура Узбекистана. – Т.: Фан, 1991 йил
30. Акбаров Х. Кино ва телевидение оламида. - Т.: Ф.Фулом. 1999 йил
31. Аҳмедов Б. Режиссура телевизионного фильма. Тошкент 2005 йил
32. Ш.Тожибоев. Телевидение. 2006 йил
33. М.Мухамедов “Устозлар изидан” Тошкент 2006 йил

## Мундарижа

### I бўлим:

XX аср мўъжизаси .....	3-бет
Телевидениенинг репродуктив функциялари ва унинг хусусиятлари ....	19-бет
Телевидение ва унинг режиссёри .....	28-бет
Телевидение ва унинг жанрлари .....	34-бет
Телевидениеда публицистик кўрсатувларни ташкил қилиш .....	38-бет
Режиссёр сценарийси .....	44-бет
Миллий телесериал ва унинг илк тажрибалари .....	61-бет

### II бўлим:

Ўзбекистонда телевидениенинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари .....	69-бет
Ўзбекистонда бадиий телевидение эволюцияси .....	72-бет
Ўзбекистонда бадиий телевидение: услуб ва изланишлар .....	87-бет

### III бўлим:

Санъат мавзуини ёритадиган телевизион кўрсатувлар: изланиш ва муаммолар .....	94-бет
Мустақиллик йилларида Ўзбекистон телевидениесида маданий-бадиий кўрсатувлар .....	99-бет
Ахборот дастурларида маданият ва санъат тўғрисидаги мавзулар .....	104-бет
90 йиллар биринчи ярми кўрсатувларида шахс ва давр .....	109-бет
Адабиётлар .....	149-бет
Мундарижа .....	151-бет